<b>Баҳолаш мезонлари</b>	<p><b>86-100 балл «аъло»</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш;</li> <li>- фанга оид кўрсаткичларни иқтисодий таҳлил қилишда ижодий фикрлай олиш;</li> <li>- ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш;</li> <li>- меҳнат муносабатларига оид таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш;</li> <li>- ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш;</li> <li>- таҳлил натижалари асосида вазиятга тўғри ва ҳолисона баҳо бериш;</li> <li>- ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;</li> <li>- ўрганилаётган жараёнларни аналитик жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш.</li> </ul> <p><b>71-85 балл «яхши»</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш</li> <li>- таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш;</li> <li>- ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;</li> <li>- ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш;</li> <li>- ўрганилаётган жараёнларни жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш.</li> </ul> <p><b>55-70 балл «қониқарли»</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш;</li> <li>- ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;</li> <li>- ўрганилаётган жараёнларни аналитик жадваллар орқали таҳлил этиш.</li> </ul> <p><b>0-54 балл «қониқарсиз»</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ўтилган фаннинг назарий ва услубий асосларини билмаслик;</li> <li>- иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил этиш бўйича</li> </ul>		

	тасаввурга эга бўлмаслик; - ўрганилаётган жараёнларга иқтисодий усулларни қўллай олмаслик.		
	<b>Рейтинг баҳолаш турлари</b>	<b>Макс.балл</b>	<b>Ўтқозиш вақти</b>
	<b>Жорий назорат:</b>	<b>35</b>	
	маъруза машғулотларда фаоллиги, мунтазам равишда конспект юритиши учун	6	Семестр давомида
	Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши	9	
	Амалий машғулотларда фаоллиги, саволларга тўғри жавоб берганлиги, амалий топшириқларни бажарганлиги учун	20	
	<b>Оралик назорат</b>		
	Биринчи оралик назорат ёзма иш (амалий машғулот ўқитувчиси томонидан қабул қилинади).	15	10 ҳафта
	Иккинчи оралик назорат (маърузачи ўқитувчиси томонидан қабул қилинади). Иккинчи оралик назорат 2 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич, 10 балл-талаба якка тартибда топшириқлар олади ва ҳимоя қилади. Иккинчи босқич, 10 балл-талабалар кичик гуруҳларга бўлинади (ҳар бир гуруҳда талабалар сони 5-7 тагача бўлиши мумкин), ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқлар берилади ва ҳимоя қабул қилинади. Топшириқлар 2-3-ҳафталар оралиғида талабаларга бириктирилади. Гуруҳнинг фаоллиги, берилган топшириқни назарий ва амалий жиҳатдан ёритилиши, хулосаларнинг мантиқий боғлиқлиги, креатив мулоҳазаларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни билиши ва бошқа талабларга мослиги ҳисобга олинади.	20	17-ҳафта

	Гуруҳдаги ҳар бир талабага 0-10 оралиғида бир хил балл қўйилади. Ҳимоя кафедра мудири томонидан тасдиқланган график асосида дарс машғулотларидан сўнг ташкил этилади		
	<b>Яқуний назорат</b>	30	20 ҳафта
	Ёзма иш	<b>30</b>	
	<b>ЖАМИ</b>	<b>100</b>	

**Ахборот ресурс база:**

<i>Асосий адабиётлар:</i>	<p>1.М.Armstrong, J.Taylor. Regional economics and policy. 3 edition. WilleyBlackwell publisher, 2010- 448 p</p> <p>Абдурахмонов Қ.Х., Абдуллаев О., Дадабоев Ш. 2.“Региональная экономика и управление” Учебник. ТГЭУ 2007. 730 стр.</p> <p>3.Ведяпина В.Н. Региональная экономика. под ред. - М.: «ИНФРА», 2008. – 510 стр.</p> <p>4.Раҳимова М.Р. “Минтақавий иқтисодиёт”. Ўқув-услубий мажмуа. Т.: ТДИУ, 2012 йил</p> <p>5.Раҳимова М.Р. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: ЎзРЁУАЖ, 2004. – 128 бет.</p> <p>6.Раҳимова М.Р., Ишмухамедов А.Э. Минтақавий иқтисодиёт. Лотин алифбосида дарслик. Т .ТДИУ, 2010. 335 бет.</p> <p>7.Солиев А. ва бошқалар. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Монография Т. “Мумтоз сўз” 2010. 100 бет.</p>
<i>Қўшимча адабиётлар:</i>	<p>1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 40 б.</p> <p>2. Каримов И.А. .“Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришди” мавзусидаги маъруза – Халқ сўзи. 2016 йил 16 январь.</p> <p>3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. <a href="http://www.lex.uz">www.lex.uz</a> 4.03.2015</p> <p>4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги (ПП-2313) “2015-2019 йилларда инженерлик коммуникация ва йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. <a href="http://www.lex.uz">www.lex.uz</a> 6.03.2015</p> <p>5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги (ПП-2298) “2015-2019 йилларда тайёр</p>

	<p>маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. <a href="http://www.lex.uz">www.lex.uz</a> 11.02.2015</p> <p>6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”. ПФ-2613-сонли Фармони. <a href="http://www.lex.uz">www.lex.uz</a> 11.04.2015</p> <p>7.Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир”. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015 йил.</p> <p>8.Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, 2014 й. / <a href="http://www.lex.uz">www.lex.uz</a></p> <p>9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”, 15.12.2010 й., №ПҚ-1442. / <a href="http://www.lex.uz">www.lex.uz</a></p> <p>10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “2011-2015 йилларда республика банк-молия тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори рейтинг кўрсаткичларига эришишининг устувор йўналишлари тўғрисида”, 26.11.2010 й., №ПҚ-1438</p> <p>11. Абдурахмонов Қ.Х., Абдуллаев О., Дадабоев Ш. “Региональная экономика и управление” Учебник. ТГЭУ 2007. 730 ст</p>
<b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:</b>	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. <a href="http://www.lex.uz">www.lex.uz</a></p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 2264-сонли Қарори.</p>
<b>Илмий журналлар:</b>	“Экономическое обозрение”, “Иқтисодиёт ва таълим”, “Вопросы экономики”
<b>Даврий нашрлар:</b>	“Народное слово”, “Карьера”
<b>Статистик нашрлар:</b>	<p>1. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2014. –Т.: Госкомстат Узбекистана. 2015. - 130 стр.</p> <p>2. Статистическое обозрение Узбекистана. 2008-2015. Узбекистан в цифрах. 2014. – Т.:, Госкомстат Узбекистана 2015. – 188 стр.</p>
<b>Интернет ресурслар:</b>	<p>1. <a href="http://www.gov.uz">http://www.gov.uz</a></p> <p>2. <a href="http://www.mehnat.uz">http://www.mehnat.uz</a>.</p> <p>3. <a href="http://www.stat.uz">http://www.stat.uz</a></p> <p>4. <a href="http://www.humanities.edu.ru">http://www.humanities.edu.ru</a>.</p> <p>5. <a href="http://www.lex.uz">http://www.lex.uz</a></p>







---

## **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ**

---

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

т/р	Маъруза мавзулари	Соатлар ҳажми
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>
<b>1-мавзу. Минтақавий иқтисодиёт фанига кириш</b>		<b>2</b>
1.	«Минтақа» тушунчаси, минтақаларнинг миллий иқтисодиётни ривожланишдаги роли ва аҳамияти.	
2.	Минтақавий иқтисодиёт фанининг ўрганиш объекти, бошқа фанлар ичида тутган ўрни, иқтисодиёт соҳасидаги мутахассисларни тайерлашдаги роли.	
3.	Минтақавий иқтисодиёт фанининг асосий тамойиллари ва усуллари.	
4.	Фаннинг предмети ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.	
<b>2-мавзу. Минтақаларнинг минерал-ҳомашё ва табиий ресурслари</b>		<b>2</b>
<b>1-маъруза машғулоти</b>		
1.	Минерал ҳомашё ресурслари тушунчаси. иқтисодий аҳамияти	2
2.	Минерал ҳомашё ресурсларининг. ҳудудий жойлашуви	
3.	Минерал ҳомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш. ҳозирги ҳолати.	
4.	Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммолари	
<b>3-мавзу. Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши</b>		<b>2</b>
1.	Ўзбекистоннинг маъмурий - ҳудудий бўлинишининг тарихи ва ҳозирги ҳолати;	
2.	Маъмурий-ҳудудий бўлиниш масалаларини қонуний-ҳуқуқий асолари; Шаҳарлар категориялари;	
3.	Аҳоли пунктларига шаҳар мақомини беришнинг қонуний масалалари.	
<b>4-мавзу. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш</b>		<b>2</b>
1.	Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича назариялар: И.Тюненинг «Қишлоқ хўжалик стандарти» назарияси; А.Вебернинг саноат «штандортлар» назарияси, А.Лёшнинг «Жойлаштириш» назарияси, У.Айзарднинг «Жойлаштириш» назарияси, Ф.Перрунинг «Ўсиш қутблари ва ривожланиш маркази» назарияси.	
2.	В.Кристаллернинг «Марказий жой» назарияси.	
3.	Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш қонуниятлари: ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш, минтақа хўжалигининг комплекс ривожлантириш, ҳудудий меҳнат тақсимоти.	
<b>5-мавзу. Минтақалар аҳолиси ва меҳнат ресурслари</b>		<b>4</b>
<b>1-маъруза машғулоти</b>		<b>2</b>
1.	Ҳудудларда аҳолини жойлаштириш, ҳудудларни режалаштириш схемалари ва бош режалари билан боғлиқ ҳужжатларни ишлаб чиқиш тизими, ҳудудларининг ижтимоий-демографик хусусиятлари	
2.	Аҳолининг табиий ўсишнинг асосий омиллари. Аҳолининг ўсиш динамикаси.	
3.	Аҳоли бандлигининг минтақавий хусусиятлари ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.	
<b>2-маъруза машғулоти</b>		<b>2</b>
1.	Минтақада меҳнат бозори. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг ҳудудий асослари, уни такомиллаштириш йўллари.	
2.	Меҳнат ресурслари баланси.	
3.	Ишсизлик, уни минтақалардаги ҳолати. Ишсизликни камайтириш йўллари.	
<b>6-мавзу. Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида Ўзбекистон минтақаларида саноат</b>		<b>2</b>

<b>тармоғини ривожлантиришнинг ҳудудий жиҳатлари</b>		
1.	Ўзбекистон саноатининг тармоқлараро – минтақавий таркиби.	
2.	Саноат ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви.	
3.	Стратегик аҳамиятга эга тармоқларининг миллий иқтисодиётдаги роли. Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг шарт-шароитлари.	
<b>7-мавзу. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ихтисослашуви</b>		<b>2</b>
1.	Қишлоқ жойларнинг табиий-иқлим шароити ва рельефи	
2.	Қишлоқ хўжалиги тармоғининг ҳудудий хусусиятлари ва ихтисослашуви.	
3.	Агросаноат мажмуаси тушунчаси, таркиби ва уни бошқариш. Агросаноат мажмуаси сиёсатдаги устуворликлар.	
4.	Республика қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жараёни.	
5.	Агросаноат мажмуини ривожлантириш муаммолари	
<b>8-мавзу. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларда коммуникация мажмуаси</b>		<b>2</b>
1.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида коммуникация мажмуасининг аҳамияти	
2.	Ўзбекистонда транспорт тизимини ислоҳ қилиш муаммолари ва вазифалари	
3.	Коммуникация корхоналарини ривожлантириш истиқболлари.	
	Телекоммуникация хизматлари соҳаси	
<b>9-мавзу. Ўзбекистоннинг Республика, минтақа, ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги ваколатларни тақсимлаш механизми.</b>		<b>2</b>
1.	Давлат ҳокимиятининг турли поғоналари ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг вазифалари ва тамойиллари	
2.	Бошқарув органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш зарурияти, муаммолари	
3.	Республика, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш жараёнининг ҳозирги ҳолати	
4.	Республика, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва алоқаларнинг самарадорлигини ошириш йўллари	
<b>10-мавзу. Минтақавий иқтисодий сиёсат</b>		<b>2</b>
1.	Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг моҳияти ва вазифалари	
2.	Минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш дастаклари.	
3.	Минтақавий иқтисодий сиёсат бўйича хорижий тажрибалар	
4.	Мустақиллик йилларида Ўзбекистон минтақавий сиёсатининг асосий йўналишлари.	
<b>11-мавзу. Минтақалар молияси ва уни тартибга солиш</b>		<b>4</b>
<b>1-майруза машғулоти</b>		<b>2</b>
1.	Минтақаларнинг молиявий маблағлари ва унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти.	
2.	Минтақа молияси-ҳудудий ҳокимлик бюджетларининг асосий молия манбаи. Ҳудудий молиянинг моҳияти ва таркиби.	
3.	Маҳаллий бюджет-маҳаллий бошқарув органларининг асосий молиявий манбаи сифатида.	
<b>2-майруза машғулоти</b>		<b>2</b>
1	Маҳаллий бюджет, унинг тушумлари ва харажатлари. Маҳаллий солиқлар ва уларнинг йўналишлари. Мол-мулк солиғи. Мол – мулк солиғининг маҳаллий бюджетдаги роли. Бюджет жараёни.	
2	Бюджетлараро муносабатлар.	
3	Маҳаллий бюджетнинг Республика бюджетидagi улуши. Минтақаларга	

	ажратиладиган субвенциялар.	
<b>12-мавзу. Минтақаларнинг ташқи иқтисодий алоқалари ва экспортни кўпайтириш йўллари</b>		2
1	Ташқи иқтисодий алоқаларнинг моҳияти ва таснифи.	
2	Минтақаларнинг экспорт салоҳияти.	
3	Минтақаларда қўшма корхоналарни ривожланиши. Тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш йўллари.	
4	Минтақанинг экспорт-импорт балансини таҳлили ва такомиллаштириш йўллари.	
<b>13-мавзу. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солиш</b>		2
1	Минтақаларни тартибга солишнинг мақсади ва воситалари.	
2	Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг назарий ва услубий асослари.	
3	Худудий ўсиш назариялари, уни таҳлил этиш масалалари.	
4	Худудлар иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг мақсад ва воситалари	
<b>14-мавзу. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишни имкониятлари</b>		2
1	Ўзбекистон худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши	
2	Худудларнинг иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш хусусиятлари ва имкониятлари	
3	Минтақаларда кичик тадбиркорликни ривожлантиришни кенгайтириш йўллари.	
4	Кичик тадбиркорликни кенг ривожлантириш йўллари, кичик бизнеснинг мамлакат ривожланишидаги аҳамияти.	
<b>15-мавзу. Мамлакатни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини такомиллаштириш йўллари</b>		2
1	Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси.	
2	Минтақаларга инвестициялари жалб қилишнинг асосий тамойиллари ва йўллари.	
3	Минтақаларни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришда инновацион шарт-шароитлар.	
4	Худудларни нновацион стратегиясини аниқлаш услуби. Худудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг инновацион шарт-шароитлари.	
<b>16-мавзу. Минтақаларда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича ҳамкорлик.</b>		2
1	Атроф – муҳитни муҳофаза қилиш. Атмосферани муҳофаза қилиш. Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш.	
2	Ўзбекистон ва унинг худудларида биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш йўллари.	
3	Стационар манбалардан чиқадиган чиқиндилар. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ҳаракатланувчи манбаларнинг таъсири.	
Жами		<b>36</b>

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** ақлий ҳужум, гуруҳларда ишлаш, блиц-сўров, инсерт техникаси, Нилуфар гули., гуруҳларда ишлаш, Эксперт баҳолаш, Дельфи усули, балик скелети, кейс стади.

---

**МАВЗУЛАР БЎЙИЧА МАТН АННОТАЦИЯСИ ВА  
ОХИРГИ ЯНГИЛИКЛАР**

---

## 1-МАВЗУ. “МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ” ФАНИГА КИРИШ

### 1.«Минтақа» тушунчаси, минтақаларнинг миллий иқтисодиётни ривожланишдаги роли ва аҳамияти.

Минтақавий иқтисодиёт фанининг предмети мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг жойлашувини, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, муҳим табиий-иқтисодий, демографик ва экологик хусусиятларини ҳамда уларнинг ҳудуд ичидаги, ҳудудлараро ва давлатлараро иқтисодий алоқаларини ўрганади. Бошқача айтадиган бўлсак, минтақавий иқтисодиёт фанининг асосий вазифаси ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жиҳатларини ўрганишдан иборат.

Минтақавий иқтисодиёт фан сифатида ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий инфратузилма элементларини, қонуниятлари ва тамойилларини ҳудудий жиҳатдан тадқиқ этади; мамлакат умумий ривожланиш стратегияси ва экологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш йўналишларини белгилайди; ҳудудлар иқтисодиётини ва ҳудудлараро иқтисодий алоқаларни ўрганади. Бундан ташқари, минтақавий иқтисодиёт ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш масалаларини мамлакат миқёсида яхлит ўрганади. Зеро, ҳар бир ҳудуд иқтисодиёти, энг аввало, мамлакат ягона хўжалик мажмуасининг таркибий қисмидир.

Шу билан бирга, мазкур фан мамлакат ва ҳудудларнинг табиий ресурс салоҳиятини, мамлакатнинг жаҳон хўжалиги тизимидаги ўрни, аҳоли, меҳнат ресурслари ва ҳозирги демографик муаммоларни ўрганади; бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат ва ҳудудларнинг иқтисодий даражасини таҳлил қилади ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг асосий омилларини аниқлайди. Минтақа - мамлакат ягона халқ хўжалиги мажмуасининг ҳудудий кичик тизими ҳисобланади. У демографик, табиий-экологик, ижтимоий-иқтисодий ва техник-иқтисодий жараёнларнинг ички алоқаси ва ўзаро муносабати туфайли ҳосил бўлган яхлит бирликдир.

Ҳозирги пайтда тубдан ўзгариб бораётган Ўзбекистоннинг замонавий хўжалик мажмуаси мураккаб тармоқлар тизимини ташкил этади. Мустақиллик йилларида электротехника ва электроника, металлургия, микробиология ва кимё саноати тармоқларида кўплаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Асакадаги «Генерал моторс» ва Самарқанддаги «ЎзОтайўл» корхоналарининг ишга туширилиши билан Ўзбекистон жаҳондаги автомобил ишлаб чиқарувчи мамлакатлар сафига 28 чи бўлиб қўшилди. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги, ҳамда бу соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг устувор тармоқлари бўлиб қолмоқда.

### 2. Минтақавий иқтисодиёт фанининг ўрганиш объекти, бошқа фанлар ичида тутган ўрни, иқтисодиёт соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашдаги роли.

Минтақавий иқтисодиёт ижтимоий фан ҳисобланади. У муайян ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тадқиқ этади, ижтимоий ва иқтисодий омилларни ўрганади. Минтақавий иқтисодиёт иқтисод назарияси, социология, тармоқлар иқтисоди, иқтисодий география, демография ва бошқа ижтимоий-иқтисодий фанлар билан узвий алоқадор. Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши мамлакат хўжалигининг ҳудудий ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқ. Минтақавий иқтисод ва сиёсатнинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш (рента муносабатлари, ҳудудий ижтимоий жараёнлар ва ҳ.к.) иқтисод назариясини янада бойитади, янги илмий хулосалар чиқариш имконини беради. Мамлакатимизда ижтимоий ва демографик йўналишдаги тадқиқот ишлари изчил амалга оширилмоқда.

“Минтақавий иқтисодиёт” ва “Иқтисодий география” фанлари олиб бораётган илмий тадқиқотларнинг мақсадлари ўзаро ўхшаш. Амалий жиҳатдан улар иқтисодиёт ҳудудий тузилмасини такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш масалалари билан шуғулланадилар. Лекин тадқиқот услублари ва йўналишлари бўйича тафовутлар мавжуд. Минтақавий иқтисодиёт техник-иқтисодий кўрсаткичлар тизимига таянади, ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ривожлантиришда иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш усулларини кенг қўллайди, ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг иқтисодий бошқариш механизмини ўрганади.

### **3. Минтақавий иқтисодиёт фанининг асосий тамойиллари ва усуллари.**

Шунинг учун минтақавий иқтисодиётда кўпгина иқтисодий омилларни (меҳнат унумдорлиги ўсиши, миллий даромадни ҳудудий тақсимлаш, рента муносабатлари, асосий фондларнинг таркиби ва самарадорлиги, баҳо ва тарифларнинг ҳудудий тафовутлари ва ҳ.к.) чуқур таҳлил этилади ва шулар асосида ушбу фан ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди. Минтақавий иқтисодиёт бўйича тадқиқот ишларини олиб боришда бир қанча илмий услублардан фойдаланилади. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар:

Тизимли таҳлил. Ушбу услуб босқичлилик тамойилига асосланади (мақсад қўйиш, вазифани аниқлаш, илмий тахминни баён этиш, тармоқларни жойлаштириш хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш); у тармоқлар тузилмаси, уларнинг ўзаро алоқадорлигини ўрганиш имконини берадиган илмий билиш услубидир.

Тизимлаш услуги. У ўрганилаётган ҳодисаларни алоҳида белгиларига кўра гуруҳларга ажратиш йўли билан амалга оширилади. Бунда таснифлаш, турлаш, умумлаштириш ва бошқа усуллар қўлланилади. Баланс услугида иқтисодий таҳлиллар тармоқ ва ҳудудий баланслар ёрдамида тушунтирилади.

Иқтисодий-географик тадқиқотлар услуги ўз навбатида яна 3 таркибий қисмдан иборат: ҳудудий усул (ижтимоий ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва риволантириш йўлларини минтақавий даражада ўрганиш); тармоқ услуги (тармоқлар иқтисодиётини географик жиҳатдан тадқиқ этиш); маҳаллий услуб (ишлаб чиқаришни унинг биринчи бўғини - алоҳида шаҳар, аҳоли пункти даражасида жойлаштириш ва ривожлантиришни ўрганиш).

Картографик услуб. Ушбу услуб ишлаб чиқариш хусусиятларини кўргазмали акс эттириш имконини беради.

Иқтисодий-математик моделлаштириш (минтақа иқтисодиёти ривожланишининг ҳудудий мутаносибликларини моделлаштириш, минтақа хўжалигини тармоқлар бўйича моделлаштириш, минтақа хўжалик мажмуаларининг шаклланишини моделлаштириш).

Таксономик услуб. Ушбу жараён муайян ҳудудни унга бўйсунувчи ийерархик таксонларга ажратиб чиқишдан иборат. Таксонлар - ийерархик поғонанинг қуйи босқичларини эгаллаб турган маъмурий-ҳудудий бирликлар ҳисобланади. Масалан, вилоятга нисбатан туман ва шаҳарлар.

Ижтимоий сўровлар услуги. Улар жуда хилма-хил: стандарт ҳолда интервью; алоҳида тармоқлар вакиллари билан яқка тартибда суҳбат, олимлар, мутахассислар ва минтақалар раҳбар ходимларининг очиқ чиқишлари бўйича далилларнинг таҳлили ва б.қ.

Шундай қилиб, минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларни ўрганиш ниҳоятда кўплаб усул ва воситаларга таянади. Улардан минтақашунос мутахассислар ўзларининг иш жараёнларида, шу билан бирга, талабалар ва аспирантлар курс, диплом ишлари ва диссертацияларини ёзиш давомида фойдаланишлари мумкин.

### **4. Фаннинг предмети ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.**

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан минтақавий иқтисодиёт фанининг аҳамияти ортиб бормоқда. Минтақаларни ўрганишда ҳозирги пайтда уларда рўй бераётган ҳолатни чуқур (қайси жиҳатлари ортаётганини) тушуниш лозим. Бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистондаги ҳар бир минтақанинг иқтисодий



ривожланиш даражаси турлича. Масалан, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятлари асосий халқ хўжалик тармоқларининг ривожланишига кўра республиканинг бошқа минтақаларидан олдинда туради. Аксинча, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бу кўрсаткичлар бўйича куйи ўринларни эгаллайди.

Қишлоқ хўжалигида ортиқча ишчи кучлари мавжудлиги – Фарғона водийси вилоятлари олдидаги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида эса, аксинча, қишлоқ хўжалигини ходимлар билан таъминлаш жиддий муаммо бўлиб турибди. Навоий вилоятида ишсизлик даражаси юқори.

Ҳозирги вақтдаги минтақавий сиёсатнинг муҳим вазифаларидан яна бири – иқтисодий кооперация ва минтақалараро ҳудудий меҳнат тақсимотини такомиллаштиришдан иборат. Минтақалар ривожланишидаги энг муҳим вазифалардан бири - турли ҳудудлар аҳолисининг турмуш даражаси бўйича тафовутларни бартараф этишдан иборат. Ушбу вазифани бажаришда ривожланиш даражаси паст бўлган ҳудудларни ривожлантириш учун махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, табиий ресурсларга бой минтақаларда ҳудудий ишлаб чиқариш минтақаларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

У муайян ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тадқиқ этади, ижтимоий ва иқтисодий омилларни ўрганади. Минтақавий иқтисодиёт иқтисод назарияси, соҶиология, тармоқлар иқтисоди, иқтисодий география, демография ва бошқа ижтимоий-иқтисодий фанлар билан узвий алоқадор. Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши мамлакат хўжалигининг ҳудудий ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқ. Минтақавий иқтисод ва сиёсатнинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш (рента муносабатлари, ҳудудий ижтимоий жараёнлар ва ҳ.к.) иқтисод назариясини янада бойитади, янги илмий хулосалар чиқариш имконини беради. Мамлакатимизда ижтимоий ва демографик йўналишдаги тадқиқот ишлари изчил амалга оширилмоқда.

## 2-МАВЗУ. МИНТАҚАЛАРНИНГ МИНЕРАЛ-ҲОМАШЁ ВА ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИ

### Минерал хомашё ресурслари тушунчаси

Минерал-хомашё ресурслари ҳар бир мамлакатнинг энг муҳим бойлик манбаидир. Ундан олинаётган маҳсулотлар инсоннинг турли эҳтиёжини қондиради. Минерал-хомашёдан турли металллар, ёқилғи, қурилиш материаллари, химикатлар, қишлоқ хўжалиги учун ўғитлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Ер остидаги минерал ҳосилалар қидирилмаган ва баҳоланмаган бўлса, у ҳолда улар минерал хомашё сифатида кўриб чиқилиши мумкин, ҳолбуки уларни аниқлашга ва қидиришга меҳнат сарфланган. Аммо йер остидаги бундай минерал хомашё захиралари потенциал ресурслар ҳисобланади, холос. Улар ер қа'ридан қазиб олингандан кейингина ҳақиқий минерал хомашё ҳисобланади. Минерал хомашё тушунчаси фойдали қазилма тушунчаси билан узвий боғлиқдир.

Фойдали қазилма - ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг ҳозирги даражасида саноатда фойдаланиш учун яроқли бўлган ер қобиғидаги табиий минерал моддалардир. Улар ер остидан қазиб олингандан кейин минерал хомашё кўринишига эга бўлади. Шундай қилиб, ер қа'ридан қазиб олинган, халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар минерал хомашё дейилади. Мамлакатда муайян муддатда қидирилган, аниқланган, баҳоланган ҳамда прогноз қилинган фойдали қазилмалар эса минерал ресурслар деб аталади.

### Минерал хомашё ресурсларининг иқтисодий аҳамияти.

Фойдали қазилмаларнинг табиатдаги миқдори, фойдаланишдаги мақсадига кўра маъданли ва номаъдан фойдали қазилмаларга бўлинади. Суюқ ва газсимон фойдали қазилмалар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Конларнинг геологик ўрганилиш даражаси, геологик тузилмалари, фойдали қазилмалари таркиби ва хоссаларини ўрганиш даражаси, тоғ ишлари миқдори ва характери ҳамда ишлаб чиқариш технологиясига қараб, кон захиралари 4 тоифага бўлинади. Булар: А, В, С1, С2. А тоифага фойдали қазилмаларнинг турлари ва геологик хоссалари ўрганилган захиралари киради. Фойдали қазилмаларнинг В тоифадаги захиралари руда жисмларининг ётиши ҳоллари, табиий турлари ва саноат навлари аниқланиб ҳисобланади. Бундай захиралар қидириб топилган ва чегараланган бўлади. С1 категорияга киритилган фойдали қазилмалар захиралари конларнинг алоҳида участкаларидан олинган геологик намуналарни ўрганиш асосида аниқланади, аммо рудаларнинг хиллари, сифати ва геологик характеристикаси аниқланмаган бўлади.

Захиралар геологик, саноат аҳамиятига молик ва эксплуатация турларига бўлинади. Минерал ресурсларга бўлган талаб вақтга қараб ўзгариб туради ва у жамиятнинг ривожланиш даражасига, ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, шунингдек техника тараққиётига ва иқтисодий имкониятига боғлиқ бўлади. Табиий минерал моддалар уларга бўлган эҳтиёж ва амалда улардан фойдаланиш усуллари пайдо бўлгандагина минерал ресурсларга айланади. Техника билан қуролланганлик даражаси қанча юқори бўлса, фойдали қазилмалар ассортиментини шунчалик кўп бўлади ва минерал хомашёнинг кўплаб янги турлари саноат ишлаб чиқаришга жалб этилади. Масалан, саноат аҳамиятига эга бўлган тошкўмрдан фақат ХВНН аср охиридан, нефтдан ХНН аср ўрталаридан, алюминий, магний, хром ва нодир элементлар маъданларидан ва калийли тузлардан ХНН аср охири ва ХНН аср бошларидан, уранли маъданлардан эса ХНН аср ўрталаридан бошлаб фойдали қазилма сифатида фойдаланиб келинмоқда.

### Минерал хомашё ресурсларини ҳудудий жойлашуви, уларни иқтисодиётда тутган ўрни.

Одатда, фойдали қазилмалар захиралари ва прогноз қилинган ресурслар миқдорий жиҳатдан баҳоланади. Дунё ва айрим мамлакатлар минерал-хомашё балансида, ҳар бир фойдали қазилма тури, захираларининг 70-80 %дан ортиғи йирик ва жуда катта конлар ҳисобига тўғри келади, қолганлари ўртача катталикдаги ва кўплаб майда конларга

жамланган. Умуман қидириб топилган фойдали қазилмаларнинг талайгина қисми маъдан миқдорига нисбатан оз бўлган, ёки катта чуқурликда ва мураккаб тоғ-геологик шароитларда жойлашган конларда жамланган.

Минерал ресурсларни саноат йўсинида ўзлаштириш уларни баҳолашга (илмий-тадқиқот, излаш ва геологик қидирув ишлари) ва ҳажмига, саноатнинг ўзига хос хусусиятларига ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, хўжалик минерал-хомашё секторининг мамлакат иқтисодиётидаги роли билан белгиланади ҳамда қазиб чиқариш, бойитиш ва қайта ишлашни ўз ичига олади. Минерал ресурсларнинг қайтадан тикланмаслиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурати, қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва ташишда нес-нобуд бўлишини қисқартириш, шунингдек иккиламчи хомашё сифатида ишлатиш ва минерал ресурслардан фойдаланишда экологик иқтисодий ёндошувга риоя қилиш лозимлиги билан изоҳланади.

Минерал-хомашё ресурсларига бўлган эҳтиёж истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга нисбатан жадал ортиб бормоқда. Бу асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг энйергетик ва техникавий қуролланганлик даражасини ошириш учун кўп миқдорда табиий ресурслар зарурлиги билан изоҳланади. Минерал-хомашё ресурслари ролининг ортиб бориши уларга нисбатан эҳтиёжнинг ўсиши билангина эмас, балки уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва меҳнат унумдорлигига таъсири билан шартланади. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатлари ва даражаси кўп жиҳатдан фойдали қазилмалардан фойдаланиш самадорлиги кўламлари ва даражасига боғлиқдир.

Минерал хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикасида ишга солинаётган фойдали қазилма конлари бошқа мамлакатлардан ўзининг жуда катта захиралари билангина эмас, балки қуйидаги бир қатор хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради:

- биринчидан, табиий ва минерал-хомашё захиралари йирик конларда тўпланган бўлиб, уларни қазиб олинган жойнинг ўзидаёқ комплекс қайта ишлаш имконияти бор;

- иккинчидан, фойдали қазилмаларнинг кўпгина турлари таркибида фойдали компонентлар юқори даражада бўлибгина қолмай, катта миқдорда йўлдош элементларга ҳам эга;

- учинчидан, конларнинг кўпчилигида очик усулда ишлаш мумкин, рудаларни бойитиш технологияси ҳам нисбатан оддий. Бу технология кўп миқдорда фойдали компонентлар чиқариш ва жаҳон бозорида харидоргир маҳсулот олишни таъминлайди;

- тўртинчидан, кўпгина фойдали қазилма конлари яхши ўзлаштирилган, аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда жойлашган. Улар қулай транспорт инфратузилмаси, шу жумладан сууқ ва газ ҳолатидаги фойдали қазилмалар учун қувур транспортига эга.

### **Ўзбекистон Республикаси минерал ресурсларининг ҳозирги ҳолати**

Ўзбекистонда Менделейев даврий жадвалининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга республикада 2900 дан ортиқ фойдали қазилма конлари ва улар намоён бўлган истиқболли жойлар, 100 хилга яқин минерал-хомашё қидириб чамаланган, шундан тахминан 65 туридан ҳозирдаёқ саноатда ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмоқда. 1000 тага яқин кон, шу жумладан 168 та нефт, газ ва кондесат кони, 51 та қимматбаҳо металллар кони, 41 та рангли, нодир ва радиоактив металллар кони, 3 та кўмир кони, 22 та кон - маъдан, 14 та кон - кимёвий ва 24 та ярқирама тош хомашёси кони, 522 та турли мақсадда фойдаланиладиган қурилиш материаллари ва 151 та чучук ва минерал ерости сувлари конлари қидириб чамаланган. Ҳозирча уларнинг 45 %и фойдаланишга жалб қилинган.

Республикамизнинг умумий минерал-хомашё салоҳияти тахминан 3,5 триллион долларни ташкил қилади. Ишлатиш учун тайёрлаб қўйилган фойдали қазилмалар захиралари 1025 млрд. АҚШ долларига баҳоланмоқда. Шуни қайд қилиш керакки, республикада нисбатан қисқа муддат ичида 200 млрд. доллар миқдорида хомашё қазиб олинди.

Тайёрлаб қўйилган захиралар негизида республикада 535 та кон, шахта, карер, нефт-газ конлари, 420 та сув олиш жойлари, балнеологик шифохоналар, шифобахш сувларни қуйиш шохобчалари ишлаб турибди. Ўзлаштиришга тайёрлаб қўйилган минерал-хомашё захиралари нафақат ишлаб турган кон қазиб чиқариш мажмуаларнинг узок муддатли истиқболини таъминлайди, балки уларнинг қувватини ошириш, энг муҳим фойдали қазилмалар (олтин, уран, мис, қўрғошин, рух, кумуш, литий, фосфоритлар, калий тузлари, флюорит, кварц-дала-шпат, агрокимёвий маъданлар ва бошқалар) қазиб олишни қайтадан ташкил этиш имконини ҳам беради. Ҳар йили республика конларидан тахминан 5,5 млрд. доллар миқдорда фойдали қазилмалар олинмоқда ва улар ўрнига 6-7 млрд. долларлик янги захиралар қўшилмоқда.

### **Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммолари**

Бир қатор фойдали қазилмалар, чунончи, олтин, уран, мис, табиий газ, волфрам, калий тузлари, фосфорит, каолин бўйича Ўзбекистон тасдиқланган захиралар ва истиқболли рудалар жиҳатидан дунёда етакчи ўринларни эгаллайди. Маълумки, инқироз шароитида минерал-хомашё ресурслари ҳам ички, ҳам ташқи бозорнинг истеъмол объекти ҳисобланади. Шу туфайли, тоғ-кон саноати ишлаб чиқараётган маҳсулотлар миллий иқтисодиётни қуйидаги муаммоларини йечишга йўналтирилган бўлиши лозим:

- халқ хўжалиги талабини анъанавий турдаги минерал-хомашёлар билан тўлиқ таъминлаш;
- ташқаридан кириб келаётган минерал-хомашёлар ўрнини тўлдириш;
- миллий хўжаликнинг янги соҳаларини хомашё билан таъминлаш;
- экологик вазиятни (кимёвий ўғитларни табиий ўғитларга алмаштириш) ва санитар-гигиененик вазиятни (ёд, бром, шифобахш минераллар) яхшиланишини ташкил этиш;
- ташқи бозорни ўзлаштириш ва ижобий савдо балансини ташкил этиш.

Шулардан келиб чиқиб, жаҳон-молиявий иқтисодий инқирози шароитида мамлакат минерал-хомашё базасини мустаҳкамлашда улардан самарали ва оқилона фойдаланилиши лозим.

### **3-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ БЎЛИНИШИ**

#### **Ўзбекистоннинг маъмурий - ҳудудий бўлинишининг тарихи ва ҳозирги ҳолати;**

Кейинги бир аср давомида мамлакатимизнинг географик харитаси тез-тез ўзгариб турди. 1917-йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди Туркистон генерал-губернаторлиги, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасида тақсимланган эди. 1924-йилда юз берган Ўрта Осиёнинг миллий-ҳудудий тақсимланиши натижасида Ўзбекистон ССР ташкил топди. 1924-1929-йиллар давомида Тожикистон АССР унинг таркибида бўлди. 1930-йилга қадар республика пойтахти Самарқанд шаҳрида жойлашган. 1936-йилда унинг таркибига илгари РСФСР да бўлган Қорақалпоғистон АССР киритилди. 1939-йилда ушбу автоном республиканинг пойтахти Тўрткўл шаҳридан Нукусга кўчирилди.

Вилоят бўлинишлари Ўзбекистонда 1938-йил январидан бошлаб вужудга келди. Дастлаб 5 вилоят ташкил этилди: Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм. 1941-йил мартда улар сафига Андижон, Наманган, Сурхондарё, 1943-йил январидан Қашқадарё вилоятлари қўшилди. 1945-йилда Ўзбекистонда 9 вилоят ва 1 автоном республика мавжуд бўлган.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз маъмурий жиҳатдан 14 минтақага (Тошкент шаҳри, 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси) бўлинган. Ўз навбатида ушбу минтақаларда 120 шаҳар, 113 шаҳарча, 159 қишлоқ туманлари, 1464 қишлоқ фуқаролик кенгашлари 11838 қишлоқ аҳоли пунктлари ва 7801 маҳалла йиғинлари мавжуд.

#### **Маъмурий-ҳудудий бўлиниш масалаларини қонуний-ҳуқуқий асослари; Шаҳарлар категориялари;**

Ҳозирги пайтда республикада 120 та шаҳар мавжуд. Шу жумладан:

- 1 та республикага бўйсунувчи шаҳар;
- 30 та вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар;
- 89 та туманга бўйсунувчи шаҳарлар.

Республикага бўйсунувчи шаҳарлар қаторига йирик иқтисодий, маданий ва маъмурий марказлар киради. Бундай шаҳарларда яшаган аҳоли сони 500 мингдан ортиқ бўлиши шарт. Тошкент - республикага бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига мансуб бўлган мамлакатимиздаги ягона шаҳар ҳисобланади.

Вилоятга, республикага (ҚР) бўйсунувчи шаҳарлар жумласига муҳим саноат аҳамиятига молик иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланган ҳамда аҳолиси 30 мингдан кам бўлмаган шаҳарлар киради. Баъзи сабабларга кўра, яъни саноат ва маданий-сиёсий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ҳисобга олган ҳолда, айрим шаҳарлар аҳолиси 30 мингдан кам бўлса ҳам вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар қаторига киритилади. Булар жумласига Ширин (Сирдарё вилояти), Хонобод (Андижон вилояти) шаҳарларини киритиш мумкин.

Ушбу тоифага мансуб шаҳарларни ташкил этиш бўйича айрим муаммолар мавжуд. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997-йил 30-сентябрдаги 459-сонли қарорига биноан мамлакат бўйича вилоятларга бўйсунувчи 19 та шаҳар қолдирилиб, қолганлари туманга бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига ўтказилди. Улар орасида аҳолисининг сони 60 минг кишидан ҳам ортиқ бўлган Шаҳрихон (59,1 минг), Чуст (61,5 минг), Хўжайли (70 минг), Денов (64 минг) каби шаҳарларнинг мавжудлиги бу соҳада янгича ёндошувлар зарурлигини кўрсатмоқда. Айниқса, 90 минг киши истиқомат қиладиган, Марказий Осиёнинг маданий марказларидан бири ҳисобланган Шаҳрисабз шаҳри бошқарувнинг ҳуқуқий ва иқтисодий ричаглардан маҳрумлиги унинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

#### **Аҳоли пунктларига шаҳар мақомини беришнинг қонуний масалалари.**

Тез ўзгариб бораётган дунёда ҳаёт воқелиги турмушнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Республикада амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар бундан мустасно эмас. Бунинг учун қатор меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон

Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун ҳудудий даражада давлат ҳокимияти шаклланиши, жойларда ижро ҳокимиятининг негизларини мустаҳкамлашнинг асосига айланди. Ҳудудий ҳокимият органларига ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш, жойларда Олий мажлис қонунлари, бошқа қорорларини; Президент ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатларни, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажариш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқани йўлга қўйиш, вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга аҳолини жалб этиш юқланди.

Ҳудудий бошқарув органлари фаолиятини комплекс таҳлил этишда давлат бошқарувида ҳамон эски маъмурий-буйруқбозлик тизими қолиплари сақланиб қолинаётганлиги эътироф этилди. Энг аввало, бу ҳокимият ваколатларини амалга ошириш истагида – ҳеч кимга наф келтирмайдиган ва кераксиз турли-туман буйруқлар, йўриқномалар, кўрсатмалар, меъёрий ҳужжатлар чиқаришда кузатилди. Ҳанузгача корхоналарнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан кадрлар масаласини ҳал этиш ва уни тўғридан-тўғри бошқаришдан воз кечилгани йўқ.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишларнинг аҳволига ҳақиқий баҳо берилди: «... ҳозирги кунда барча даражада мавжуд давлат, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тизими олиб борилаётган иқтисодий ва демократик ислохотлар йўлида катта тўсиқ бўлиб турибди». Маъмурий ислохотларни изчил давом эттириш зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 18-июл мажлисидаги маърузасида ифодалаб берилган. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 5-январдаги 2-қарори қабул қилиниши ҳудудий бошқарув органларини ислох қилишнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

#### 4-МАВЗУ. МИНТАҚАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

##### **Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича назариялар**

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича назариялар: И.Тюеннинг «қишлоқ хўжалик стандарти» назарияси; А.Вебернинг саноат «штандортлар» назарияси, А.Лёшнинг «Жойлаштириш» назарияси, У.Айзарднинг «Жойлаштириш» назарияси, Ф.Перрунинг «Ўсиш қутблари ва ривожланиш маркази» назарияси.

Жойлаштириш назарияларини статик ва динамик назарияларга ажратиш мумкин. Статик назариялар XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ пайдо бўлган. Динамик назариялар эса бир асрдан сўнг – XX аср бошларида юзага келган. Дастлабки жойлаштириш назариялари ҳозирда классик стандарт назариялар деб аталиб, улар Й.Г. Фон Тюенен, В. Лаунхард, А.Вебер номлари билан боғлиқ. Ушбу назарияларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

алоҳида олинган бирор қишлоқ хўжалиги ёки саноат корхонасининг кўриб чиқилиши; жойлаштиришнинг барча омиллари тўғрисида маълумотларни тўплаб, уларни умумлаштириб, корхонани қуриш (ишлаб чиқаришни жойлаштириш)нинг қулай жойи тўғрисида аниқ жавоб олиш мумкинлиги тўғрисида таклифлар мавжудлиги.

Й.Г. Фон Тюенен товар ишлаб чиқаришнинг обектив қонуниятлари мавжудлигини аниқлаган биринчи олим ҳисобланади (унинг биринчи иши 1826-йилда пайдо бўлган). Тюенен қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бозорида саноат маҳсулотлари билан таъминловчи шаҳаргача бўлган масофага қараб жойлаштириш, ихтисослашиш ва қишлоқ хўжалигини юритиш усулларини танлаш моделларини таклиф этди. Тюенен моделида транспорт харажатлари жойлаштиришнинг асосий омили сифатида намоён бўлади.

В. Лаунхард ҳам саноат корхоналарини кўриб чиқиб, транспорт омили ҳал қилувчи омил, деб ҳисоблаган. Унинг фикри саноат корхоналари жойлашадиган жой тўғри танланганлигини хомашё, ёрдамчи материаллар ва тайёр маҳсулотларни келтириш учун транспорт харажатларини минималлаштириш билан асосланган эди.

##### **В.Кристаллернинг «Марказий жой» назарияси.**

В. Кристаллёр «Марказий ўрин назарияси»нинг асосчисидир. У математик ҳисоб-китоблар орқали ҳудудий ийерархия бир даражадан бошқа даражага тўғри геометрик прогрессия орқали ўтишини исботлади. Масалан, вилоят бир неча туманлардан, ўз навбатида туманлар кўплаб қишлоқ фуқаролари йиғинларидан иборат. Ҳар бир қишлоққа ўзига тегишли бўлган товар ва хизматлар йўналтирилган. Шундай қилиб, олим аҳоли пунктлари гуруҳий тизимини ташкил этишнинг қулай вариантини аниқлаш орқали марказий ўринлар назариясини яратди. Мазкур назария асосида бозор минтақасининг энг самарали тузилмаларини, товар ва хизматлар ҳаракатининг оқилона йўналишларини, шаҳар ва аҳоли пунктлари бошқаруви маъмуриятининг қулай тузилмасини шакллантиришни аниқлаш мумкин.

Ҳудудий назарияларни (шу жумладан, ҳудудий сиёсат назарияларини) ўрганишга охириги ўн йилликларда нисбатан камроқ эътибор берилди. Тўғри, ҳудудий иқтисодиёт бўйича анчагина тадқиқотлар қилинди. Уларнинг натижалари китоб ҳолида нашр этилди. Аммо, ҳудудий иқтисодиётнинг назарий асослари уларнинг айримларидагина кўриб чиқилди. Ҳудудий ўсиш назарияларини кўриб чиқишда икки хил асосий ёндашув мавжуд. Биринчиси – ҳудудларда иқтисодий ўсиш моделларини кўллаш. Бундай моделларни мамлакат иқтисодиётининг ўсишини изоҳлаш учун ишлаб чиқилган моделларга ўхшатиш мумкин (девелопмент эсономисс). Иккинчиси эса, алоҳида корхона ва фирмаларнинг хатти-ҳаракатларини таҳлил этишга асосланган. Чунки минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини, авваламбор, уларнинг фаолиятигина белгилаб беради. Компаниялар ўз фаолиятини у ёки бу ҳудудда олиб боришининг сабаблари жойлаштириш назариялари орқали кўриб чиқилади.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш қонуниятлари: ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш, минтақа хўжалигининг комплекс ривожлантириш, ҳудудий меҳнат тақсимооти.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари ишлаб чиқариш кучлари ва ҳудудлар ўртасидаги умумий муносабатларда намоён бўлади. Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришда ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлиги, максимал даромад олиш имкониятларига катта эътибор бериш лозим. Айтилган пайтда, табиий-ресурс салоҳиятларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, экологик шароитни яхшилаш масалалари ҳам ҳисобга олинади.

Бозор шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг асосий қонуниятлари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариш кучларини оқилона ва самарали жойлаштириш;

минтақаларни комплекс ривожлантириш;

минтақалар ўртасидаги ҳудудий меҳнат тақсимооти;

минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш.

Ишлаб чиқариш кучларини оқилона ва самарали жойлаштириш деганда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини минимал ҳолатга келтириш ва ишлаб чиқаришнинг барча (тайёр маҳсулотгача бўлган) босқичларини муайян ҳудудга жойлаштириш тушунилади. Мамлакатимизнинг турли ҳудудлари табиий ресурслар захираларининг миқдори, компонентлар таркиби, геологик салоҳиятларига кўра ўзаро фарқ қилади. Бунда ишлаб чиқаришнинг хомашё, ёқилғи, энергия ва истеъмол манбаларига яқинлигини таъминлайдиган транспорт омили катта аҳамиятга эга.

Минтақалар ўртасида ҳудудий меҳнат тақсимооти бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, табиий-ресурс салоҳияти, тарихий ва демографик хусусиятларига кўра ўзаро фарқ қилади. Шунинг учун ҳар бир минтақа фақат ўзигагина хос бўлган хусусиятлар асосида муайян соҳага ихтисослашади ва иқтисодий алоқалар асосида бошқа минтақалар билан маҳсулот айирбошлайди.



## 5-МАВЗУ. МИНТАҚАЛАР АҲОЛИСИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ

Худудларда аҳолини жойлаштириш, худудларни режалаштириш схемалари ва бош режалари билан боғлиқ ҳужжатларни ишлаб чиқиш тизими, худудларининг ижтимоий-демографик хусусиятлари

Ҳар бир ўлка, худуд, вилоят ёки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши аввало, шу жойда яшовчи аҳолининг меҳнат фаолиятига боғлиқ. Маҳаллий аҳолининг меҳнат маданияти, жамоа ишларидаги ижтимоий фаоллиги, билим ва малакалари, оилавий таркиби, ёши ва жинси шу ўлкада иқтисодий тараққиётнинг ривожланшида катта рол ўйнайди. Демографик омилнинг ўзгариб бориши глобал муаммо бўлиб, у кўп жиҳатдан жамиятнинг ҳолати ва ривожланишини белгилайди.

2000-йилда сайёрамиз аҳолисининг сони 6 миллиард кишидан ошди. Кўпайиш суръати бирмунча қисқараётганлигига қарамай, унинг ўсиш жараёни давом этмоқда ва 2050-йилга бориб, 12 миллиард кишига йетиши мўлжалланмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида аҳоли сони анча камайган. МДХнинг Белоруссия, Украина ва Қозоғистон каби мамлакатларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда аҳоли сони ошиб бормоқда. Бу ерда туғилиш, табиий кўпайишнинг нисбатан юқори коэффицентлари ва ўлимнинг паст коэффиценти сақланиб қолмоқда. Анъанавий кўп фарзандли оиладан ўртача фарзандли оилага ўзига хос йўл билан демографик ўтиш рўй бермоқда.

### **Аҳолининг табиий ўсишнинг асосий омиллари. Аҳолининг ўсиш динамикаси.**

1897-йилда Ўзбекистон худудида атиги 3,9 млн. киши яшар эди, яъни ўтган 100 йилдан сал кўпроқ вақт мобайнида бу ерда аҳоли 6,3 баравар кўпайди. XX асрда Ўзбекистон аҳолисининг сони бир текис ошгани йўқ. Унинг дастлаб икки ҳисса кўпайиши салкам 60 йил давомида, кейинги икки ҳисса кўпайиши эса 20 йил ичида рўй берди. Республика аҳолиси 2001-йилнинг охирига келиб, 1980-йилдагига нисбатан 1,6 баравар кўпайиши кутилган эди. Аҳолининг учинчи маротаба икки ҳисса кўпайиши эса юзага келган кўпайиш суръати сақланган тақдирда ХХИ асрнинг иккинчи ўн йиллиги охирида рўй бериши кутилмоқда.

Аҳоли кўпайиши билан унинг зичлиги ҳам анча ошмоқда. 1940-йилда ҳар кв.км.га 14,6 киши тўғри келган бўлса, 2010-йилда 54,1 киши тўғри келди (зичлик 3,7 баравар ошган). Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг 14 та худудий бўлинмасидан 10 таси, шу жумладан, Тошкент шаҳри аҳоли зич бўлган худудий бўлинмалар жумласига киради. Ваҳоланки, улар Ўзбекистон худудининг тахминан чорагини, аҳоли унча зич бўлмаган тўртта вилоят эса тўртдан уч қисмини эгаллаган. Аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақаларга бутун аҳолининг меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол ва иш билан банд аҳоли, туғилган болалар ва аҳоли табиий кўпайишнинг бешдан тўрт қисми, ялпи маҳсулотнинг 74 %и, инвестицияларининг 79 %и ва истеъмол харажатларининг 88 %и тўғри келмоқда.

### **Аҳоли бандлигининг минтақавий хусусиятлари ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.**

Аҳолининг кўпайиши уни озик-овқат маҳсулотлари ва ичимлик суви, иш ўринлари билан таъминлашда қийинчиликлар, шунингдек экологик оқибатлар ва касаллик кўпайишини келтириб чиқаради. Ўзбекистоннинг аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақаларида ишлаб чиқарувчи кучлар энг юқори даражада ривожланган ва яшашни таъминлаш шарт-шароитлари қулай бўлган худудий бўлинмалар бор. Шу сабабли уларда аҳолининг кўпайиши ишсизлик даражасига кучсиз таъсир этди.

Аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақалар ҳиссасига республика меҳнат ресурсларининг 81 %и тўғри келаётган бўлса, ишсизлар улар умумий сонининг атиги 55 %идан иборат. Умуман, Ўзбекистон бўйича расмий ишсизлик даражаси 0,5 %ни ташкил этаётган бўлса, аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақаларда 0,8 %дан иборат. Аҳоли зичлиги паст даражада бўлган минтақаларда камроқ ривожланган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, тор

йўналтирилган тармоқ ихтисослашуви ва экотизимга путур йетишининг оқибатлари сезиларлироқ.

Кўпайиб бориш кўрсаткичлари юқори бўлган қишлоқ аҳолиси сонининг доимий ошиб бориши ва республика аҳолиси умумий миқдорида унинг улуши юқорилиги Ўзбекистон демографик ривожланишининг ўзига хос хусусиятидир. Айна қишлоқ аҳолиси республика аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил этиб, биринчи навбатда табиий кўпайиш, туғилиш ва чақалоқлар ўлими ҳажмларини белгилайди. Аввало, қишлоқ жойларга хос бўлган туғилиш даражаси юқорилиги республика ҳукуматидан алоҳида эътиборни талаб этади.

### **Минтақада меҳнат бозори. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг худудий асослари, уни такомиллаштириш йўллари.**

Меҳнат бозори бозор инфратузилмасида ишчи кучини ёллаш ва ундан фойдаланиш бўйича ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат муносабатлари мажмуи бўлиб, меҳнатга бўлган талаб ва таклифда ўз ифодасини топади. Маълумки, меҳнат бозорида учта субъект фаолият кўрсатади: иш берувчи, ёлланма ишчи ва давлат. Аграр меҳнат узоқ вақт режалаштирилган иқтисодиёт шароитида амалга оширилиши натижасида қолақ профессионал иқтисодиёт, паст меҳнат унумдорлиги ҳамда ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатлиги оқибатлари гирдобиди бўлиши меҳнат мотивацияси пасайиб кетишига олиб келди. Бу эса, ишчи кучининг сунъий танқислигини юзага келтирадиган юқори меҳнат сиғими натижаси билан боғлиқ.

Шу муносабат билан режалаштирилган иқтисодиёт шароитида давлат монополист сифатида иш ҳақининг сунъий пасайтирилган даражасини қўллаб-қувватлашни маъқул кўрди, чунки бу у юритаётган сиёсатини асосий воситаларидан бири эди. Меҳнат бозорини ўрганиш жараёнида қуйидагилар жуда муҳим ҳисобланади: «иқтисодий мувозанат» тушунчаси, меҳнат бозори сегментацияси, бандлик ҳажмининг белгиланиши.

Меҳнат бозоридаги иқтисодий мувозанатнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: талаб, таклиф, ишчи кучи баҳоси ва рақобат. Ишчи кучи ҳамда меҳнат ресурсларига бўлган талабнинг ҳажми меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва уларнинг баҳосига боғлиқ. Таклиф эса, демографик хусусиятларга асосан белгиланади. Меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичларидан бири рақобат қуйидагича белгиланиши мумкин: аграр талаб ва таклифни қийёслаш жараёнида таклиф талабдан кўпроқ бўлса, демак, рақобат мавжуд бўлади. Уни таъминлаш учун эса, биринчи навбатда товар ишлаб чиқарувчиларда эркинлик бўлиши лозим.

### **Меҳнат ресурслари баланси.**

Меҳнат бозорига тегишли муҳим масалалардан бири бандлик ҳажмини аниқлашдир. Бозор классик назариясига мувофиқ, бандлик ҳажми ялпи талаб ва ялпи таклифларнинг кесиб ўтиш нуқтаси орқали аниқланади. Айна шу нуқтада қутилган тадбиркорлик фойдаси максимал даражада бўлади. Бандлик ҳажмининг ўсиши аҳолининг истеъмол қилишга мойиллигига ҳамда иш жойларининг кўпайиши учун керак бўлган инвестициялар ҳажмига боғлиқ. Ялпи даромад ўсиши билан истеъмол қилиш ҳам ўсади, шунингдек жамиятнинг ялпи инвестициялар билан боғлиқ харажатлари ҳам ошади.

Меҳнатга бўлган талаб миқдорини аниқлаш учун чекланган меҳнат унумдорлиги эгри чизиғи билан реал иш ҳақи эгри чизиғи бир-бирини кесиб ўтиши меҳнатнинг максимал фойда олишни таъминловчи миқдорини кўрсатади. Аграр ишлаб чиқариш соҳасидаги ишсизликнинг мақомини аниқлаш ҳам муҳим масалаларга киради. Маълумки, қишлоқ жойларда яшовчи ишчиларнинг деярли ҳар бири томорқа хўжалигига эга бўлиб, бундай хўжалик қишлоқ оиласи ялпи даромадининг 40-60 %ини беради ҳамда ишчи кучининг қисман такрор ишлаб чиқарилиши ва икки томонлама бандликни таъминлайди.

Шахсий томорқа хўжалигига эгалик қилувчи ва ижтимоий қишлоқ хўжалигидаги ишидан маҳрум бўлиб қолган ишчини ишсиз деб таърифлаш ва уни ишсизлик бўйича нафақа олиш учун меҳнат биржасида рўйхатга олиш тўғримиҳ Агар тўғри бўлса, шахсий томорқа

хўжалигида банд бўлган ишчига хусусий тадбиркор макоми берилиши эътиборга олинishi керак.

Меҳнат эркинлиги ва ихтиёрийлиги меҳнат бозори шаклланишининг асосий шартидир. Шу билан бир қаторда меҳнат бозорининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатаётган бир қатор иқтисодий, ижтимоий, демографик, табиий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар ва омиллар мавжудки, уларни қуйида батафсилроқ кўриб чиқамиз. Меҳнат бозори шаклланишининг асосий иқтисодий шarti сифатида ёлланма ходимларни ўз ишчи кучларига нисбатан шахсий мулкчилик ва иш берувчиларнинг иш жойларига жамоа ёки хусусий мулкчилиги хизмат қилади.

### **Ишсизлик, уни минтақалардаги ҳолати. Ишсизликни камайтириш йўллари.**

Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ишсизлик муаммосининг мавжудлиги бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир. Шундай экан, ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад – аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Айниқса, чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи янада долзарб тус олди. 2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг аввало энг муҳим масалаларга – янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганлигини таъкидлаш лозим. Мамлакатимизда 2009 йилда кўрилган амалий чоралар натижасида 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга я'ини қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини рағбатлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ана шундай меҳнат фаолиятини ривожлантириш натижасида 130 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминлади.

Президентимиз қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастури замирида жуда улкан ҳажмдаги ишлар мужассам эканини, у ўн минглаб янги иш ўринларини яратиш, ана шу кенг кўламли бунёдкорлик ишларида мамлакатимиз аҳолисининг фаол иштирокини таъминлаш имконини беришини кўрсатиб ўтди.

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилади.

2010 йилда ҳам аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, халқ хунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш – буларнинг барчаси бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишлари бўлиб қолади.

Шу асосда 208 минг нафардан ортиқ кишини, аввало, кўп болали аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларини иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

## **6-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАЛАРИДА САНОАТ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

### **Ўзбекистон саноатининг тармоқлараро – минтақавий таркиби**

Тармоқлар орасида асосий бўғин саноатнинг ишлаб чиқариш мажмуаси ҳисобланади. Саноат мажмуасининг муҳим хусусияти шундаки, унинг барча тармоқларида меҳнат воситалари ва истеъмол товарлари, миллий даромаднинг катта қисми яратилади, илмий-техника тараққиётига эришилади. Айни пайтда Ўзбекистондаги меҳнатга яроқли аҳолининг асосий қисми ҳам саноат ишлаб чиқаришида банд. Саноат ишлаб чиқариши жамиятнинг объектив иқтисодий қонунлари ҳамда республикада сўнги йилларда қабул қилинган қонун ва қарорлар асосида ривожланмоқда.

Ўзбекистон саноати айни вақтда ўз тармоқлари ва бошқа ижтимоий тармоқлар учун моддий-техник воситалар ҳамда халқ эҳтиёжига керак бўладиган маҳсулотларни ҳам узлуксиз тайёрлаб бермоқда. Шу боисдан ҳам саноат ишлаб чиқариши даражаси ва самарадорлигининг ўсишини таъминлаш лозим. Чунки саноат ишлаб чиқариши даражаси қанчалик юқори бўлса, республикада иқтисодий пойдевори шунча мустаҳкам, аҳолининг турмуш шароити ҳам шунча яхши бўлади.

2008-йилга мўлжалланган иқтисодий ривожланиш дастурида саноатнинг стратегик муҳим тармоқлари бўлган ёқилғи-энергетика комплекси, рангли ва қора металлургия соҳасининг ўсишини таъминлаш алоҳида ўрин тутди. Бунга янги табиий конларни ўзлаштириш ва мавжуд минерал-хомашё базалари захираларининг ортиши, ана шу ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлашда самарали замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан эришиш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, кимё ва енгил саноатни, нефткимё, қурилиш материаллари саноатини, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият берилади.

### **Саноат ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви.**

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича муҳим вазифаларни бажариш иқтисодий сиёсатимизнинг ҳал қилувчи йўналиши сифатида катта ўрин эгаллайди. Барчамиз бир ўткир ҳақиқатни яхши англаб олмоқдамиз. Жаҳон бозорида рақобат тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитда мавжуд корхоналарни реконструкция қилмасдан, замонавий, илғор ва юксак технологик ускуналар билан жиҳозланган корхоналар ташкил этмай, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мунтазам янгиламай туриб иқтисодиётимиз келажагини, бинобарин, аҳоли фаровонлигини юксалтиришни таъминлаш мумкин эмас.

«Локомотив тармоқлар» - кимё, қора металлургия, рангли металлургия корхоналарининг, автомобил, енгил ҳамда чарм саноати ва б.нинг истиқболли режалари ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди. Бундан кўзланган мақсад - мавжуд хомашё ресурсларини айланмага киритиш, экспортни кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқаришни локализация қилиш айниқса, корхоналарни энергияни иқтисод қилувчи янги технология ва маҳсулот турларига ўтишга йўналтирилган енгил саноатни модернизация қилиш жадал амалга оширилди.

Локализация қилиш дастурида иштирок этаётган корхоналарга имтиёзлар 2006-2008-йиллар учун локализация дастури ҳукумат томонидан импорт товарларидан бўлган қарамликни камайтириш мақсадида қабул қилинган.

Бу дастурда иштирок этувчи корхоналар 5 йил муддатга қуйидаги тўловлардан озод қилинадилар:

Божхона тўловлари, жумладан, божхона йиғимлари қўшилган қиймат солиғи ва аксиз солиш;

локализация дастури доирасида чиқарилган маҳсулотлар учун даромад солиғи;  
локализация дастури учун муҳим активларга мулк солиғи.

Стратегик аҳамиятга эга тармоқларининг миллий иқтисодиётдаги роли. Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг шарт-шароитлари.

Машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўтган йили эришилган даражага нисбатан 29,5 %га ошди (23.5.1-жадвал). Ривожланишнинг жадал суръатлари автомобил соҳасида қузатилди (30.3%). Бу автомобил ишлаб чиқаришнинг жисмоний ҳажмининг ошиши натижасидир (23,6 %). Ҳам ички бозорда, ҳам ташқи бозорда юқори талабга эга маркалар ишлаб чиқарилиши ортди: бу «Матиз» автомобили ( 28,8 % га ортди), «Дамас» (32,5 % га), «Ласетти» (194,6 %га). Мамлакатимиз автомобилсозлик соҳаси ривожда янада такомиллашган тавсифга эга ассортиментдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишининг кенгайиши муҳим қадам бўлди.

«Шевроле» седан автомобилининг янги моделини йирик блокли ишлаб чиқариш, «УзДЕУ авто» ОАЖ ҳамда «Дженйерал моторс ДЕУ Авто ҳамда Технологиялар» йирик компанияси билан ҳамкорликда “внедорожник и минивен” русумли автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилишаҳри 2007-йилда мазкур автомобил маркаларининг 1489 та турли маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Импортга боғлиқлик ҳамда маҳсулотларнинг таннархини туширишга қаратилган локализация қилувчи ишлаб чиқариш ривожланишнинг ижобий натижаси бўлди, машинасозлик маҳсулотлари нархинининг арзонлашуви йўналиши юзага келди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, саноат мажмуасининг ҳар қандай тармоқни ички тузилмасидаги ўзгаришлар амалда бошқа тармоқлар – қишлоқ хўжалиги, агросаноат мажмуасининг бошқа соҳалари, қазиб олувчи тармоқлар билан узвий боғлиқ.

Ендиликда саноатнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Истеъмол бозоридаги танқислик туфайли саноат тармоқлари илгаригига нисбатан кенг кўламда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда ҳамда хусусийлаштирилмоқда. Истеъмол молларини кўплаб ишлаб чиқариш, айниқса, четга хомашё эмас, балки тайёр маҳсулот чиқариш ҳамда қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш нафақат саноат ишлаб чиқаришининг аҳамиятини оширади, балки жаҳон бозорида Ўзбекистон иқтисодиётига бўлган ишончни ҳам мустаҳкамлайди.

Ҳозирги кунга келиб, саноат тармоғида ялпи ички маҳсулотнинг 17 % яратилади. Бу шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётининг ривожланиши натижасида мамлакат иқтисодиёти индустриаллашган иқтисодиёт сари ривожланмоқда

## **7-МАВЗУ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ХУДУДИЙ ИХТИСОСЛАШУВИ**

### **Қишлоқ жойларнинг табиий-иқлим шароити ва рельефи**

Халқимиз тумуш фаровонлигини яхшилаш, умуман, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг аҳамияти бекиёс эканлиги маълум. Агросаноат мажмуининг тараққиёти нафақат озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, балки муҳим хомашё етказиб берувчи тармоқ сифатида мамлакат саноатининг тараққиёти учун ҳам ўта зарур. Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон қишлоқларидаги хилма-хил хўжаликларда қарийб 4,5 млн. гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланилмоқда. Шунча кенгликдаги зироатни ўстиришда катта ва кичик техника воситалари деҳқонга қудратли қанот бўлмоқда.

Йирик тармоқ бўлмиш қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон миллий хавфсизликни таъминлаш, турли қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан, техник экинлар ўстириш учун жуда қулай, ҳудудда жойлашган, пахта етиштириш бўйича дунёда (АҚШ, Ҳиндистон, Хитой ва Покистондан кейин) 5, уни экспорт қилиш бўйича 2-ўринда. Ўрта Осиёда етиштириладиган жами пахта ҳажмининг 75 %и Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари, республикада ҳар йили 5 миллион тоннадан кўпроқ сабзавот ва мева етиштирилади. Ўзбек қорақўл териларига ва пилласига жаҳон бозорида талаб катта.

Қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатнинг турли тармоқларини эса хомашё билан таъминлайди. Мамлакат аҳолисининг 63 %и қишлоқларда яшайди. Аҳолининг анча қисми шу соҳада меҳнат қилади. Мамлакат ички маҳсулотининг 28 %и қишлоқ хўжалиги улушига тўғри келади. Пахта етиштириладиган майдонларнинг деярли ҳаммаси суғориладиган йерлардир. Бу йерларда қудратли ирригация тизими мавжуд.

### **Қишлоқ хўжалиги тармоғининг ҳудудий хусусиятлари ва ихтисослашуви.**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996-йил 31-январдаги қарорига биноан қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш мақсадида «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси ташкил этилган эди. Бу тузилма таркибига 16 та корхона, 9 та қўшма корхона, 17 та минтақавий техника маркази, 72 та туман ва туманлараро бўлинмалар, шу жумладан, машина-трактор парклари ва савдо уйлари қиради.

Таъкидлаш жоузки, 2008-йил натижаларига назар ташласак, компанияга қарашли корхоналар анча мураккаб даврни бошидан кечирганлиги аён бўлади. Кетма-кет рўй берган сув тақчиллиги пировард натижаларга таъсир этмай қолмади. Аксарият жойларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини аввалги йиллардагига нисбатан камайтирмаслик, эришилган маромни йўқотмаслик учун кураш кетди.

Кейинги йилларда компания ривожланган давлатларнинг тармоқ техникаси ишлаб чиқарадиган фирмалари билан ҳамкорлик қилаётганлиги ҳам ижобий самара бермоқда. Масалан, 9 та қўшма корхона ишга туширилди ва бугунги кунда жаҳон талабларига жавоб берадиган техника воситалари ишлаб чиқармоқда. «ЎзКейстрактор», «ЎзКейссервис», «Агрохим» корхоналари шулар жумласига қиради. Улар томонидан фақат ўтган йилнинг ўзида мамлакатимиз агросаноат мажмуига 2760 та трактор, 971 та аравака, 100 та пахта териш машинаси, 118 та плуг, 994 та борона, 80 та пичан ўрадиган комбайн, 1066 та култиватор, 1 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар ва бошқа техника воситалари ҳамда уларнинг муайян қисмлари етказиб берилди.

### **Агросаноат мажмуаси тушунчаси, таркиби ва уни бошқариш. Агросаноат мажмуаси сиёсатдаги устуворликлар.**

Агросаноат мажмуи (АСМ) – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан банд халқ хўжалиги тармоқларининг жамланмаси. АСМга қирувчи тармоқларнинг барчаси пировард натижада муҳим вазифа – мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хомашёси билан таъминлаш вазифасини бажаради. АСМ таркибида учта соҳа ажралиб туради:

қишлоқ хўжалиги ва унга алоқадор тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган, шунингдек қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш, техника хизмати кўрсатадиган саноат тармоқлари (масалан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги);

қишлоқ хўжалиги;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш (тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, ташиш, сотиш) билан банд тармоқлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида бу инфратузилмани ривожлантириш мамлакат аҳолиси эҳтиёжини қондириш билан бир қаторда унинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантирувчи кучга айланиши мумкин.

Мустақиллик йилларида АСМда жуда кўп ютуқларга эришиш билан бирга муайян, камчиликларга ҳам йўл кўйилди, иқтисодий ислохотлар жараёнида янги муаммолар ҳам юзага чиқди. Эндиги вазифа ушбу камчиликларни бартараф этиш йўллари, муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг йечимини топишдан иборат. Аграр секторнинг бундан кейинги ривожланишида куйидаги муаммоларга эътибор бериш зарур:

мустақиллик йилларидаги фаолиятни кузатиш кўрсатадики, барча бўғинларда кадрлар янгича ишлаш, бозор муносабатларига тўлиқ мослаша олмаётирлар. Бу, айниқса, туманлар ва хўжаликлар миқёсида кўпроқ кўзга ташланмоқда. Тўғри, ҳар йили кадрлар ўқуви ўтказилмоқда, аммо аксарият раҳбар кадрлар иш юритишни бозор муносабатлари асосида эмас, балки эскича – маъмурий-буйруқбозлик асосида олиб бормоқда;

аграр соҳа учун муҳим экология масалалари ислохот жараёнидан бирмунча четда қолмоқда. Ваҳоланки, бу муаммо эътиборни талаб этади. Бугунги кунда тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориши, оғир техника ва самараси паст технологиялар қўлланилаётганлиги оқибатида тупроқ таркибининг бузилиши, шўрланиш даражасининг ортиб бориши шундан далолат бермоқда. Шунингдек аҳолини экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳам алоҳида эътиборни талаб қилади;

баъзи иқтисодчилар, қишлоқ хўжалигида ислохотларни кўшимча маблағ сарфламасдан олиб бориш мумкин, деган фикрни илгари сурмоқдалар. Уларнинг фикрига қўскилиш қийин. Негаки, ривожланган мамлакатлар тажрибасига қарасак, уларнинг кўпчилигида бу борадаги кўрсаткич фермерлар даромадининг 40-50 ва ҳаттоки 60 %ини ташкил этади. Шуни ҳисобга олиб, аграр соҳани қўллаб-қувватлаш фондини ташкил қилиш ва унинг маблағи қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ҳаёти, экологик мувозанатни сақлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилиши зарур;

### **Республика қишлоқ хўжалигини ислох қилиш жараёни.**

Мустақиллик йилларида ўтказилган ислохотлар давомида қишлоқда янги хўжалик тузилмаси шаклланди. Ерга бўлган мулкчилик жараёни кучайди. Бу аграр сиёсатдаги энг муҳим масаладир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003-йил 24-мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” ги ПФ-3226-сонли Фармони аграр соҳада туб ўзгариш уфқларини белгилаб берди. Мазкур ҳужжатда иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида паст рентабелли ва зарар кўриб ишловчи ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш устувор йўналиш деб қайд этилди.

Айтиш керакки, кейинги йилларда 159 та ширкат хўжалиги тугатилиб, уларнинг негизида 9 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил қилинди. Жумладан, Меҳнатобод, Мирзаобод, Ёзиёвон, Ромитон ва Амударё туманлари хўжаликлари тўлиқ тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди.

Кўриниб турибдики, фермер хўжаликларида картошкачилик ривож топган, пахтачилик вағаллачилик йетарли даражада ривожланмаган, сут, гўшт, тухум ва сабзовот етиштиришда деҳқон хўжаликларининг улуши юқори. Жамоа хўжаликлари пахта вағаллачиликда устун. Шунинг учун ҳам юқорида тилга олинган фармон асосида 2009-йилда яна 177 жамоа хўжалиги негизида фермер хўжаликлари тузилган.

### **Агросаноат мажмуини ривожлантириш муаммолари**

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, қишлоқдаги мулкдор ва тадбиркорларнинг аҳамиятини ошириш, фермерлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий таркибий қисмларидан ҳисобланади. «Шу билан бирга, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти асарда, - ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммолар, хусусан, фермер хўжалиқларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда.

Фаолият юритаётган аксарият фермер хўжалиқларининг иш тажрибаси шундан далолат берадики, фермер хўжалиқларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида уларга ажратиб берилган ер майдонларининг камлиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига кўп жиҳатдан тўсқинлик қилмоқда. Имконияти, куч-қуввати кам бўлган фермер хўжалиқлари ўзини зарур техника, айланма маблағ билан таъминлаш, кредит қобилиятига эга бўлиш, энг асосийси, ўз харажатларини қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадни оширишнинг ишончли асосига айланолмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда».

Фермер хўжалиқларига ажратилаётган кичик ҳажмдаги йерларда самарали хўжалиқ юритиб бўлмаслиги тўғрисидаги фикрларни бу борада олиб борилган баъзи илмий тадқиқот натижалари ҳам яққол тасдиқлайди. Жумладан, Б.Холматовнинг таъкидлашича, «Фермер хўжалиқлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, сўралганларнинг аксарият қисми тежамкорликка тўсқинлик қилувчи сабаблардан бири сифатида ажратилган йер майдонлари ҳажмининг самарали хўжалиқ юритиш учун йетарли даражада эмаслигини кўрсатган. Фарғона вилоятидаги битта фермер хўжалигига тўғри келувчи ўртача йер майдони 16,2 гектарни ташкил этмоқда. Натижада кичик ҳажмдаги йер майдонларига эга фермер хўжалиқлари фаолияти ишлаб чиқариш самарадорлиги ва тежамкорлик тамойилларига зид келмоқда. Жумладан:

- йирик ҳажмдаги йер майдонларига мўлжалланган техника воситаларидан фойдаланишдаги муаммолар;
- доимий ишчилардан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги;
- баъзи ресурс ва хизмат турларидан қонуний ва тўлиқ асосда фойдаланишдан манфаатдор бўлмаслик;
- тўлақонли фаолият юритишга қизиқишнинг сустлиги, тезроқ фойда олишга интилишга мойилликнинг пайдо бўлиши ва бошқалар.



## **8-МАВЗУ. МИНТАҚАЛАРДА КОММУНИКАЦИЯ МАЖМУАСИ**

### **Иқтисодийни модернизациялаш шароитида коммуникация мажмуасининг аҳамияти**

Ўзбекистонда ҳозирги замон транспортининг барча асосий турлари мавжуд. Жумладан, бу ерда темир йўл ва автомобил йўли, ҳаво ва дарё, қувур ва электр транспортлари ривожланган. Собиқ Иттифоқ даврида асосий транспорт йўларини ташкил қилиш, бошқариш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи республиканинг ўзида эмас эди. Эндиликда республика транспорти она Ватан тараққиётига хизмат қилмоқда.

Мамлакат транспортининг халқ хўжалигига ва аҳолига хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш мақсадида транспортнинг бошқарув тизими такомиллаштирилди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси (1992), "Ўзбекистон автомобил транспорти" давлат акционерлик корпорацияси (1993), "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компанияси (1994) ташкил қилинган. Ўзбекистонда транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, янгидан-янги транспорт йўлақларини бунёд этиш мамлакатимиз иқтисодий янада юксалтириш, экспорт имкониятларини ошириш ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига янада кенг интеграциялашишга хизмат қилмоқда.

2009-йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 11,1 %и транспорт ва алоқа тармоғига тўғри келди. Бу кўрсаткич 1990-йилда 5,9 %, 1995-йилда 8,4 %, 2000-йилда эса 7,7 %га тенг бўлган. Демак, транспорт ва алоқа тармоғининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ошиб бормоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўсиши, кенг миқёсдаги капитал қурилиши ва транспорт моддий техника базасининг юксалиши билан ҳамоҳанг ҳолда юк ва йўловчилар ташиш ҳажмлари ҳам ортди. Жумладан, юк ташиш ҳажми 2009-йилда 2008-йилга нисбатан 9,4 %га, юк айланмаси эса 7,5 %га ошди.

### **Ўзбекистонда транспорт тизимини ислох қилиш муаммолари ва вазифалари**

2010 йилда иқтисодий тизимнинг етакчи ўринларга чиқиши учун Тошкент, Навоий ва Толлимаржон иссиқлик электр станцияларида бу-газ мосламаларини қуриш, Сургил кони базасида полиетилен ва пропилен ишлаб чиқарадиган Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқарадиган янги комплекс ташкил этишга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Булар қаторида Муборак газни қайта ишлаш заводи ва Шўртаннефтьгаз мажмуасида суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун пропан-бутан аралашмаси мосламаларини қуриш, Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси энергия блокларини кўмир ёқилғиси билан ишлаш тизимига ўтказиш, автомобил кучланиш агрегатларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқа бир қатор муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш алоҳида истиқболли аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур.

2010 йилда автомобил йўларини ривожлантириш учун Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 540 миллиард сўм, яъни, ўтган йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп маблағ ажратиildi

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий автомагистралли участкаларини қуриш бўйича Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида янги йирик лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

### **Коммуникация корхоналарини ривожлантириш истиқболлари.**

“Транспорт тармоқлари ва коммуникацияни ривожлантириш масалалари, Республиканинг географик жойлашуви, денгизга чиқиш имкони йўқлиги, автомагистраллар қурилишини устувор, истиқболли ва ҳаётий аҳамиятга эга масалалардан бири қилиб қўяди. Коммуникация тармоқлари ривожланмаса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Биз буни аниқ англаб олишимиз керак”.

Президентимиз ўз маърузасида «Ушбу дастурларни амалга оширишдан кўзланган пировард мақсад – Европа ва Осиё ўртасидаги савдо оқимининг маълум қисмини мамлакатимиздаги транзит йўналишларига буриш ва шу асосда юртимизда транспорт ва транзит хизмати ҳажмини ошириш, мавжуд инфратузилма негизида логистика марказларини ташкил этиш, минглаб одамларни иш билан таъминлашдан иборат», деб таъкидлаб ўтди. Қуйида келтирилган лойиҳаларнинг барчаси, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишга доир чоратadbирлар дастурига киритилганлигини қайд этиш лозим. Ушбу дастурга умумий қиймати 42,5 миллиард доллардан зиёд 327 та лойиҳа киритилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги бўйича молиялаш манбалари аниқ белгиланган ва инвесторлар консорциумлари шакллантирилган.

2010-2015 йилларда иқтисодиётимизнинг қон томири бўлган Ўзбекистон миллий автомагистрали йўналиши бўйлаб инфратузилма ва сервис тармоқларини ривожлантириш юзасидан қабул қилинган дастурнинг амалга оширилишини қатъий назоратга олинади. Шунинг билан бирга темир йўл коммуникацияларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 2010 йилда айнан шу мақсадлар учун 105 миллион доллардан кўпроқ маблағ йўналтирилади.

### **Телекоммуникация хизматлари соҳаси**

2010-2015 йилларда иқтисодиётимизнинг қон томири бўлган Ўзбекистон миллий автомагистрали йўналиши бўйлаб инфратузилма ва сервис тармоқларини ривожлантириш юзасидан қабул қилинган дастурнинг амалга оширилишини қатъий назоратга олинади. Шунинг билан бирга темир йўл коммуникацияларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 2010 йилда айнан шу мақсадлар учун 105 миллион доллардан кўпроқ маблағ йўналтирилади.

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл линияси ва шу йўналишдаги инфратузилма объектларида қурилиш ҳамда техник қайта қурулантириш ишларини якунига этказиш, Янгиер-Жиззах ва Янгиер-Фарҳод электрлаштирилган темир йўл линиялари қурилишини давом эттириш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бундай ишлар салмоғи ва кўламини ошириш ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшадиган йўловчи ташиш локомотивлари паркини янгилаш, юк ташиш локомотивлари ва вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш даркор. 2010 йилда Испаниядан иккита тезюрак поезд сотиб олиш ва Тошкент-Самарқанд йўналиши бўйича уларнинг қатновини йўлга қўйиш лойиҳасини амалга ошириш бошланади.

## **9-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ РЕСПУБЛИКА, МИНТАҚА, ВА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ МЕХАНИЗМИ**

### **Давлат ҳокимиятининг турли поғоналари ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг вазифалари ва тамойиллари**

Турли миқёсдаги ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштирмай, иқтисодий ривожланган давлат куриш, жамиятда сиёсий ва ижтимоий барқарорликка эришиш мушкул. “Давлат бошқаруви”, “Минтақавий бошқарув” ва «Маҳаллий бошқарув» атамалари мураккаб тизимни (давлат бошқарув фаолиятининг ўзаро боғлиқ таркибий қисмлари мажмуи)ни ташкил этадики, одатда, бошқарув мақсадлари, вазифалари, принциплари, вазифалари, усуллари, шакллари, субъектлари ва объектлари мазкур тизимнинг асосий унсурлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда Республикаси минтақа ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни ўзаро манфаатли асосда тақсимлаш зарурати - маҳаллий тузилмалар фаолиятининг қуйидаги муҳим муаммолари билан белгиланади:

а) маҳаллий тузилмалар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

б) давлат мулкни республика, минтақа ва маҳаллий мулкларга тақсимлаш;

в) маҳаллий мулкнинг барча шакллари муҳофаза қилиш механизмини ишлаб чиқиш;

г) маҳаллий тузилмаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, минимал бюджет билан таъминлаш нормативлари асосида белгиланадиган маҳаллий бюджетларнинг минимал зарур харажатларини қоплаш учун даромад манбаларини мустаҳкамлаш йўли билан маҳаллий бюджетларнинг минимал миқдорини таъминлаш;

д) маҳаллий тузилмалар иқтисодий фаолиятининг барқарор норматив-ҳуқуқий негизини таъминлаш;

е) мамлакатдаги маҳаллий тузилмаларнинг негизини ташкил этувчи маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш қуйи органларининг мустақил фаолиятини таъминлаш;

ж) маҳаллий ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг суд тартибида ҳимояланишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш;

з) маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг давлат ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган қарорлар натижасида юзага келган қўшимча харажатларнинг қопланиши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқини таъминлаш;

и) маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари берилган алоҳида давлат ваколатларини амалга оширишлари учун зарур моддий ва молиявий ресурсларнинг берилишини таъминлаш;

к) ҳуқуқнинг комплекс соҳаси сифатида маҳаллий ҳуқуқни шакллантириш, маҳаллий курилиш ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш соҳасида қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш.

### **Бошқарув органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш зарурияти, муаммолари**

Маҳаллий бошқарув органларига давлат томонидан қафолатлар бериш ҳамда давлат ҳокимияти ва минтақа бошқарув органлари томонидан маҳаллий ҳокимият органларига оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ва маҳаллий бошқарув соҳасида амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилишини таъминлаш республика, минтақа ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни самарали тақсимлашнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистонда республика минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг қуйидаги асосий тамойилларига асосланади:

- давлат, минтақавий ва маҳаллий сиёсат мақсадлари, йўналишлари, вазифалари ҳамда ваколатларини тақсимлаш механизмларининг ягоналиги принципи;

Республика, минтақа ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда маҳаллий бошқарув органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва алоқа ўрнатиш принципи;

маҳаллий ислохотни амалга оширишнинг турли босқичларида давлат сиёсатининг ворисийлигини таъминлаш принципи;

маҳаллий бошқарув органларининг ваколатларига давлат ҳокимияти юқори органларининг аралашмаслиги принципи ва ҳ.к.

Республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни янада аниқ тақсимлаш давлат ҳокимиятининг мазкур бўғинларини бошқариш механизмининг самарадорлигини ошириш, ҳар бирининг мустақиллигини кенгайтириш, муайян ваколатлар уларни мумкин қадар самарали амалга оширишга қодир ҳокимият органлари зиммасига юкланиши учун тегишли ҳудудларнинг ўзига хос (географик, иқтисодий, демографик, этник ва ҳ.к.) хусусиятларини эътиборга олишни табақалаштириш имконини беради.

Республика, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш жараёнининг ҳозирги ҳолати

Ўзбекистонда республика маҳаллий хўжалик амалиёти жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан конституциявий ваколатларни амалга оширишнинг қуйидаги самарали шакллари қўллашни назарда тутди:

1) маҳаллий бошқарув органларига маҳаллий аҳамиятга молик қуйидаги масалаларни мустақил ҳал қилиши учун шарт-шароитлар яратиш:

а) маҳаллий мулкка, шу жумладан йерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

б) маҳаллий бюджетларни шакллантириш, тасдиқлаш ва ижро этиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш;

в) жамоат тартибини сақлаш билан боқлиқ чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

2) фуқароларнинг: турар жойга эга бўлиш; соғлиғини сақлаш; тиббий ёрдам олиш; билим олиш ҳуқуқларини таъминлаш учун шароитлар яратиш;

3) солиқ ва бюджет ислохотлари доирасида маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг молиявий-иқтисодий негизини шакллантиришни ниҳоясига етказиш, авваламбор, қуйидагилар ҳисобига бюджет ва солиқларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш:

а) Ўзбекистон Республикаси субъектларининг бирлаштирилган бюджетларга йўналтирилувчи республика бюджети маблағларини қайта тақсимлаш, маҳаллий тузилмаларнинг ваколатлари жумласига киритилган масалаларни ҳал қилиш учун мазкур тузилмаларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш;

б) давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлиги, шу жумладан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига бериладиган алоҳида давлат ваколатларининг амалга оширилиши ва давлатнинг минимал ижтимоий стандартларини белгилаш принципларини ишлаб чиқиш;

в) маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш молиявий-иқтисодий негизининг муҳим таркибий қисми – маҳаллий мулкни фаол шакллантириш;

г) кўчмас мулк бозорини ривожлантириш ва аҳоли даромадларини жалб этиш ҳамда кичик ва ўрта бизнес вакилларининг иштирокини таъминлайдиган инвестиция сиёсатини амалга ошириш;

д) тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг аҳолини зарур маҳсулотлар билан таъминлаш ва улар хизматлар кўрсатиш фаолиятини мувофиқлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

е) республика, минтақавий, маҳаллий давлат ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида ваколатларни ҳамда тегишли моддий ва молиявий ресурсларни тақсимлаш;

ж) маҳаллий бошқарув ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларининг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилишлари устидан самарали давлат назорати тизимини шакллантириш;

з) минтақа, республика ва халқаро миқёсда ўзаро ҳамкорлик учун шарт-шароитлар яратиш;

и) маҳаллий бошқарув органларининг фаолиятини давлат томонидан илмий-услубий, ташкилий-услубий ва ахборот билан қўллаб-қувватлаш;

к) маҳаллий ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларида ишлаш учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва кадрларнинг малакасини ошириш самарали давлат тизимини ташкил этиш

### **Республика, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва алоқаларнинг самарадорлигини ошириш йўллари**

Давлатнинг ваколатларни тақсимлаш муаммоларини ҳал қилиш борасидаги фаолияти маҳаллий бошқарувни янада ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланган кучли демократик давлат қуришнинг зарур шарти сифатида маҳаллий бошқарувнинг самарадорлиги, роли ва мақомини оширишга йўналтирилган давлат бошқаруви соҳасидаги ягона давлат сиёсати доирасида амалга оширилиши лозим.

Мазкур мақсадга эришиш учун республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш соҳасидаги сиёсат:

- фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни амалга ошириш конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқариш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўз фаолиятига давлат томонидан қафолат берилишини назарда тутувчи конституциявий ваколатларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Умуман, ўзаро алоқаларнинг йўналиш ва тамойиллари универсал хусусиятга эга, чунки улар давлат ҳокимиятининг нафақат ижро этувчи, балки бошқа органларининг ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўзаро алоқа усуллари ҳисобланади. Бошқарув алоқаларининг асосий турлари жумласига қуйидагилар киради:

- ваколатларни тақсимлаш;

- ваколатларни ўзаро ўтказиш (бериш);

- маҳаллий ҳокимият органларига қўмаклашиш (давлат томонидан қўллаб-қувватлаш);

- турли бошқарув бўғинлари ўртасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш;

- турли ҳокимият органларининг фаолияти устидан давлат назоратини ўрнатиш.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган республика, минтақавий ва маҳаллий органларнинг ўзаро муносабатлари тамойилларини умумлаштириб, минтақавий бошқарув органлари юқорида зикр этилган мақсадларга эришиш учун қўллашлари мумкин бўлган, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий назоратнинг табиатига зид келмайдиган қуйидаги назорат шакллари ажратиш мумкин:

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг меъёрий ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш (маҳаллий тузилмаларнинг уставлари, уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби);

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларини мувофиқлаштириш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини тасдиқлаш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи (мансабдор шахс) ваколатларини тўхтатиш;

## 10-МАВЗУ. МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ

### Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг моҳияти ва вазифалари

Минтақавий сиёсат ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солинишидир. Унинг асосий вазифаси мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига мамлакатдаги барча ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини имкон қадар бир-бирига яқинлаштириш, аҳолининг турли қатламлари ўртасида моддий неъматлар тақсимотидаги ҳудудий тафовутларни энг кам даражага келтириш, ҳукуматнинг бошқарув вазифаларини камайтириб, маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органлари ваколатини оширишга қаратилиши лозим. Минтақавий сиёсатнинг мақсади мамлакатнинг яхлит ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳалақит берадиган, ижтимоий келишмовчиликларнинг пайдо бўлишига хизмат қиладиган ҳудудий нотенгликларни бартараф этишдан иборат.

Минтақавий сиёсатни амалга оширишдан аввал, биринчи навбатда, мамлакатдаги ҳудудий нотенгликларнинг сабаблари ўрганилади. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- табиий-иқлим шароитидаги кескин тафовутларнинг мамлакатнинг айрим ҳудудлари аҳолисининг турмуш шароити ва тадбиркорлик фаолиятига таъсири;

- минтақалардаги мавжуд табиий ресурслар ҳажми, сифати ва улардан фойдаланиш даражаси;

- минтақаларнинг чекка ҳудудларда жойлашганлиги натижасида транспорт харажатларининг кўпайиши, маҳсулот нархларининг ортиши. Бу эса ўз навбатида бозорнинг торайишига олиб келади. Транспорт ва коммуникация алоқаларининг ёмонлиги четда жойлашган минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини қийинлаштиради;

- у ёки бу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга таъсир этувчи технологик ривожланиш босқичи (хомашё ресурслари, оралик маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ва хизматлар);

- минтақанинг автономия даражаси, сиёсий шарт-шароитлари, ривожланиш тарихи ва ҳ.к.;

- ишлаб чиқариш инфратузилмаси: аэропортлар, транспорт тармоқлари, саноат майдонлари, телекоммуникация тизимлари ва ҳ.к. билан таъминланиши;

- ижтимоий-маданий омиллар: шаҳарлашув даражаси, аҳолининг маълумоти, илмий марказларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

Минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш дастаклари.

Бозор иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатларда минтақавий сиёсат капитал қўйилмалар қайта тақсимланишини таъминлашга хизмат қиладиган қуйидаги 3 йўналишда олиб борилмоқда:

Биринчи йўналиш - кам ривожланган ва саноат тараққиёти паст минтақаларда инфратузилма объектларини барпо этиш ва уларнинг бошқа раёнлар билан алоқаларини яхшилашдан иборат. Маълумки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда давлат бевосита ишлаб чиқаришга аралашмайди, лекин тадбиркорларнинг самарали фаолият юритишлари учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш давлатнинг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади. Автомобил ва темир йўллар, электр тармоқлари, газ ва сув қувурлари, алоқа тармоқ мавжудлиги бундай ҳудудларда тадбиркорликнинг ривожланишига катта ёрдам беради. Ҳозирда мамлакатимизда қишлоқ аҳоли пунктларини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Иккинчи йўналиш – юқори даражада ривожланган ва саноати тараққий этган минтақалар, хусусан, йирик шаҳарларга нисбатан чеклаш усулларини қўллаш (маъмурий ёки молиявий чеклашлар орқали амалга оширилади). Бундай минтақаларга янги саноат корхоналарини жойлаштиришга чек қўйиш орқали ҳудудий тафовутлар кучайишининг олди олинади. Мазкур усул дунёнинг деярли барча тараққий этган мамлакатларида агломерация

марказларига нисбатан кенг қўлланилади. Ўзбекистонда йирик ва катта шаҳарларга янги sanoat корхоналарини жойлаштиришнинг олдини олиш, кичик шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Учинчи йўналиш - муаммоли минтақаларга sanoat корхоналарини жойлаштириш мақсадида хорижий ва хусусий сармояларни жалб этишни рағбатлантиришаҳри. Мазкур йўналиш иқтисодийнинг турли тармоқларига мансуб корхоналарни жойлаштиришда давлат томонидан муҳим эътибор бериладиган асосий йўналиш ҳисобланади.

### **Минтақавий иқтисодий сиёсат бўйича хорижий тажрибалар**

Хорижий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳудудларни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича турли мамлакатларда хилма-хил йўналишлар мавжудлигига қарамай, улар ўртасида тафовутлар кам, минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги мақсадлари эса қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

- иқтисодий қолоқ минтақалар ривожланишини рағбатлантириш;
- марказий ҳокимият вазифаларининг катта қисмини маҳаллий давлат органлари зиммасига юклаш;
- йирик шаҳарларда sanoat ишлаб чиқариши тўпланишини чеклаш;
- янги ўзлаштирилган ҳудудларда ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантиришни рағбатлантиришаҳри

Кўплаб мамлакатларда минтақавий сиёсат ички имкониятлари ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб, турли ҳудудлар учун турлича қўлланилиши мумкин. Масалан, туғилишни камайтириш сиёсати ниҳоятда қат'ий йўлга қўйилган Хитойнинг зичлик кўрсаткичлари анча паст бўлган Уйғур-Сянган автоном округи ва Тибет учун оилада болалар сони чекланмаган.

Ривожланган мамлакатлар орасида Япониянинг бу соҳадаги тажрибаси алоҳида афзалликларга эга. Аниқ мақсадга йўналтирилган узоқ муддатли дастурлар изчил амалга оширилиши натижасида Япония тарихан қисқа давр ичида дунёдаги энг тараққий этган мамлакатлар сафидан жой олди.

### **Мустақиллик йилларида Ўзбекистон минтақавий сиёсатининг асосий йўналишлари.**

Республикамик иқтисодиётида ҳам бозор иқтисодиётига ўтаётган бошқа мамлакатлардаги сингари “самарали” усулни қўллаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кўплаб фойдаланилмаётган захиралар ишга туширилмоқда; янги корхоналар асосан коммуникациялар билан яхши таъминланган кичик ва ўрта шаҳарларга жойлаштирилмоқда; қишлоқ хўжалигида табиий-иқлим шароитига мос экинлар экиш жорий этилмоқда.

Республикамик мустақилликка эришгандан кейин, биринчи навбатда бой табиий-иқтисодий салоҳиятга эга ҳудуд ва шаҳарларни ривожлантириш, минтақалар иқтисодий тараққиётидаги тафовутларни камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқда sanoatни, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни ишга тушириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тизимини шакллантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, республикамикнинг турли ҳудудлари майдони, аҳоли сони, табиий-иқлим шароити, инфратузилма объектлари билан таъминланиши, шаҳарлашув даражаси, аҳолининг турмуш шароити ва бошқаларга кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Жумладан, мамлакат маъмурий-ҳудудий бирликлари ўртасидаги аҳоли зичлиги бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент вилоятининг Тошкент туманига тўғри келса (1 км<sup>2</sup> майдонда 767 киши), аксинча энг сийрак минтақа Навоий вилоятининг Томди тумани (1 км<sup>2</sup> майдонда 0,58 киши) ҳисобланади.

Аҳоли табиий кўпайишида шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутлар яққол сезилиб туради. Хусусан йирик, sanoatлашган ва маҳаллий миллат вакиллари нисбатан кам истиқомат қиладиган шаҳарларда аҳоли табиий кўпайиши қишлоқ жойларга нисбатан бир

неча бор паст эканини кўришимиз мумкин. Жумладан, Тошкент вилоятидаги Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарларида табиий ўсиш республика ўртача кўрсаткичига нисбатан 3-5 марта камдир.

Самарқанд вилояти Ургут тумани аҳоли сони бўйича мамлакат маъмурий-ҳудудий бирликлари орасида энг юқори ўринни эгаллайди. У ерда 335 минг киши истиқомат қилади. Бухоро вилояти қоровулбозор тумани эса, аксинча, аҳолиси энг кам ҳудуд ҳисобланади. У ерда 13,6 минг киши яшайди.

Умуман, ҳар бир туман ёки шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Мамлакатнинг минтақавий-иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларнинг мана шундай алоҳида жиҳатлари албатта ҳисобга олиниши лозим.



## **11-МАВЗУ. МИНТАҚАЛАР МОЛИЯСИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ**

### **Минтақаларнинг молиявий маблағлари ва унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти**

Худудий молия давлат молия тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у турли даражадаги (вилоят, туман, шаҳар) маҳаллий бюджетлар, нобюджет фондлари, минтақа эҳтиёжини қондириш учун сарфланадиган хўжалик субъектларининг молиявий воситаларидан иборат. Худудий молия аҳолига ижтимоий-маданий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш билан шуғулланади. Шундай қилиб, худудий молия - худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнида миллий даромадни тақсимлайдиган ва қайта тақсимлайдиган иқтисодий муносабатлар тизимидир.

Худудий молия орқали давлат ижтимоий сиёсатни фаол амалга оширомоқда. Минтақавий ҳокимият органларининг бюджетлари учун ажратилган воситалар асосида халқ таълими, соғлиқни сақлаш, коммунал хизмат соҳаларини молиялаштириш амалга оширилади.

### **Минтақа молияси - худудий ҳокимлик бюджетларининг асосий молия манбаи. Худудий молиянинг моҳияти ва таркиби.**

Минтақаларнинг молиявий ресурслари ёрдамида ҳукумат тараққиёти турлича бўлган минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштиради. Бундай тафовутларни бартараф этишда махсус минтақавий дастурлар ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш учун маблағлар муайян маъмурий-худудий бирликлар бюджетларининг даромад манбалари ҳамда юқори бюджетларнинг ажратмалари ҳисобидан шакллантирилади.

Худудий молиявий воситаларнинг шаклланиш манбалари қуйидагилардан иборат:

Маҳаллий бюджет

МуниЦипал мулк ҳисобланувчи корхоналарнинг молиявий ресурслари.

Корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий-маданий ва уй-жой-коммунал объектларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлари.

Худудий нобюджет фондлари

### **Маҳаллий бюджет-маҳаллий бошқарув органларининг асосий молиявий манбаи сифатида**

“Маҳаллий бюджет – давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратилган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади”.

Маҳаллий бюджетлар орқали маҳаллий худудларни ижтимоий - иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни молиявий манбалар билан таъминлаб борилади. Маҳаллий бюджетлар харажатларининг кейинги -йилларда илдамроқ ўсиб бориши уларнинг давлат бюджетидаги салмоғини ҳам ошиб боришига олиб келган, бунга сабаб асосан 1995 -йилдан бошлаб маҳаллий бюджетлар томонидан олдинги йилларда республика бюджети ҳисобидан молиялаштириб келинган кадрлар мутахассислар тайёрлаш, яъни ўрта махсус ўқув юртлари харажатларини молиялаштирилишини берилиши давлат капитал қўйилмаларининг маҳаллий бюджетлардаги ҳажми ортиб бориши ҳисобига ҳамда 1994 -йилдан давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг кескин ошиб бориши ва харажатларни молиялаштириш асосан маҳаллий бюджетлар томонидан амалга оширилиши ҳам маҳаллий бюджетлар харажатлари салмоғининг ошишига олиб келди.

Маҳаллий бюджетлар орқали халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт муассасаларини, маҳаллий ҳокимият бошқарув органларини, кам таъминланган оилаларга бериладиган нафақалар молиялаштириб борилади. Шу билан бирга маҳаллий бюджетлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлатнинг олиб бораётган сиёсати жойлардаги

асосий таянчи ҳисобланади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг деярли 100 %и маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилади.

Бюджет субвенцияси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шarti билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шarti билан ажратилади.

Бюджет дотацияси ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар йетишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлар ўртасидаги фаркни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шarti билан ажратилади.

Бюджет ссудаси юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёхуд республика бюджетдан резидент-юрлик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шarti билан ажратиладиган маблағ.

### **Маҳаллий бюджет, унинг тушумлари ва харажатлари.**

Маҳаллий солиқлар ва уларнинг йўналишлари. Мол-мулк солиғи. Мол – мулк солиғининг маҳаллий бюджетдаги роли. Бюджет жараёни.

2001-йилда кучга киритилган “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида “Маҳаллий бюджетлар” тўғрисида тушунча берилган. Унга кўра “Маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади” деб таъкидланган.

Маҳаллий бюджет даромадларининг шаклланиш механизми қуйидагича:

Маҳаллий солиқлар.

Умумдавлат солиқларидан ажратмалар.

Маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги тафовутни қоплашга бюджет дотацияси.

Маҳаллий бюджетда кўзда тутилган мақсадли харажатларни амалга оширишга субвенция.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини таҳлил қиладиган бўлсак, айна вақтда Солиқ кодексига мувофиқ маҳаллий бюджетларга 6 солиқ тури бириктирилган, яъни мазкур солиқлар тўлиғича маҳаллий бюджетларга туширилади, буларга:

мол-мулк солиғи;

йер солиғи;

ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;

айрим турлардаги товарлар билан савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим киради.

“Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагилар мўлжалланган харажатлар молиялаштирилади:

Фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича).

Ижтимоий таъминот.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.

Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлашаҳри

Иқтисодиёт турли тармоқларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджет ташкилотларини сақлашаҳри

Қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга оширишади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

### **Бюджетлараро муносабатлар.**

Узоқ йиллар давомида шаклланган бюджет тизими ва унинг механизми маҳаллий ҳокимият органларини ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш йўлларини қидириб топишдан кўра, қандай бўлмасин, давлат даромадлари ва солиқларидан маҳаллий бюджет учун норматив ажратмаларини оширишга ҳаракат қилишларини рағбатлантириб келди. Чунки “бошқариладиган” даромадларнинг ажратма фоизлари узоқ муддатли бўлмай, балки ҳар йили қайтадан тасдиқланади. Бунинг устига “бириктирилган” даромадлар режалаштириладиган йил учун камайтирилиши мумкин. Шу билан бирга, йилнинг бошида қолган бюджет маблағларининг эркин қолдиқларидан жорий йилнинг харажатларини қоплашга ишлатилганидан қолган қисми йилнинг охирида юқори бюджетлар томонидан олиб қўйилади.

Солиқ кодексида барча солиқлар турлари системалаштирилиб, улардан ҳар бирининг ҳаракат қилиш шартлари аниқланган. Тўғри солиқларда солиқ тўлашнинг бир қанча режимлари кўзда тутилади:

асосий хўжалик субъектлари фойда солиғини тўлайдилар;

кичик корхоналар учун солиқ тўлаш шартлари соддалаштирилган бўлиб, улар учун ягона солиқ жорий этилган;

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад солиғи тўлайдилар;

банклар, суғурта ташкилотлари, видео салонларга - даромад солиғи тўлайдилар.

Кейинги йилларда минтақалар маҳаллий бюджетларининг республика бирлаштирилган бюджетига улуши ортиб бормоқда. Бу кўрсаткич даромадлар бўйича 71,4 %ни, харажатлар бўйича эса 67,2 %ни ташкил этди.

Маҳаллий бюджетнинг Республика бюджетига улуши. Минтақаларга ажратиладиган субвенциялар.

Агар 2000 йилда республикамиздаги солиқ юки 37,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 22,6 фоизни ташкил этди, яъни 1,6 баробардан кўпроқ қисқарган. 2010 йилда бу кўрсаткични янада пасайтириш, яъни 21,8 фоиз даражасига тушириш кўзда тутилмоқда.

2009 йилда мамлакатимиздаги енгил ва озиқ-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун кенг қўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги 1048-сонли қарорига кўра бутловчи қисмлар ва деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хом ашё турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2011 йил 1 январгача:

- четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

- маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиқи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилиндилар.

Уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари 5 йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод этилди. Корхоналар муассисларининг капиталлашув ва инвестиция киритишга йўналтириладиган дивидендлари ҳам ана шу муддатга солиққа тортилмайдиган бўлди.

## 12-МАВЗУ. МИНТАҚАЛАРНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ ВА ЭКСПОРТНИ КЎПАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

### Ташқи иқтисодий алоқаларнинг моҳияти ва таснифи.

Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлига отганидан буён тарихан қисқа давр мобайнида уни суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозир Ўзбекистон 165 давлат томонидан тан олинган, 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатган. Тошкентда 35 мамлакатнинг ўз элчихонаси очилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантирмоқда, энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, ҳукуматлараро 24 та ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Ўтган йиллар мобайнида республика кўплаб жуда муҳим халқаро конвенсияларга қўшилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни шакллантириш юзасидан ишлаб чиқилган қуйидаги асосий тамойилларга амал қилмоқда:

ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлигига эришиш;

тенг ҳуқуқлик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний кадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги;

ташқи алоқаларни ҳам икки, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

### Минтақаларнинг экспорт салоҳияти.

1990 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 805,6 миллион долларни, жумладан, экспорт - 442,7 миллион долларни, импорт - 362,9 миллион долларни ташкил этган. Ижобий салдо эса 80 миллион доллар атрофида бўлган эди. Утган 20 йил мобайнида таш.и савдо айланмаси 27,1 баробар ўсди, шу жумладан, экспорт ажми - 29,5 баробар, импорт - 24,2 баробар ошди. Бу жараёнда таш.и савдонинг ижобий салдоси 53 баробар ортиб, олтин-валюта захираларининг юқори даражада ўсиши ва миллий валюта барқарорлигини таъминлади.

Экспорт ва импорт таркиби туб дан ўзгарди. Ўзбекистон мустақилликкача бўлган даврдаги четга хомашё чиқарадиган ва тайёр маҳсулотлар, асосан истеъмол товарларини олиб кирадиган мамлакатдан бугунги кунда тобора қўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотларни экспорт қиладиган ва кўпроқ ишлаб чи.аришни техник ҳамда технологик модернизация қилиш учун мўлжалланган юқори технологиялар асосидаги ускуналарни импорт қиладиган мамлакатга айланиб бормоқда. Экспортнинг товар таркибини диверсификация қилиш натижасида мамлакатимиз пахта якка ҳокимлиги оқибати бўлган пахта толаси экспортига қарамликдан халос бўлди. Унинг экспортдаги улуши камайиб, 1990 йилдаги 59,7 фоиздан 2010 йилда 11,3 фоизга тушди. 1990 йилда экспортнинг умумий ҳажмида хомашё ҳисобланмайдиган товарлар улуши 30 фоиздан камроқ бўлган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 70 фоиздан зиёддир.

Юртимизда кейинги 10 йил мобайнида енгил автомобиллар экспорти 7,6 баробар, пахта калаваси - 4,7 баробар, трикотаж матолар - 156 баробар, минерал ўхитлар - 11,7 баробар, нефт маҳсулотлари - 6,5 баробар, семент - 6,3 баробар, сабзавот ва мевалар экспорти 14,1 баробар ўсди. Кичик бизнес корхоналарининг экспорт ҳажми 10 баробардан кўпроқ ошди.

## Минтақаларда қўшма корхоналарни ривожланиши. Тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш йўллари

Ташқи бозорни тадқиқ этиш Ўзбекистон Республикаси корхоналарининг хорижий бозордаги стратегик линиясини ишлаб чиқиш учун, айниқса, янги товарларни ишлаб чиқариш ва уларни бозорларга киритишда зарур масаладир. Бозорни батафсил ўрганиш уни истеъмолчилар гуруҳлари ва товарларнинг истеъмол хусусиятларига мувофиқ сигментлашни талаб қилади. Хорижий тажриба кўрсатадики, энг мувофиқ сигмент деб ушбу бозорнинг тахминан 20 % харидорлари фирма тақдим этган товар ҳажмининг 80 %ини харид қилганлари ҳисобланади. Товар билан боғлиқ бўлган масала уни олдиндан аниқланган бўлажак харидорларнинг айрим гуруҳларига аниқ мўлжаллаб лойиҳалаштиришнинг зарурлигидир. Масалан, у тор гуруҳ Белгиядаги 15–17 ёшли ўсмирлар ёки кенг – Германия бозоридаги кам ёқилғи сарфлайдиган автомобиллар ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

2009-йилда республика ташқи савдо айланмаси 2000-йилдан буён биринчи марта энг катта кўрсаткичга йетди ва 14,2 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этди, шу қаторда экспорт - 8,9 млрд. долл., импорт - 5,2 млрд. АҚШ долл., савдо баланси 3,8 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этди. Ўтган йил билан қиёсланганда ташқи савдо айланмаси 27,4 %га ошди. Бунда экспорт операциялари ташқи савдо айланмаси умумий ҳажмининг 63,2 %ини ва импорт операциялари - 36,8 %ини ташкил этади.

Экспортнинг ўсиши импортнинг ўсишига нисбатан анча юқори бўлди. Экспортнинг ўсиши 2008-йилга нисбатан 140,7 %ни ташкил этди, импорт ўтган йилга нисбатан 109,5 %ни ташкил этди. 2009-йил натижаларига биноан ташқи иқтисодий айланманинг ярмидан отиқроғи МДХ мамлакатларига тўғри келди. Импорт-экспорт билан қолиш коэффициенти 1,7ни ташкил этди, хусусан, МДХ мамлакатлари учун - 1,7 ва хорижий мамлакатлар учун - 1,9 ва 1,3; 1,3; 1,4 ва 2006-йилдаги кўрсаткич натижасида, фаол савдо балансини 3,8 млрд. АҚШ долл. ташкил этди.

2009-йилга нисбатан сезиларли даражада 2,1 млрд. долл.га ёки 2,3 мартага ошди. Товар айирбошлаш актив салдосининг 58,7 % ёки 2,2 млрд. долл. хорижий мамлакатлар билан савдо қилиш ҳисобига тўғри келди. МДХ мамлакатлари билан товар айирбошлашнинг ижобий салдо даражаси, шунингдек 2007-йил кўрсаткичидан юқори бўлди ва 2008-йилда 624,9 млн. долл.ни ташкил этган бўлса, 2009-йилда 1,5 млрд. долл.ни ташкил этди.

Минтақанинг экспорт-импорт балансини таҳлили ва такомиллаштириш йўллари.

Маълумки, 2009 йилда мамлакатимизда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омилар яратишга алоҳида эътибор қаратилган эди. Хусусан:

– айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

– тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиқи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

– банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясида кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш шулар жумласидандир.

2009 йил мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар қаторида тижорат банклари томонидан айланма маблағларни тўлдириш учун 233,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилганлиги, 105,8 млрд. сўм миқдорида бюджет олдидаги ва етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар қарзларини тўлаш муддатларини кейинга сурилганлиги, барча турдаги энергия манбалари ва асосий коммунал хизматлар учун нархлар ўсиши ўртача 7,7%, яъни паст даражада сақлаб қолинганлигини таъкидлаш мумкин. Бу эса жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳсулотни

экспорт қилиш бўйича юзага келган вақтинчалик қийинчиликларга қарамасдан, экспорт қилувчи корхоналарда ишлаб чиқаришнинг пасайишини олдини олиш имконини берди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чоратadbирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2009 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоиз оширишга эришилди. Бу ўтган йили ташқи савдо айланмасини 2,3 миллиард доллардан кўпроқ ижобий салдо билан яқунлаш имконини берди.

## **13-МАВЗУ. МИНТАҚАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ**

### **Минтақаларни тартибга солишнинг мақсади ва воситалари.**

Давлат ҳудудий сиёсатининг асосий мақсадларига қуйидагилар киради:

- мамлакатда ҳудудий сиёсатнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратиш;
- ҳудудларнинг иқтисодий имкониятларидан қатъий назар, ягона минимал ижтимоий стандартлар ва тенг ижтимоий ҳимояни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш;
- ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун шарт-шароитларни тенглаштириш;
- атроф-муҳит ифлосланишини тўхтатиш ҳамда унинг ифлосланиши оқибатларини йўқотиш, ҳудудларни комплекс экологик ҳимоя қилиш;
- ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга ҳудудларни устувор ривожлантириш;
- ҳудудларнинг табиий - иқлим хусусиятларидан тўлиқ фойдаланиш;
- ўзини-ўзи бошқариш кафолатланишини таъминлаш.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ҳудудий сиёсатнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, минтақаларда кўп укладли иқтисодиёт, шу жумладан, кичик тадбиркорликни шакллантириш, товар, меҳнат ва капиталнинг умумдавлат ва ҳудудий бозорлари ҳамда институционал ва бозор инфратузилмаси шаклланишига кўмаклашиш;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнидаги катта фарқларни камайтириш, уларда аҳоли фаровонлигини оширишнинг ўз иқтисодий базаларини мустаҳкамловчи шароитларни босқичма-босқич яратиш;

ҳудудлар иқтисодий тузилмасининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган даражасига эришиш, бозор шароитида уларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

ҳудудлараро инфратузилмавий тизимларни (транспорт, алоқа ахборот ва бошқалар) ривожлантириш;

экологик ва фавқулодда ҳолатларга учраган, ишсизлик даражаси юқори бўлган, демографик ва миграцион муаммолар мавжуд ҳудудларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш.

### **Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг назарий ва услубий асослари.**

Ҳудудий ўсиш назарияларини кўриб чиқишда икки хил асосий ёндашув мавжуд. Биринчиси – ҳудудларда иқтисодий ўсиш моделларини қўллаш. Бундай моделларни мамлакат иқтисодиётининг ўсишини изоҳлаш учун ишлаб чиқилган моделларга ўхшатиш мумкин (девелопмент эсономисс). Иккинчиси эса, алоҳида корхона ва фирмаларнинг хатти-ҳаракатларини таҳлил этишга асосланган. Чунки минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини, авваламбор, уларнинг фаолиятинигина белгилаб беради. Компаниялар ўз фаолиятини у ёки бу ҳудудда олиб боришларининг сабаблари жойлаштириш назариялари орқали кўриб чиқилади.

Таҳлил этилаётган назарияларни ишлаб чиқиш билан ҳам иқтисодий география мутахассислари, ҳам иқтисодчилар шуғулланишган. Чунки иқтисодий география билан ҳудудий иқтисодиёт ўртасида аниқ чегара ўрнатишнинг иложи йўқ. Ҳудудий назариялар соҳасида Россия иқтисодчилари ва географлари томонидан ҳам катта тадқиқотлар амалга оширилган. Улар асосан /арб олимлари фикрларини ривожлантирганлар. Бу борада айниқса, унивёрситет район мактабининг ижтимоий ва иқтисодий георафия вакиллари ўзига хос хусусиятга эга бўлганлар. Н.Н. Баранский, Н.Н. Колосовский, И.А. Вити, Ю.Г. Саушкин каби олимлар ушбу йўналишни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганлар.

Классик стандарт назариялар 1920-йилларда А. Предел ва Т. Паландер томонидан танқид қилинади. А. Предел мувафақиятли жойлаштириш жойларини кўрсатиб ўтган (я'ни оптимал жойлаштириш жойини математик аниқлаш имкониятини инкор этган). Т. Паландер махсус (турли хил тармоқдаги корхоналар учун) ва умумий стандарт назарияларини таклиф этди. Жойлаштириш назариялари ривожланиши янги босқичининг (тахминан XX аср ўрталарида бошланган) кўзга кўринган вакиллари Август Леш ва Девид Смит ҳисобланади. Уларнинг назариялари янги ёки неоклассик стандартлар билан аталади (бу йерда «неоклассик» тушунчасининг неоклассик иқтисодиёт назариясига алоқаси йўқ).

Жойлаштиришнинг динамик назариялари, юқорида айтиб ўтилганидек, XX асрнинг биринчи ярмида вужудга келди. Биринчи содда динамик концепсия сифатида Х. Хотеллинг моделини айтиш мумкин. У 1920-йиллардаги ишида ўзаро рақобатлашадиган иккита ишлаб чиқарувчи корхонани оптимал жойлаштиришни исботлаб берган. Динамик назарияларда статик назариялардан фарқли равишда кўпроқ кўп заводли компаниялар кўриб чиқилади. Р.Вернонинг маҳсулот ишлаб чиқариш даври концепсиясини гарчи, у минтақавий назария доирасидан четга чиқиб кетган бўлса ҳам, жойлаштиришнинг динамик назарияси деб ҳисоблаш мумкин (1960-йилларда пайдо бўлган).

### **Худудий ўсиш назариялари, уни таҳлил этиш масалалари.**

Худудий ўсиш назариялари таҳлилинини бошлашдан олдин, у билан боғлиқ иккита масалани кўриб чиқиш зарур. Биринчиси – «ўсиш» ва «ривожланиш» категорияларининг нисбатлари, иккинчиси – ўсиш муаммолари кўриб чиқиладиган минтақалар чегараларини аниқлаш. «Ўсиш» ва «ривожланиш» мезонларининг ўзаро нисбатларини аниқлашга келадиган бўлсак, давлат томонидан тартибга солишнинг умумеътироф этилган асосий мақсади оддий ўсиш эмас, балки ривожланиш ҳисобланади. Бу ҳақда П. Самуэлсон шундай деган эди: «ишлаб чиқаришнинг фақатгина оддий миқдорий ўсишига интилиш керак эмас (ҳатто аҳоли жон бошига ҳам). У билан бирга жамиятнинг ҳамма ижтимоий-иқтисодий тузилмаси ички ривожланишига эришиш зарур». (Кейинчалик эса кўпинча олимлар шу нарсани таъкидлашдики, назоратсиз миқдорий ўсиш бутун инсониятга хавф солиши мумкин. Чунки у экологик, энергетик, хомашё ва бошқа глобал муаммоларни туғдиради.

Ричардсон модели асосида неоклассик моделдаги каби вазифа ётади. У ўсиш суръатлари билан капитал жамғариш суръатлари, меҳнат таклифининг кўпайиши ва техника тараққиёти тезлиги ўртасидаги алоқаларни акс эттиради. Дж. Фридманнинг фикрига кўра, иқтисодий ўсиш кўпроқ шаҳарларда юз беради (бирок олимлар-урбанистлар фақатгина устунликларни эмас, балки йирик шаҳарларнинг камчиликларини ҳам айтиб ўтадилар). Фридман «марказ-периферия» назариясининг классиги ҳисобланади. У мамлакатда ўсиш марказлари (улар «ядро»лар деб аталади) шаклланишининг тўрт босқичини ажратади:

- атрофидаги худудларга кам таъсир кўрсатувчи локал ядроларнинг мавжудлиги;
- кенг периферияга таъсир кўрсатувчи ва ўсиш қутбларини шакллантирувчи энг кучли ядронинг пайдо бўлиши;
- ўсиш қутбларида потентрик тузилма шаклланишига олиб келувчи яна кўпгина ядроларнинг ривожланиши;
- ядроларнинг баққуват периферияга эга урбанистик полиареал тузилмага айланиши;
- чекка (периферия) худудларнинг (ривожланиш маркази ва улардан ташқарида бўлган) ривожланишини тасвирлашда Дж. Фридман, Т. Хегерстранд ва бошқа қатор олимлар таклиф этган «янгиликлар диффузия»си схемасидан фойдаланилади. Худудий иқтисодий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш назарияларининг «пионерлари» С.Деннисон ва А. Леш ҳисобланади. Улар ривожланишни тартибга солишда ўзаро тубдан фарқ қилувчи иккита концептуал ёндашувга асос солишган. С.Деннисонни «фаол қайта қурувчиларга» киритиш мумкин, А.Лешни эса, юқорида қайд этиб ўтилганидек «адапторлар»га. С.Деннисон урушдан олдинги Буюк Британия учун жиддий муаммо бўлган депрессив худудларни тартибга солишни кўриб чиққан. У асосий эътиборини саноат инвестициялари географиясига бевосита усуллар ёрдамида таъсир этишга қаратган. Бу



усуллар саноатга янги капитал қўйилmalarини жойлаштириш устидан марказлашган назоратни ўрнатиш билан боғлиқ бўлган.

### **Худудлар иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг мақсад ва воситалари**

Худудий иқтисодий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш назарияларининг «пионерлари» С.Деннисон ва А. Леш ҳисобланади. Улар ривожланишни тартибга солишда ўзаро тубдан фарқ қилувчи иккита концептуал ёндашувга асос солишган. С.Деннисонни «фаол қайта қурувчиларга» киритиш мумкин, А.Лешни эса, юқорида қайд этиб ўтилганидек «адапторлар»га. С.Деннисон урушдан олдинги Буюк Британия учун жиддий муаммо бўлган депрессив худудларни тартибга солишни кўриб чиққан. У асосий эътиборини саноат инвестициялари географиясига бевосита усуллар ёрдамида таъсир этишга қаратган. Бу усуллар саноатга янги капитал қўйилmalarини жойлаштириш устидан марказлашган назоратни ўрнатиш билан боғлиқ бўлган.

Шундай қилиб, худудларнинг иқтисодий ривожланишини тартибга солиш зарурати ижтимоий-иқтисодий муаммоларни (бандлик, ижтимоий ҳимоя, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва бошқалар) ўзларига бириктирилган даромадлар манбалари ҳисобига ҳал этишда кўпроқ эркинлик ва ваколатлар берилганда юзага келади. Демак, худудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш-республика ҳокимият органлари томонидан худудларнинг иқтисодий ривожланишига ҳамда бу ривожланиш билан боғлиқ ижтимоий жараёнларга таъсир этиш воситаси бўлиб, унинг натижасида худудий сиёсат рўёбга чиқади.

«Худудий сиёсат» атамаси кенг тарқалган бўлса-да ҳали унинг ягона таърифи мавжуд эмас. Бу ўринда ундан «худудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш» атамасига синоним сифатида фойдаланамиз, чунки худди шундай мазмунғарб адабиётларида «худудий сиёсат» атамасига берилади. Турли муаллифлар «худудий сиёсат»га турлича таъриф беришади. М.В.Степанов таърири остидаги ўқув қўлланмада айтилишича, «худудий сиёсат – давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми. У ўз ичига ҳам марказий (республика), ҳам маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган ҳамда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш жараёнларини тартибга солишга қаратилган турли ҳил қонунчилик, маъмурий ва иқтисодий тадбирлар мажмуасини олади».

Худуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа объектларини ривожлантиришда давлатнинг тўғридан-тўғри иштироки манзилли тартибга солиш йўлларида бири сифатида намоён бўлади. Бунга мисол тариқасида мамлакатда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни келтириш мумкин. Худудий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий иқтисодий механизми бюджет тизими ҳисобланади. Бюджетлар қонуний актлар асосида қабул қилинади ва ишлатилади.

Худудий ривожланишнинг макроиқтисодий воситалари давлатнинг солиқ, кредит, инвестиция, нарх, ижтимоий ва бошқа сиёсатнинг худудлар бўйича дифференциалашган параметрлари сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисмидир.

## **14-МАВЗУ.МИНТАҚАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ИМКОНИАТЛАРИ**

### **Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши**

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб, уни изчил амалга ошириши натижасида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа кўплаб мамлакатлардан фарқди равишда, ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўйилмасликка эришди. 1991-1995 йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши, МДҲ давлатлари ўртасида энг кам кўрсаткични - 18,8 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, бу рақам Россияда - 53 фоиз, Украинада - 52 фоиз, Белоруссияда - 54,6 фоиз, Қозоғистонда эса 75,4 фоизга тенг бўлди. Ўзбекистон иқтисодиёти 1997-2003 йиллар давомида йилига 3,8-5,2 фоиз ўсиш даражасида ўртача суръатлар билан ривожланди. Қулай ишчан муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларининг натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2004 йилдан эътиборан йилига 7-9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади.

Харид қобилияти паритети (ХҚП) бўйича ЯИМ 2010 йилда 1990 йилга нисбатан 3,4 баробар, яъни 27,1 миллиард АҚШ долларидан 92,3 миллиард АҚШ долларига ошди. қулай ишчан муҳитнинг яратилиши, инвестициялар оқимининг кучайиши нафақат иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш, балки иқтисодиёт таркибида муҳим сифат ўзгаришларининг юз беришини ҳам таъминлади. Хусусан, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш бўйича амалга оширилган сиёсатнинг натижаси сифатида 2000-2010 йилларда қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 30,1 фоиздан 17,5 фоизга камайиб, sanoatning улуши 14,2 фоиздан 24 фоизга, хизматлар улуши эса 37 фоиздан 49 фоизга ўсди.

### **Ҳудудларнинг иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш хусусиятлари ва имкониятлари**

Минтақалар ривожланишида ўзига хос ўрин тутувчи молиялаштиришнинг турли манбалари мавжуд. Уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: давлат бюджети маблағлари; корхоналарнинг ўз маблағлари; аҳоли маблағлари; хорижий инвестициялар; бюджетлардан ташқари фондларнинг маблағлари ва ҳоказолар.

Бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётимиз учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи минтақа объектлари молиялаштирилади, хусусий молиялаштириш кенгайиб, хусусий сектор ривожланган сари давлат бюджети маблағлари ҳисобига инвестициялаш ортиб боради. Бундай ҳолларда бозор иқтисодиётига ўтиб бораётган давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам давлат бюджети томонидан тиббиёт, фан ва маданият, маориф ва бошқа ижтимоий соҳалар лойиҳалари молиялаштирилади ҳамда бу мақсадга мувофиқдир.

Корхона ва ташкилотларнинг хусусий маблағлари инвестиция захиралари шаклланишида асосий манбага айланиб қолмоқда. Аммо уларнинг молиявий ҳолати асосан кескин ёмонлашмоқда. Бу рентабелликнинг пасайиши ва зарар билан ишлаётган корхоналар улуши энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳаларида кўпайишига олиб келмоқда. Шунингдек ҳозирга қадар амал қилган солиқ тизими ҳам корхоналарнинг инвестиция имкониятларига путур йетказди. Фойданинг камайиши, корхоналарнинг инвестицияларга йўналтириш мумкин бўлган хусусий маблағларини камайтирибгина қолмай, балки рентабеллик даражаси ва ҳақиқий фоиз ставкаси ўртасидаги ўзаро нисбатни ёмонлаштириб, ишлаб чиқарувчиларнинг қарз маблағларини жалб этиш имкониятларига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Эслатиб ўтиш жоизки, ишлаб чиқаришда қўйилмалар самарадорлиги билан депозитлар бўйича ставкалар ўртасидаги охириги фойда айирмасининг ортиш салоҳияти инвесторларнинг

ишлаб чиқаришга капиталлар қўйилмасини тўхтатиб турибди. Инвестициялар корхоналарнинг кучли манбаси бўлиши амортизация фоизига путур етказмоқда. Амортизацияга чиқарилган суммалар инвестиция жамғармаларига нисбатан ҳамма манбалар ҳисобига камаймоқда. Натижада улар нафақат асосий фондларни юқори техник даражада янгилаш, балки сарфланаётган фондларни шунчаки алмаштириш учун ҳам йетарли бўлмаяпти.

Бунинг сабаби узоқ вақт мобайнида асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш ва амортизациянинг эскириб қолган меъёри қўлланиб келинганлигидир. Амортизация таннарини ошириш сабабли корхоналар фондлар қиймати билан қиёсланганда амортизацияга чиқарилган суммалар ва маҳсулотлар нархини пасайтиради. Капитал қўйилмаларини молиялаштириш учун давлат бюджети харажатлари тегишли объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобига камайтиради. Аммо хусусийлаштирилган кўпгина корхоналарда ҳам худди давлат тасарруфидаги корхоналардаги каби молия маблағлари сурункали йетишмайди.

### **Минтақаларда кичик тадбиркорликни ривожлантиришни кенгайтириш йўллари.**

ЯҲМда Тошкент микрофирмалари улушининг 2,7 ф.д.га кўтарилиши улар томонидан амалга оширилган ишлаб чиқариш хизматлари, қурилиш ишлари, чакана савдо ҳажми ортиши ҳисобига рўй берди Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг биржа савдоларида иштирок этиш имкониятларини ошириш мақсадида биржа хизматининг комиссия харажатлари ўртача 25 % гача пасайтирилди ва биржа савдоларида қатнашиш учун тўланадиган гаров пули 10 % гача оширилди.

Тадбиркорлар учун енгиллик яратиш мақсадида қуйидаги тўловлар миқдорини камайтириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди:

- архитектура-режалаштириш топшириғини (АРТ) ишлаб чиқишга кетадиган тўловлар – 2 мартагача;

- экологик экспертизадан ўтказиш тўловлари – 20 дан 90 %гача;

- турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш харажатлари – 9 мартагача;

- лойиҳалаш ҳужжатларини экспертиза қилиш харажатлари – 2 мартагача.

Шунингдек банкда ҳисоб рақами очиш ва ёпиш учун олинадиган тўловлар умуман бекор қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида уни тартибга солувчи 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди. Бунинг натижасида 26 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, 76 та идоравий меъёрий-ҳуқуқий ва қонуности ҳужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди. Шунингдек Инкирозга қарши чоралар дастурида 2009-йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 %га камайтириш кўзда тутилган.

### **Кичик тадбиркорликни кенг ривожлантириш йўллари, кичик бизнеснинг мамлакат ривожланишидаги аҳамияти.**

1996-2010 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 7 фоизгача, яъни 5,4 марта қисқарган.

2009 йилда ҳам тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини қисқартириш ишлари давом эттирилди. Масалан:

- архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати – 4 баробар;

- лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш – 2,5 баробар;

- кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати – 2 баробарга пасайтирилди.

2009 йил давомида инвентаризация натижасида аниқланган қарийб 2 мингта бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди. Бунда биноларни ижарага бериш тарифлари тадбиркорлик субъектларининг қаерда жойлашгани ва уларнинг фаолият турига қараб 3 баробардан 10 баробарга қадар камайтирилди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги имтиёз ва қулайликлар яратилди:

- маҳсулотларнинг гигиеник сертификатини амал қилиш муддати илгариги 3 йилдан эндиликда чекланмаган муддатга ўтказилди;

- фитосанитария хулосаларини бериш муддатлари қисқартирилди;

- электр ва иссиқлик тармоқларига уланиш учун техник шартларни бажариш муддатлари 1 ойдан 3 кунгача қисқартирилди;

- биноларни турар жойдан нотурар жой тоифасига ўтказиш жараёни соддалаштирилди;

- давлат мулкидаги бўш бинолар ижара ҳақлари 10 ва ундан кўп баробаргача туширилиши натижасида уларнинг 81 фоизи (аниҳланган 3650 тадан 2939 таси) тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди;

- ташқи рекламани жойлаштириш тарифлари ўртача 20 дан 30 фоизгача пасайтирилди ҳамда айрим ҳудудларнинг қишлоқ жойларида ҳақ олиш бекор қилинди. Бунинг натижасида ташқи реклама берувчи тадбиркорларнинг улуши 34 фоизгача ошди;

- ташқи рекламани жойлаштириш қиймати Тошкент, Фарғона, Жиззах, Наманган ва Навоий вилоятларининг қишлоқ жойлари учун 50 фоизгача пасайтирилди;

- электр энергиясини олди-сотти шартномасида белгиланган ҳажмга нисбатан кам сарфланиши учун жарималар бекор қилинди ва ортиқча сарфлаш бўйича жарималар 50 фоизга қисқартирилди.

## **15-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси.**

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб, уни изчил амалга ошириши натижасида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа кўплаб мамлакатлардан фарқи равишда, ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўйилмасликка эришди. 1991-1995 йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши, МДҲ давлатлари ўртасида энг кам кўрсаткични - 18,8 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, бу рақам Россияда - 53 фоиз, Украинада - 52 фоиз, Белоруссияда - 54,6 фоиз, Қозоғистонда эса 75,4 фоизга тенг бўлди. Ўзбекистон иқтисодиёти 1997-2003 йиллар давомида йилига 3,8-5,2 фоиз ўсиш даражасида ўртача суръатлар билан ривожланди. Қулай ишчан муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларининг натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2004 йилдан эътиборан йилига 7-9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади.

Харид қобилияти паритети (ХҚП) бўйича ЯИМ 2010 йилда 1990 йилга нисбатан 3,4 баробар, яъни 27,1 миллиард АҚШ долларидан 92,3 миллиард АҚШ долларига ошди. қулай ишчан муҳитнинг яратилиши, инвестициялар оқимининг кучайиши нафақат иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш, балки иқтисодиёт таркибида муҳим сифат ўзгаришларининг юз беришини ҳам таъминлади. Хусусан, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш бўйича амалга оширилган сиёсатнинг натижаси сифатида 2000-2010 йилларда қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 30,1 фоиздан 17,5 фоизга камайиб, саноатнинг улуши 14,2 фоиздан 24 фоизга, хизматлар улуши эса 37 фоиздан 49 фоизга ўсди.

### **Минтақаларга инвестициялари жалб қилишнинг асосий тамойиллари ва йўллари.**

Инвестиция сиёсатини амалга ошириш механизми ўз йўналишидаги турли каналларни ҳаракатга келтиради ва рағбатлантириб, бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишда амал қилади. Бунда аввало, капитал ҳаракатини тўғридан-тўғри бошқариш тизимини ўзлаштириш зарур. Масалан, марказлаштирилган капитал қўйилмаларнинг тақдим этилиши, одатда, кўпроқ истисно бўлиб қолиши керак. Шунингдек инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги ва уларнинг тузилмавий сиёсатга мувофиқлиги марказлаштирилган капитал қўйилмалар ажратишнинг асосий мезони бўлиб қолиши зарур.

Бозор муносабатлари шароитида капитал ва айниқса унинг марказлашган манбалари учун энг муҳим иқтисодий дастак кредит тизимидир. Кредит тизими механизми кредит активлари дефорсацияси, кредит ҳажм ва фоизларининг пасайиш томон ўзгариши, уларни танлов асосида тақдим этиш тизими орқали ҳаракатга келади. Ссуда фоизи ставкалари ва шарт бўлган банк резервлари меъёрининг бошқарилиши инфляция даражаси, нархлар динамикаси, миллий валюта курси, капитал ва маҳсулот экспорти ҳамда импортига таъсир этади.

Минтақалар ривожланишида ўзига хос ўрин тутувчи молиялаштиришнинг турли манбалари мавжуд. Уларни куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: давлат бюджети маблағлари; корхоналарнинг ўз маблағлари; аҳоли маблағлари; хорижий инвестициялар; бюджетлардан ташқари фондларнинг маблағлари ва ҳоказолар.

Бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётимиз учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи минтақа объектлари молиялаштирилади, хусусий молиялаштириш кенгайиб, хусусий сектор ривожланган сари давлат бюджети маблағлари ҳисобига инвестициялаш ортиб боради. Бундай ҳолларда бозор иқтисодиётига ўтиб бораётган давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам давлат бюджети томонидан тиббиёт, фан ва

маданият, маориф ва бошқа ижтимоий соҳалар лойиҳалари молиялаштирилади ҳамда бу мақсадга мувофиқдир.

Корхона ва ташкилотларнинг хусусий маблағлари инвестиция захиралари шаклланишида асосий манбага айланиб қолмоқда. Аммо уларнинг молиявий ҳолати асосан кескин ёмонлашмоқда. Бу рентабелликнинг пасайиши ва зарар билан ишлаётган корхоналар улуши энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳаларида кўпайишига олиб келмоқда. Шунингдек ҳозирга қадар амал қилган солиқ тизими ҳам корхоналарнинг инвестиция имкониятларига путур йетказди. Фойданинг камайиши, корхоналарнинг инвестицияларга йўналтириш мумкин бўлган хусусий маблағларини камайтирибгина қолмай, балки рентабеллик даражаси ва ҳақиқий фоиз ставкаси ўртасидаги ўзаро нисбатни ёмонлаштириб, ишлаб чиқарувчиларнинг қарз маблағларини жалб этиш имкониятларига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Эслатиб ўтиш жоизки, ишлаб чиқаришда қўйилмалар самарадорлиги билан депозитлар бўйича ставкалар ўртасидаги охириги фойда айирмасининг ортиш салоҳияти инвесторларнинг ишлаб чиқаришга капиталлар қўйилмасини тўхтатиб турибди. Инвестициялар корхоналарнинг кучли манбаси бўлиши амортизация фоизига путур йетказмоқда. Амортизацияга чиқарилган суммалар инвестиция жамғармаларига нисбатан ҳамма манбалар ҳисобига камаймоқда. Натижада улар нафақат асосий фондларни юқори техник даражада янгилаш, балки сарфланаётган фондларни шунчаки алмаштириш учун ҳам етарли бўлмаяпти.

Бунинг сабаби узоқ вақт мобайнида асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш ва амортизациянинг эскириб қолган меъёри қўлланиб келинганлигидир. Амортизация таннарини ошириш сабабли корхоналар фондлар қиймати билан қиёсланганда амортизацияга чиқарилган суммалар ва маҳсулотлар нархини пасайтиради. Капитал қўйилмаларини молиялаштириш учун давлат бюджети харажатлари тегишли объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобига камайтиради. Аммо хусусийлаштирилган кўпгина корхоналарда ҳам худди давлат тасарруфидаги корхоналардаги каби молия маблағлари сурункали йетишмайди.

### **Минтақаларни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришда инновацион шарт-шароитлар.**

Ўзбекистон ва унинг минтақаларида вужудга келган иқтисодий шароитларнинг инновация жараёнлари ўз-ўзини фаоллаштириш учун тўлиқ заминга эга эмас. Ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш учун иқтисодий механизм яратилмаган, ишлаб чиқариш сектори учун инвестиция захираларини тўплаш механизми ҳам мавжуд эмас, шунингдек капиталнинг тармоқлараро айланишини ташкил эта оладиган инвестиция институтлари шаклланмаган. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистондаги инновация жараёнини жонлаштиришга қодир инвестиция сиёсатини амалга ошириш механизмини яратиш заруратини келтириб чиқаради.

Иқтисодиётни жадаллаштириш шароитларида мазкур механизм бир неча блокни ўз ичига олиши керак:

марказлаштирилган капитал қўйилмаларни (давлат ва маҳаллий бюджетлардан) оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланишга ёрдам берадиган иқтисодий воситалар ва ташкилий чоралар;

инвестиция фаолиятининг молиявий негизини минтақавий даражада мустаҳкамлашнинг иқтисодий механизми;

корхона ва ташкилотлар хусусий жамғармалари ўсишига кўмаклашадиган иқтисодий усуллар;

хусусий тадбиркорлар инвестицион фаоллигини рағбатлантиришнинг иқтисодий механизми;

аҳоли жамғармаларини иқтисодиётни инвестициялаш мақсадларига жалб этиш қуроллари;

тўғридан-тўғри ва заёмли хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича чоралар.

**Худудларни инновацион стратегиясини аниқлаш услуги. Худудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг инновацион шарт-шароитлари.**

Агар макродаражалар ва макродаражалар инновацияга нисбатан кўриб чиқилса, унда минтақа шахсий манфаатларига эга бўлади. Шундай қилиб, минтақавий стратегиянинг қўлланиш ва амалга ошириш зарурлиги жиҳатидан мувофиқлаштирувчи тўрт асосий омилни ажратиш мумкин:

- макроинновация минтақавий стратегияларининг нуқтаи назарлари;
- минтақавий ривожлантиришнинг давлат сиёсати;
- минтақалар ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ва илмий мақсадлари;
- корхоналарнинг микро-инновация стратегияси.

Минтақавий инновация стратегиясининг ташкилий таъминотидан фойдаланиши. Минтақавий инновация стратегияси макро ва макродаражада шакллانганлиги муносабати билан ташкилий тузилмалар томонидан бу стратегияларни шакллантириш жараёнининг бошқарилиши ҳам шу даражаларда бўлиши лозим.

**Минтақавий инновация стратегияси**

Минтақавий стратегиянинг номланиши	Стратегия тартиби
<b>Минтақавий стратегия</b>	
Ўз-ўзини таъминлаш	Бошқа минтақалардан товар келтириш билан боғлиқликни камайтириш
Мобилизация	Ўзининг интеллектуал ишлаб чиқариши ва хомашё ресурсларини ишга солиш ҳисобига ривожланишни таъминлаш
Ташқи ресурсларни жалб этиш	Ривожланишни интеллектуал ҳамда бошқа тур ресурслар ёрдамида ва бошқа минтақалардаги ресурслар ҳисобига таъминлашга интилиш
Мавжуд имкониятлардан фойдаланиш	Ривожланишни ўз минтақаларидаги мавжуд ҳолат ва ресурслардан фойдаланиш ҳисобига таъминлаш
<b>Худудни ривожлантиришнинг давлат макростратегияси</b>	
Танланган устувор ривожланиш	Айрим устувор минтақаларда азалдан юксак ривожланиш даражасига эга давлат ресурсларининг концентрацияланганлиги
Бир меъёردаги ривожланиш	Минтақалар даражаларини зарурий ресурсларни йўналтириш ҳисобига тенглаштириш
Ресурсларни мутаносиб тақсимлаш	Ресурсларни алоҳида минтақалар орасида мутаносиб ишланган параметрлар бўйича тақсимлаш
<b>Макроинновация стратегиясининг худудий жиҳатлари</b>	
Концентрация	Макроинновация стратегиясини юқори ривожланган минтақаларнинг чегараланган доирадаги потенциалдан фойдаланилган ҳолда амалга оширишга интилиш
Локализация	Макроинновация стратегиясининг имкон бўйича минтақаларнинг потенциалини жалб этиш ва ривожланиш ҳисобига амалга ошириш

## **16-МАВЗУ. МИНТАҚАЛАРДА ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК**

### **Атроф – муҳитни муҳофаза қилиш. Атмосферани муҳофаза қилиш. Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш.**

Жами чиқиндиларнинг 51,9 % углерод оксид, 16,0 % - олтингугурт диоксида, 17,9 % - углеводородлар, 8,9 % - окидли азоти, 6,1 % - қаттиқ чиқиндилар ва 0,2 % - бошқа турли зарарли чиқиндилар ҳисобига тўғри келади. Стационар манбалар чиқиндилари орасида олтингугурт диоксида, углеводородлар, қаттиқ чиқиндилар, ҳаракатланувчи манбалар орасида эса углерод оксиди ва углеводородларнинг улуши катта.

2009 йил январь ҳолатига корхоналарнинг кредиторлик қарзларини реструктуризациялаш ва бюджет, бюджетдан ташқари фондларга электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар бўйича пеняларни

ҳисобдан ўчириш

Қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш мuddатини қисқартириш

30 кундан  
20 кунгача

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармояли корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари мuddатини узайтириш


2012 йилгача

Ўз вақтида валюта тушумлари келиб тушмаганлиги учун жарима чоралари ҳисобланадиган мuddатни узайтириш

30 кундан  
60 кунгача

12

Ташқи савдо айланишининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш



27

#### 4. Минтақанинг экспорт-импорт балансини таҳлили ва такомиллаштириш йўллари.

Ташқи бозорни тадқиқ қилиш Ўзбекистон Республикаси корхоналарининг хорижий бозордаги стратегик линиясини ишлаб чиқиш учун, айниқса, янги товарларни ишлаб чиқариш ва уларни бозорларга киритишда ҳаммадан ҳам зарурроқ масаладир.

Бозорни батафсил ўрганиш уни истеъмолчилар гуруҳлари ва товарларнинг истеъмол хусусиятларига мувофиқ сегментлашни талаб қилади.

Хорижий тажриба  
кўрсатадики,

энг мувофиқ  
сигмент

ушбу бозорнинг  
тахминан 20 фоиз  
харидорлари фирма  
тақдим қилган товар  
ҳажмининг 80  
фоизини харид  
қилганлари  
ҳисобланади

Товар билан боғлиқ бўлган масала уни олдиндан аниқланган бўлажак  
харидорларнинг айрим гуруҳларига аниқ мўлжаллаб  
лойиҳалаштиришнинг зарурлигидир.

Масалан

у тор гуруҳ Бельгиядаги 15 – 17  
ёшли ўсмирлар

ёки кенг –Германия бозоридаги кам  
ёқилғи сарфлайдиган автомобиллар  
ва ҳоказолар бўлиши мумкин.



## O'zbekistonning jahon bozoriga chiqish bo'yicha muqobil yo'lak(koridor)lari

Yo'nalish porti	Transport turi	Tranzit mamlakatlari	Bazorlar
Riga porti Latviya	Temir yo'l	Qozog'iston, Rossiya, Latviya	Bo'liqbo'yi mamlakatlari, Shimoliy Yevropa, Janubiy va Shimoliy Amerika
Dniprovi port Ukraina	Temir yo'l	Qozog'iston, Rossiya, Ukraina	Janubiy Yevropa, Uzoq Sharq Janubiy va Shimoliy Amerika
Sankt-Peterburg Rossiya	Temir yo'l	Qozog'iston, Rossiya	Bo'liqbo'yi mamlakatlari, Shimoliy Yevropa, Janubiy va Shimoliy Amerika
Brestom, Belorussiya	Temir yo'l	Qozog'iston, Rossiya	Sharqiy va G'arbiy-Yevropa
Drujba	Temir yo'l	Qozog'iston	Xitoy, Janubiy-sharqiy Osiyo
Petrovsk-Zabaykalsk Rossiya	Temir yo'l	Qozog'iston, Rossiya	Xitoy, Janubiy-sharqiy Osiyo va Yaponiya
Naxodka porti Rossiya	Temir yo'l	Qozog'iston, Rossiya	Xitoy, Janubiy Sharqiy Osiyo, Yaponiya, Shimoliy va Janubiy Amerika
Poti porti Gruziya	Temir yo'l parom, avtotransit	Turkmaniston, Ozorbayjon, Gruziya	Janubiy Yevropa, Uzoq Sharq, Janubiy va Shimoliy Amerika
Miyerzin Bandar-Abbas portlari Eron	Avtomobil	Turkmaniston, Eron yoki Afg'oniston, Eron	Uzoq Sharq, (Hindiston va Pokistonga ham), Janubiy Amerika
Miyerzin Bandar-Abbas Eron	Temir yo'l	Turkmaniston, Eron yoki Afg'oniston, Eron	Uzoq Sharq, Hindiston, Pokiston, Janubiy Amerika

## 13-мавзу. МИНТАҚАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

## Режа:


1. Минтақаларни тартибга солишнинг мақсади ва воситалари
2. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг назарий ва услубий асослари.
3. Ҳудудий ўсиш назариялари, уни таҳлил этиш масалалари.
4. Ҳудудлар иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг мақсад ва воситалари

### 1. Минтақаларни тартибга солишнинг мақсади ва воситалари

Давлат Ҳудудий сиёсатининг асосий мақсадларига қуйидагилар киради:

- мамлакатда Ҳудудий сиёсатнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратиш;
- Ҳудудларнинг иқтисодий имкониятларидан қаъти назар, ягона минимал ижтимоий стандартларни ва тенг ижтимоий ҳимояни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш;
- Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун шарт-шароитларни тенглаштириш;
- атроф 1 – I муҳит ифлосланишини тўхтатиш ҳамда унинг ифлосланиши оқибатларини йўқотиш, Ҳудудларни комплекс экологик ҳимоя қилиш;
- ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга ҳудудларни устувор ривожлантириш;
- Ҳудудларнинг табиий - иқлим хусусиятларидан тўлиқ фойдаланиш;





Ҳаёт сифатининг яхшиланиши, хусусан, камбағал мамлакатларда, энг аввало, даромадлар кўпайиши ва фақат бугина эмас, балки, яхшироқ таълим олиш, овқатланиш ва соғлиқни сақлаш имкониятлари тенглигини, шахсий эркинликни кенгайтириш ва бой маданий ҳаётни кўзда тутади»

Ҳаёт сифатининг яхшиланиши биринчи навбатда барча аҳоли даромадларининг ўсишига – мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача пул даромадларининг ўсишига боғлиқ қилиб қўйилади.

## 2. Mintaqalarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning nazariy va uslubiy asoslari.

Xududiy siyosat nazariyalari xududlar iqtisodiy rivojlanishining davlat tomonidan tartibga solish yo'nalishlarini shakllantiradi.

Xududiy o'sish nazariyalarini ko'rib chiqishda ikki xil asosiy yondashuv mavjud.

Birinchisi

xududlarda iqtisodiy o'sish modellarini qo'llash. Bunday modellarni mamlakat iqtisodiyotining o'sishini izohlash uchun ishlab chiqilgan modellarga o'xshatish mumkin

Ikkinchisi

alohida korxonalar va firmalarning xatti-harakatlarini tahlil etishga asoslanga.

### 3. Худудий ўсиш назариялари, уни таҳлил этиш масалалари.



Худудий ўсиш назарияларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга ишлаб чиқариш функциясига асосланган неоклассик назариялар, иккинчисига неокейнсчилар, институционаллар ва иқтисодчи – географияшунослар моделларининг синтези бўлган кумулятив ўсиш назариялари киради (аниқроқ қилиб айтганда эса, биринчи бўлиб кумулятив ўсиш моделини институционалистар таклиф этишган, сўнг уни иқтисодчи-географияшунослар ривожлантиришган, неокейнсчилар эса Худудий сиёсат тадбирларини амалга оширишда унга таянишган).

#### 4. Худудлар иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг мақсад ва воситалари

Худудий иқтисодий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш

«пионерлари»

А.Леш

С.Деннисон

С.Деннисон

Урушдан олдинги Буюк Британия учун жиддий муаммо бўлган депрессив Ҳудудларни тартибга солишни кўриб чиққан. У асосий эътиборини саноат инвестициялари географиясига бевосита усуллар ёрдамида таъсир этишга қаратган. Бу усуллар саноатга янги капитал қўйилмаларини жойлаштириш устидан марказлашган назоратни ўрнатиш билан боғлиқ бўлган.

А.Леш

У конкрет Ҳудудларда табиий жараёнларнинг кечишини енгилаштирувчи чоратадбирлардан танлаб фойдаланишни таклиф этган; ишлаб чиқаришни кўчириш, рақобатни рағбатлантириш учун имтиёзли шароитлар яратиш тарафдори бўлган. Ҳамда инвестиция киритишнинг энг яхши йўналишлари ҳақида ахборот берувчи марказий бюро яратишни таклиф қилган.

Ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа объектларини ривожлантиришда давлатнинг тўғридан-тўғри иштироки манзилли тартибга солиш йўлларида бири сифатида намоён бўлади.

Масалан, мамлакатда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни келтириш мумкин.



## 14 – мавзу. МИНТАҚАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ИМКОНИАТЛАРИ

### РЕЖА:

- ▶ 1. Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши
- ▶ 2. Ҳудудларнинг иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш хусусиятлари ва имкониятлари
- ▶ 3. Минтақаларда кичик тадбиркорликни ривожлантиришни кенгайтириш йўллари.
- ▶ 4. Кичик тадбиркорликни кенг ривожлантириш йўллари, кичик бизнеснинг мамлакат ривожланишидаги аҳамияти.

# 1. Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши



1990-2010 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръати ва унинг харид қобилияти паритети бўйича ҳажми



## 2. Ҳудудларнинг иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш хусусиятлари ва имкониятлари



Value	Change
3,006.62	30.97 ▲
2,649.71	33.35 ▲
807.90	2.93 ▲
10,744.54	96.83 ▲
1,367.40	13.7 ▲

◆ «Очиқ эшиклар» сиёсати

◆ Қулай инвестиция муҳити

◆ Имтиёз ва афзалликлар тизим

◆ Мустақиллик йилларида Республикамизга **33,6 млрд. АҚШ долларидан зиёд** хорижий инвестициялар жалб этилган.





Ички инвестициялардан фойдаланиш самардорлигини ошириш

Тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабни таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш.

Аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қimmatли қogozлар бозорини янада ривожлантириш, турли қimmatли қogozларни муомалага чиқариш.

Ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қoплайдиган инвестицион лoйиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш.


Инвестицион лoйиҳаларни молиялаштиришнинг нoкредит усулларидан бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш.

Инвестицион лoйиҳаларни сифатини ошириш, лoйиҳаларни капитал қўйилмалар самардорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лoйиҳалар кўргазмасини ташкил қилишдан иборат.


30

Дунёдаги кўплаб ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларнинг, аввало, ўзимизнинг ўтган йиллар мобайнида тўплаган тажрибамиз бир ҳақиқатни тасдиқламоқда, биринчи галда, биз учун энг ўткир бўлиб турган аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишда ўзига хос локомотив вазифасини бажарадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида биз танлаган сиёсатнинг мутлақо тўғри ва узоқни кўзлаган ҳолда олиб борилаётганини такрор ва такрор исботламоқда.

4. Кичик тадбиркорликни кенг ривожлантириш йўллари, кичик бизнеснинг мамлакат ривожланишидаги аҳамияти.



бу ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муайян тарихий чегарасида сифат ва миқдор жиҳатидан ўзига хос мақсадли дастурдир




бу муаммога нисбатан кўпроқ даражада аниқлик кирита олади.

Миқдорий мезонлар гуруҳи. Бу гуруҳдаги кўрсаткичларнинг умумий белгиси



Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни белгилаб, унинг қайсидир бир жиҳатига миқдорий аҳамият бахш этиш ҳисобланади.





Бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланилувчи корхонада тўпланган меҳнат воситалари ва иш кучининг миқдорини акс эттиради.



Корхона кўламини белгилашда унда банд бўлган ходимлар сони асосий кўрсаткич бўлиб, умумий халқаро мезон ҳисобланади. Бу кўрсаткич амалиётда қўллаш учун жуда қулайдир

# 15-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

## Режа:


1. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси.

2. Минтақаларга инвестициялари жалб қилишнинг асосий тамойиллари ва йўллари.

3. Минтақаларни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришда инновацион шарт-шароитлар.

4. Худудларни нновацион стратегиясини аниқлаш услуги. Худудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг инновацион шарт-шароитлари.


# 1. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси.




## Минтақавий инновацион стратегия

Минтақавий стратегиянинг ноллангани	Стратегия-гармийи:
Минтақавий стратегия	
Ўз-ўзини таъминлаш	Бошқа минтақалардан товар келтириш билан боғлиқликни камайитириш
Мобилизация	Ўзининг интеллектуал ишлаб чиқариши ва ҳам ашё ресурсларини ишга солиш ҳисобига ривожланишни таъминлаш
Ташқи ресурсларни жалб қилиш	Ривожланишни интеллектуал ҳамда бошқа тур ресурслар ёрдамида ва бошқа минтақалардаги ресурслар ҳисобига таъминлашга интилиш
Мавжуд имкониятлардан фойдаланиш	Ривожланишни ўз минтақаларидаги мавжуд ҳолат ва ресурслардан фойдаланиш ҳисобига таъминлаш
Худудни ривожлантиришнинг давлат макростратегияси	
Танланган устувор ривожланиш	Айрим устувор эминтақаларда азандан юксак ривожланиш даражасига эга бўлган давлат ресурсларининг концентрацияланганлиги
Бир меъёрдаги ривожланиш	Минтақаларнинг даражаларини зарурий ресурсларни йўналтириш ҳисобига тенглаштириш
Ресурсларни мутаносиб тақсимлаш	Ресурсларни алоҳида минтақалар орасида мутаносиб ишланган параметрлар бўйича тақсимлаш
Макроинновацион стратегиянинг худудий жиқатлари	
Концентрация	Макроинновация стратегиясини юзори ривожланган минтақаларнинг чегараланган доирадаги потенциалидан фойдаланилган ҳолда амалга оширишга интилиш
Локализация	Макроинновация стратегиясининг ижон бўйича минтақаларнинг потенциалини жалб қилиш ва ривожланиш

Хусусий миллий капиталнинг инвестицион фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган солиқ имтиёзлари тизимининг ривожланишида қуйидагиларни кўзда тутиш керак:



## ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ



7



## 2. Минтақаларга инвестициялари жалб қилишнинг асосий тамойиллари ва йўллари.

1	• ҲАМЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР МИҚДОРИ (2010 ЙИЛГА НИСБАТАН 11,2%ГА КЎП);	10,8 млрд. долл.
2	• БУ ЯИМнинг ҚАРИЙБ	23,9 % ни ташкил этди
3	• УШБУ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН УЛУШИ	73,5% ни
4	• ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ҲАЖМИ	2,4 млрд. \$ ташкил этди
5	• ШУНДАН: ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР МИҚДОРИ ЭСА	78,8 фоизни ташкил этди
6	• МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЧКИ МАНБАЛАРИ ҲИСОБИДАН – ҚОРХОНАЛАР ВА АҲОЛИ МАБЛАҒЛАРИ ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ТОБОРА ҲАМ ИШИТРОК ЭТАЁТГАН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАР МАБЛАҒЛАРИ ЖАМИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ	73 % дан ортигини таш.эт.

### 2011 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЙИРИК ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР

САМАРҚАНД ВЕЛОЯТИДА “МАН” ЮҚ ТАШИШ МАШИНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БУЙИЧА ЯНГИ МАЖМУАНИНГ ДИЛЕРЛИК МАРКАЗИНИ БУНЁД ЭТИШ ИШЛАРИ ЯҚУНИГА БТКАЗИЛДИ

“ЖЕНЕРАЛ МОТОРС ПАВЕРТРЕЙН ЎЗБЕКИСТОН” Қўшма Корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди

ТОШКЕНТ – САМАРҚАНД Йўналишида мазкур икки шаҳар ўртасидаги 344 километр масофани атиги 2 соатда босиб ўтадиган, юқори тезликда ҳаракат қиладиган “ТАЛГО-250” йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди

“ЗЕНИТ ЭЛЕКТРОНИКС” Қўшма Корхонасида “САМСУНГ” КИР ЮВИШ МАШИНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМЛАШТИРИЛДИ. АЙНИ ПАЙТДА МАЙШИЙ ГАЗ ПЛИТАЛАРИ, КОНДИЦИОНЕРЛАР, ЭЛЕКТР ПИЛЕСОСЛАР ВА БИР ҚАНЧА БОШҚА МАХСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ Йўлга қўйилди





Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистондаги инновацион жараённи жонлаштиришга қодир инвестиция сиёсатини амалга ошириш механизмини яратишни заруратини келтириб чиқаради.

Иқтисодийтни жадаллаштириш шaroитларида мазкур механизм бир неча блокни ўз ичига олиши керак:

• марказлаштирилган капитал қўйилмаларни (давлат ва маҳаллий бюджетлардан) оқилона тақсимлашга ва улардан самарали фойдаланишга ёрдам берадиган иқтисодий воситалар ва ташкилий чоралар;


• инвестиция фаолиятининг молиявий базасини минтакавий даражада мустаҳкамлашнинг иқтисодий механизми;

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистондаги инновацион жараённи жонлаштиришга қодир инвестиция сиёсатини амалга ошириш механизмини яратишни заруратини келтириб чиқаради.

Иқтисодийтни жадаллаштириш шaroитларида мазкур механизм бир неча блокни ўз ичига олиши керак:

• марказлаштирилган капитал қўйилмаларни (давлат ва маҳаллий бюджетлардан) оқилона тақсимлашга ва улардан самарали фойдаланишга ёрдам берадиган иқтисодий воситалар ва ташкилий чоралар;

• инвестиция фаолиятининг молиявий базасини минтакавий даражада мустаҳкамлашнинг иқтисодий механизми;

- 
- корхона ва ташкилотларнинг хусусий жамғармалари ўсишига кўмаклашадиган иқтисодий усуллар;
  - хусусий тадбиркорлар инвестицион фаоллигини рағбатлантиришнинг иқтисодий механизми;
  - аҳоли жамғармаларини иқтисодиётни инвестициялаш мақсадларига жалб этиш қуроллари;
  - тўғридан-тўғри ва заёмли чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича чоралар.

**16-мавзу. МИНТАҚАЛАРДА  
АТРОФ МУҲИТНИ МУХОФАЗА  
ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН  
ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ  
БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК**

## Режа:

1. Атроф – муҳитни муҳофаза қилиш. Атмосферани муҳофаза қилиш. Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш.


2. Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш йўллари.

3. Стационар манбалардан чиқадиган чиқиндилар. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ҳаракатланувчи манбаларнинг таъсири.


1. Атроф – муҳитни муҳофаза қилиш. Атмосферани муҳофаза қилиш. Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш.



### Жами чиқиндиларнинг



Саноат марказларидаги атмосфера ифлосланиш индекси (АИИ) нинг ўзгариш динамикаси атмосфера ҳавоси сифатининг яхшиланиш тенденцияси мавжудлигини кўрсатади.



## 2. Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш йўллари.

Мамлакатимиз минтақаларида саноатнинг бақарор ривожланишини таъминлаш қатор иқтисодий, ташкилий ва экологик муаммолар ечимини ҳал этишга боғлиқ:

минтақаларининг табиий ва меҳнат ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

саноатнинг замонавий таркибини шакллантириш, ташқи ва ички бозорда рақобатбардошлигини ошириш



эски корхоналарни янги техника ва технологиялар билан жиҳозлашни, янги замонавий корхоналар қурилишини жадаллаштириш,

ички тармоқ ва тармоқларора кооперация ва касаначиликни ривожлантириш

саноат тармоқларининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш;





- хом ашё ва энергия сиғимини камайтириш;




- маҳсулотларнинг янги рақобатбардош, экспортбop турларини кўпайтириш;




- экологик ноқулай минтақаларда атроф муҳит муҳофазаси соҳасида қатор тадбирларни амалга ошириб боришни тақоза қилади.

### 3. Стационар манбалардан чиқадиган чиқиндилар. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ҳаракатланувчи манбаларнинг таъсири.




3. Стационар манбалардан чиқадиган чиқиндилар.  
Атмосфера ҳавосининг ифлосланишига  
ҳаракатланувчи манбаларнинг таъсири.



Чиқиндилар асосан қуйидаги вилоятларга тўғри келади:





## Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар

<https://www.youtube.com/watch?v=mF2CsUcwFrw> Michael Porter: "Reshaping Regional Economic Development: Clusters and Regional Strategy"

<https://www.youtube.com/watch?v=jUI4Bp7EY7M> International Business Regional Economic Integration Outlook for the European Union

<https://www.youtube.com/watch?v=d1CMn7uVoOQ> Региональная экономика. Ильина И.Н., Леонард К.С., Лопатников Д.Л., Хорева О.Б

<https://www.youtube.com/watch?v=4NWSxnAc9h0> ИНТЕРВЬЮ: эксперт в региональной экономике Наталья Зубаревич

<https://www.youtube.com/watch?v=K72XTXGzob4> Can Inclusive Economic Development Build Better Jobs and a Stronger Regional Economy?

<https://www.youtube.com/watch?v=bv-uNNkE39I> Fiscal & Monetary Policy Review- AP Macroeconomics

<https://www.youtube.com/watch?v=ntxMOKXHifo> Aggregate demand and aggregate supply | Macroeconomics | Khan Academy

<https://www.youtube.com/watch?v=a2wjwJ7qCOQ> Macroeconomic Objectives and Policies.

<https://www.youtube.com/watch?v=cE-2ThnyxUg> Macroeconomic policy and management

<https://www.youtube.com/watch?v=otmgFQHbaDo> Fiscal Policy and Stimulus: Crash Course Economics

<https://www.youtube.com/watch?v=CNvKmlvacNk> macroeconomic goals of government

---

**ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРҲИ**

---



## ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРҲИ

### 1. Маъруза машғулотларнинг ташкил этишнинг асосий шакллари

Маъруза машғулоти – ОЎЮда ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланади, билимларни бирламчи эгаллашга йўналтирилган.

Маърузани асосий белгиланиши – ўқитишни назарий асосини таъминлаб бериш, ўқув фаолиятга ва аниқ ўқув фанга қизиқишни ривожлантириш, курсантларга ўқув курси устидан мустақил ишлаш учун ориентирларни шакллантириш.

#### **Маъруза материалларининг мазмуни ва ҳажмига талаблар**

Маъруза материалларининг мазмуни қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- янгилик, илмийлик, асослилиқ ва ахборот учун белгиланганлик;
- аниқ, ишончли мисол, факт, асоснома ва илмий далилларнинг мавжудлиги;
- фактга асосланган (статистик ва в.х.) материалларни кўп эмаслиги.

Маъруза материалларининг ҳажми режалаштирилган мавзуни ёритиш учун етарли бўлиши керак.

#### **Маърузалар турлари вауларга хос хусусиятлар**

<b>Ўқув машғулотнинг мақсади</b>	<b>Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари</b>
<b>Кириш маърузаси</b>	
Фан доирасида ўқув ахборотини ўзлаштириш бўйича талабалар ҳаракатининг йўналтирувчи асосини таъминлаш.	Таълим бериш тузилишида мотивацион босқич ҳисобланади. Унинг вазифаси – ўқув фани мазмуни, унинг ўқув жараёнидаги ўрни ва келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятдаги ахамияти тўғрисида дастлабки тасаввурларни бериш, талабаларни ишлаш тизимида йўналтириш, олдинда турган мустақил ишнинг услубиёти ва ташкиллаштиралиши билан таништириш, ҳисобот бериш вақти ва баҳолашни аниқлаштириш.
<b>Ахборотли маъруза</b>	
Ўқув мавзу бўйича тасаввурни шакллантириш	Бу анъанавий маъруза тури: маъруза режасига мувофиқ ўқув материални монологик тарзда изчилликда баён этиш.
<b>Муаммоли маъруза</b>	
Муаммони белгилаш ва уни ечимини топишни ташкиллаштириш/анъанавий ва замонавий нуқтаи назарларни жамлаш ва таҳлил қилиш ва в.х. орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	Янги билимлар савол/вазифа/вазиятларнинг муаммолиги орқали киритилади. Бу жараёнда талабаларнинг билиши ўқитувчи билан ҳамкорлигига ва диалогига асосланади, ҳамда изланувчилик фаолиятига яқинлашади.
<b>Кўргазма маъруза</b>	
ЎТВдан кенг фойдаланиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	Бундай маърузани ўқиш, кўриб чиқиладиган кўргазмали материалларни очиб беришга ва қисқача шарҳлашга олиб келади.
<b>Бинар маъруза</b>	
Талабаларга мунозара маданиятини, муаммони ҳамкорликда ечишни намоиш этиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни	Бундай маърузани ўқиш икки ўқитувчи/2-мактабнинг илмий вакиллари/олим ва амалиётчи/ўқитувчи ва талабаларнинг диалогини ўзида намоён этади.

<b>Ўқув машғулотининг мақсади</b>	<b>Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари</b>
шакллантириш.	
<b>Анжуман-маъруза</b>	
Ўқув ахборотни излаш, танлаш ва баён этиш жараёнида талабаларнинг фаол иштирокларида ёритиб бериш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	Олдиндан белгиланган муаммо ва уни ҳар томонлама ёритиб бериш назарда тутилган маърузалар тизими (5-10 дақ. давомийлигида) билан, илмий-амалий машғулот кўринишида ўтказилади. Машғулот якунида ўқитувчи мустақил иш ва сўзга чиқишларга якун ясайди, ахборотни тўлдиради/аниқлик киритади, асосий хулосаларни ифодалайди.
<b>Умумлаштирувчи маъруза</b>	
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Маърузада баён этилаётган назарий ҳолатларнинг негизини курснинг ёки катта бўлимларнинг илмий-тушунчали ва концептуал асоси ташкил этади.
<b>Маслаҳатли-маъруза</b>	
Билимларни чуқурлаштириш, тизимлаштириш.	Турлича сценарий бўйича ўтиши мумкин. 1. “Савол-жавоблар”- ўқитувчи бўлим ёки тўлиқ курс бўйича талабалар саволларига жавоб беради. 2. “Савол-жавоблар-мунозаралар”: ўқитувчи нафақат саволларга жавоб беради, балки жавобларни излашни ҳам ташкиллаштиради.
<b>Яқуний маъруза</b>	
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Курсни ўрганишни яқунлайди, бутун давр мобайнида ўтилганларни умумлаштиради. Яқуний маърузада ўқитувчи курснинг асосий ғояларини ажратади, келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятда ва бошқа фанларни ўрганишда олган билимларни қандай қўллаш йўлларини кўрсатади, фан бўйича яқуний назорат хусусиятини тушунтиради, яқуний назорат вариантларининг мураккаб саволларини тушунтиради.

## 2. Амалий машғулотларни ташкил этишнинг асосий шакллари

Амалий машғулот:

- ўқувчиларни ўқитувчи билан ва ўзаро фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган,
- назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи,
- олинган билимларни амалий фойдаланиш имкониятларини муҳокама қилишга мўлжалланган машғулотининг ўқитиш шакли.

<b>Амалий машғулотининг мазмунига қўйиладиган талаблар</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• муҳокамага мунозарали саволлар олиб чиқилади;</li> <li>• муҳокама қилинувчи саволлар илм-фаннинг эришган замонавий ютуқлари томони билан кўриб чиқилади;</li> <li>• назария ва амалиётни узвий бирлиги очиб берилади;</li> <li>• муҳокама қилинувчи материалнинг талабаларнинг бўлғуси касбий фаолияти билан алоқаси таъминланади;</li> <li>• кўриб чиқилаётган материал адабиётда мавжуд эмас ёки материал, қисман баён этилган.</li> </ul>

### Амалий машғулотлар турлари ва уларга хос хусусиятлари

<b>Амалий машғулот тури</b>	<b>Амалий машғулот шакли, унинг ўзига хос хусусиятлари</b>
<b>Талабаларнинг назарий билимларини</b>	<b>Кенг қўламли суҳбат.</b> Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва

<p><b>тизимлаштириш/ тузилмага келтириш/ мустаҳкамлаш/ кенгайтириш:</b></p> <p>- методологик нуқтаи назаридан энг муҳим ва ўзига хос фан мавзуларининг яхши ўрганиш.</p> <p>- тушуниш ва ўзлаштириш учун мураккаб бўлган мавзу саволларини батафсил ўрганиш.</p> <p>- касбий тайёргарлик сифатини аниқловчи, алоҳида асосий бўлган мавзуларни батафсил ўрганиш.</p>	<p>қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига талабаларни тайёргарлигини назарда тутати. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар, сўзга чиқувчи талабаларни кучли ва кучсиз томонларига талбалар диққатларини қарата олиш, талабалар диққатти ва қизиқишини, иш жараёнида очиб берилаётган, янги томонларга ўша вақтни ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик талабаларни саволларни муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради. Кенг қўламли суҳбат баъзи саволлар бўйича алоҳида талабаларни аввалдан режалаштирилган қўшимча равишда сўзга чиқишларини истисно қилмайди, балки, тахмин қилади. Бироқ бундай маълумотлар муҳокама учун асос бўлмайди, балки муҳокама қилинган саволлар учун тўлдирувчи бўлади.</p> <p><b>Маъруза ва рефератлар муҳокамаси.</b></p> <p>Муҳокамага 12—15 дақиқа давомийлигидаги 2-3 маърузадан кўп бўлмаган маърузалар олиб чиқилади. Баъзида қўшимча маърузачи ва оппонентлар (муҳолифлар) белгиланади. Охирги чиқувчилар мазмунни қайтармаслик учун, маъруза матни билан танишадилар. Бироқ кўп ҳолларда, маърузачи ва оппонентлар, қўшимча маърузачилардан ташқари, ҳеч ким семинарга жиддий тайёрланмайди. Сўзга чиқувчиларни ўзлари ҳам фақат бир саволни ўрганадилар. Шу билан бирга, одатий семинар ишига “қуруқ назариялик” элементини киритиб, бундай машғулотлар талабаларда баъзи қизиқишларни уйғотади. Талабаларни ҳар бирини қўшимча маърузачи ёки оппонент сифатида тайёрланиб келишга ўргатиш жуда муҳим ҳисобланади. Рефератли маърузаларни якуний семинарда, унинг асосий саволлари аввалдан муҳокама қилиб бўлинган, катта бир мавзу бўйича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.</p> <p><b>Пресс-конференция.</b></p> <p>Қисқа сўзга чиқишдан сўнг биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир қатор талабаларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг ҳар бир талаба маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим. Савол ва жавоблар семинарнинг марказий қисмини ташкил этади. Қанча кўп жиддий тайёргарлик кўрилса, саволлар шунчалик чуқур ва маҳоратли берилади. Саволларга аввал маърузачи жавоб беради, сўнгра у ёки бошқалар бўйича истаган бир талаба ўз фикрини билдириши мумкин. Бундай ҳолатларда қўшимча маърузачилар, агарда шундайлар белгиланган бўлса, фаол бўладилар. Ўқитувчи ҳар бир муҳокама қилинаётган савол бўйича, ёки семинар якунида ўз хулосасини қилади.</p> <p><b>Ўзаро ўқиш.</b></p> <p>Тушуниш ва ўзлаштириш учун энг кўп мураккабликдаги саволларни ўрганиш асосий мақсадга эга бўлган, семинар.</p>
---	---

<p><i>Илм-фаннингалоҳида хусусий муаммоларини чуқурроқ ишлаб чиқиш.</i></p>	<p>Семинар мобайнида талабаларни ўзаро ўқишга йўналтириш муҳим ҳисобланади: ҳар кичик-гуруҳга мавзунинг бир саволи берилади, бу бўйича улар ишлайдилар ва бунга асос (эксперт варақлар – саволни ёритиш режаси, тайёрланган маълумотларни визуал тақдим этиш бўйича тавсиялар) берилади. Эксперт гуруҳларнинг иш натижалари тақдимотидан сўнг ўқитувчи хулосалар қилади.</p> <p><b>Юмолоқ (ёзма /оғзаки) стол.</b></p> <p>Ўтган мавзу бўйича билимларни чиқурлаштириш ва аниқлаштириш, бор билимларни сафарбар қилиш ва ҳар хил вазиятларда уларни қўллаш, ўз фикрларини қисқа ва асосланган ҳолда баён қилиш кўникмаларини ривожлантириш асосий мақсадга эга бўлган, семинар.</p> <p>Ҳар хил сценарийлар бўйича ўтказилиши мумкин.</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. «Ёзма юмолоқ стол» - талабанинг саволи / ечими топилиши керак бўлган ғоя ёзилган варақ, доира бўйича узатилади ва ҳар бир иштирокчи ўз мулоҳазаларини қўшади.</li> <li>2. «Оғзаки юмолоқ стол» - ҳар бир талаба қўйилган саволнинг жавобига ўз қўшимчаларини киритади / олдинги иштирокчи томонидан таклиф қилинган ғояни қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради.</li> </ol> <p><b>Спецсеминар.</b></p> <p>Бакалавриятнинг 4 курсида, магистратурада ўтказилади. Илмий мавзу бўйича ёш тадқиқотчиларни мулоқат мактабини ифодалайди. Спецсеминар вақтида талабаларнинг гуруҳларда ишлашга ва уни баҳолашга, илмий тадқиқотлар усулларидадан фойдаланишга интилишлари катта рол ўйнайди.</p> <p>Спецсеминарнинг якуний машғулотида ўқитувчи, қоидага кўра, семинарларни ва талабаларнинг илмий ишларини муҳокама қилинган муаммоларни келгусида тадқиқотлар қилиш истиқболларини ва талабаларни уларда иштирок этиш имкониятини очиб умумлаштиради.</p>
<p><b>Махсус (касбий) ва умумқув кўникма ва амалий малакаларни шакллантириш:</b></p> <p>- амалий муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш жараёнида харакатлар алгоритмини аниқлаш билан боғлиқ эгаллаган назарий билимларни амалий қўллаш.</p>	<p><b>Таълимий ўйин.</b></p> <p>Ўқитиш самарадорлигини унинг иштирокчиларини нафақат билимларни олиш жараёнига фаол жалб қилиш, балки уларни (ҳозир ва шу ерда) фойдаланиш орқали оширишга имкон беради; ўзгарувчан вазиятларда ўзини тутиш тактика кўникмаларини шаллантиради; вырабатывает динамику ролевого поведения; амалиёт имитациясини ифодалайди; аниқ кўникма ва малакаларни шакллантиришга ва ишлаб беришга қаратилган.</p> <p>Семинар натижавийлигини унинг ташкилий-услугий таъминоти белгилайди: ўйиннинг технологик харитасини ишлаб чиқиш; ўйин атрибутларини ва материаллар пакетини: вазият баёни, иштирокчилар учун йўриқномалар, персонажлар таърифи (агар ўйин ролли ёки ишбилармон бўлса)ёки вазиятли кўрсатмалар (агар ўйин моделлаштирувчи бўлса) тайёрлаш.</p> <p><b>Амалий топшириқларни бажариш.</b></p>

Амалий топшириқларнинг кўпчилиги кичик гуруҳлар таркибида бажарилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш → ўқув топшириқни бажариш бўйича йўриқнома билан танишиш → топшириқни бажариш → натижаларнинг оммавий тақдимоти → натижаларни умумлаштириш ва баҳолаш.

***Масалалар ечиш бўйича маишқ.***

Якка тартибда амалга оширилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш – масалани ечиш – натижаларни танлама тақдимоти - умумлаштириш.

***Муаммоли масалалар ва вазиятларни ечиш.***

Муаммоли масалалар ва вазиятларни ишлаб чиқиш жуда катта меҳнат талаб қилади. Лекин талабалар томонидан амалий касбий фаолиятдан олинган муаммоли масалаларни ечиш ва муаммоли вазиятларни кўриб таҳлил қилиш назарияни ҳақиқий амалиёт билан боғлашга имкон беради. Бу ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, талабаларга ўрганилаётган материални амалий фойдасини тушунишга ёрдам беради.

***Таълим берувчи амалий муаммоли вазиятларни (кейсларни) ечиш.***

Кейс (муаммоли вазиятдан фарқли равишда) талабаларни муаммони ифодалаш, муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш, уни мақсадга мувофиқ ечим вариантларини қидиришга йўналтирувчи ташкилотлар, инсонлар гуруҳи ёки алоҳида индивидларни ҳаётининг муайян шароитларини ёзма равишда тақдим этилган баёнини ўз ичига олади.

Кейсни ечиш жараёни қуйидаги босқичларини ўз ичига олиш муҳим:

- муаммони якка тартибда таҳлил қилиш ва ечиш,
- якка тартибда топилган ечимни биргаликда (кичик гуруҳларда) таҳлил қилиш, ўзаро мақбул ечим вариантини расмийлаштириш,
- гуруҳ ишини тақдимоти,
- муаммони ечиш усул ва воситаларининг энг мақбул вариантини жамоавий тарзда танлаш.

Фиклаш жараёни, муаммоли вазиятни ечиш жараёнида пайдо бўлинган, мустақил топилган далиллар ориентирларни, касбий бойликларни топишга ва мустақкамлаштиришга, келгуси касбий фаолияти билан алоқани англашга кўмаклашади.

***Ўқув лойиҳаларнинг тақдимоти ва баҳоланиши***

Ушбу ўқув машғулотини тайёрлашда ўқитувчининг роли қуйидагилардан иборат: лойиҳа топшириғини ишлаб чиқиш; талабаларга маълумотларни излашда ёрдам бериш; ўзи ахборот манбаи бўлиши; бутун жараённи мувофиқлаштири; иштирокчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; узлуксиз қайта алоқани амалга ошириш; маслаҳат бериш.

Ушбу ўқув машғулотида гуруҳлар ўз фаолиятининг натижалари тўғрисида маъруза қилишади ва уни



	<p>белгиланган шаклда тақдим этишади (лойиҳавий фаолиятнинг натижаларини, ҳамда лойиҳа махсулотини тасвирий ва оғзаки тақдимот кўринишида).</p> <p>Ўқитувчи гуруҳларнинг ўзаро баҳоланишини ташкиллаштиради ва лойиҳа иштирокчининг фаолиятини баҳолайди.</p>
<p><b>Талабаларни назарий ва амалий тайёргарлик даражасини назорат қилиш ва баҳолаш</b></p>	<p><b>Коллоквиум.</b></p> <p>Ўқитувчининг талабалар билан коллоквиумлари (суҳбатлашуви) одатда курснинг у ёки бу мавзуси бўйича билимларини аниқлаш, уни чуқурлаштириш мақсадида олиб боради. У кўпинча 1) дастурда кўзда тутилмаган, лекин талабаларда қизиқиш уйғотган қўшимча мавзулар бўйича; 2) фаннинг алоҳида мураккаб, лекин талабалар томонидан етарли даражада ўзлаштирилмаган мавзулари бўйича қўшимча дарслар мобайнида; 3) охириги семинар машғулотларида жавоб берамаган талабаларни бириш даражасини аниқлаш учун.</p> <p>Семинар-коллоквиум мобайнида маъруза, реферат ва бошқ. Ёзма ишлар текширилиши мумкин.</p> <p><b>Ёзма (назорат) иш.</b></p> <p>Талабалар назорат саволларига жавоб берадилар/ тестларни ечадилар/ назорат топшириқларини бажарадилар. Уларнинг тўпламини тўғри тузиш муҳим ҳисобланади: улар режалаштирилаётган ўқув материални ўзлаштириш даражасига мос келишлиги керак ва уларни текширишни таъминлаши керак.</p>

### 3. Маъруза ва амалий машғулотларда қўлланиладиган педагогик технологиялар

#### АҚЛИЙ ҲУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтиришда қўлланиладиган метод.

☞Метод чегараланган вақт оралиғи ичида аниқ муаммо (савол, масала)ни ечишнинг ноанъанавий йўллари излаш бўйича ўқувчиларни ақлий фаолиятини йўналтиришга асосланган.


☞Ўқув машғулотидаги ақлий ҳужум учун муаммони танлаш куйидаги тамойиллар бўйича амалга оширилади:

- танланган муаммо назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши ҳамда ўқувчиларда фаол қизиқиш уйғотиши керак;

- кўп ҳар хил маънодаги ечим вариантларига эга бўлиши керак.

Ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишда ақлий ҳужум методи ўқув машғулотининг бир лавҳаси ёки бутун машғулотни ўтказиш асоси сифатида режалаштирилган бўлиши мумкин.

Ақлий ҳужум методининг технологик чизмаси 1-расмда келтирилган.



Ақлий ҳужум методининг технологик чизмаси

### **ИНСЕРТ ТЕХНИКАСИ**

ИНСЕРТ (инглизча сўздан олинган бўлиб - **INSERT** – Interaktive- интерфаол Noting – белгилаш System - тизим for-учун **E**ffective – самарали **R**eading – ўқиш and– ва **T**hinking – фикрлаш деган маънони англатади).

1) Самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилар қўйишнинг интерфаол тизими ҳисобланади.

Матнни белгилаш тизими:

(√) - менинг билганимни тасдиқловчи ахборот;

(+) – мен учун янги ахборот;

(-) - менинг билганларимга, зид ахборот;

(?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак.

### **ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ**

Пинборд–(инглизчадан: *pin*- маҳкамлаш, *board* – ёзув тахтаси) – ўқувчиларни тизимли ва мантиқий фикр билдиришга ўргатадиган метод.

Пинборд техникаси:

1) муаммоли масалалар ва вазиятлар, ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гуруҳларда) муаммони ечиш вариантларини баҳолаш ҳамда улар ичидан энг яхшисини танлаш имконини беради;

2) ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гуруҳларда) тоифали шарҳ ўтказиш имконини беради.

Пинборд техникасининг технологик чизмаси

### **КЕЙС–СТАДИ МЕТОДИ**

**КЕЙС** – (ингл. case – тўплам, аниқ вазият) – назарий билимларни амалий вазифаларни ечиш жараёнида қўллаш имконини берувчи *ўқитиш воситаси*.

Кейсда баён қилинган вазиятни ўрганиб ва таҳлил қилиб, ўқувчилар ўзининг келгусидаги касбий фаолиятида ўхшаш вазиятларда қўллаши мумкин бўлган тайёр ечимни олади.

Кейсда баён қилинган вазиятлар (касбий), амалий машғулотларда ечиладиган вазиятли масалалардан тубдан фарқ қилинади. Агар вазиятли масалаларда ҳар доим шарт (нима берилган) ва талаб (нимани топиш керак) берилган бўлса, кейсда, қоидага кўра, бундай параметрлар мавжуд эмас.

Ўқувчига тақдим этилган ихтиёрий кейсда:

- кейснинг белгиланиши ва топширик/саволлар аниқ ифодаланган бўлиши керак;
- баён қилинган муаммоли вазиятни ечиш учун керакли ва етарли ҳажмда маълумотларни ўз ичига олиши керак
- кейсни ечиш учун *услубий кўрсатмалар* бўлиши керак.

**Кейс–стади** (ингл.case– тўплам, аниқ вазият, стади-ўқитиш)–амалий ўқитиш вазиятларметоди.

Кейс-стади - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир.

Ушбу метод ўқувчиларни қуйидагиларга ундайди:

- муаммони шакллантиришга;
- амалий вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолашга;
- муаммо ечимини энг мақбул вариантини танлашга.

Ўқув машғулотнинг ўқитиш технологиясини танлашни икки асосий далил белгилайди:

1. Кейснинг ҳажми (қисқа, ўртача миқдордаги, катта)
2. Ўқув топшириғини тақдим этиш усули:
  - саволли ( саволлар кейсдан кейин келтирилади)
  - топшириқли (топшириқ кейс кириш қисмининг охирида келтирилади)

### **ЎҚУВ ЛОЙИХА МЕТОДИ**

Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, маълум муддат ичида (битта ўқув машғулоти доирасидан 2-3 ой муддат ичида) таълим олувчи гуруҳли ёки яқка тартибда берилган мавзу юзасидан лойиҳа топшириғини бажаради. Унинг вазифаси – муайян фойдаланувчига йўналтирилган янги маълумот олиш, белгиланган муддат ичида берилган у ёки бу муаммони илмий, техникавий ечимидан иборат.

Ўқув лойиҳаси тушунчаси:

- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқ қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган. Талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш *усули*;

- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув *восита ва қуроллари*;

- ривожлантирувчи, таълим-тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган *дидактик восита*.

## **ГРАФИК ТАШКИЛ ЭТУВЧИЛАР**

**КЛАСТЕР** (кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли- барча тузилманинг моҳиятини умумлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш асосида аниқ бирор мазмунни келтириб чиқаради.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва кенг жалб қилишда ёрдам беради.

### **Кластерни тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома**

1. Катта қоғоз варағи марказида калит сўз ёки 1-2 сўздан иборат мавзу номини айлана ичига ёзинг.

2. Калит сўз билан бирлашдиган ён томонига кичкина ҳажмдаги айлана- “йўлдошча” ичига мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмасини ёзинг. Уларни чизик билан “бош” сўзга боғланг.

3. Ушбу “йўлдошча”ларда “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин, улар ичига яна сўз ёки иборалар ёзиб ажратилган вақт тугагунга қадар ёки ғоялар тугамагунга қадар давом эттирилади.

**«НИМА УЧУН?» СХЕМАСИ** – муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича фикрлар занжири бўлиб, тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

**«Нима учун?» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома**

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммосабабини аниқлаш учун:

1) Муаммони ёзинг ва стрелка чизигини чиқариб «Нима учун?» сўроғини ёзинг.


2) Саволга жавоб ёзиб нима учун сўроғини такрор ёзиб бораверинг. Бу жараёни муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунича давом эттиринг

**«БАЛИҚ СКЕЛЕТИ» ЧИЗМАСИ** – бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

**“Балиқ скелети” схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома**

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммо майдонини тавсифлаш учун:

1. «Балиқ скелетини» чизинг:



2. «Суяк»нинг чап қисмида (ёки юқори суякда) муаммо ости муаммони ёзинг, ўнг қисмида (пастки суякда) – муаммо ости муаммони амалда мавжуд эканлигини тасдиқловчи далилларни ёзинг.

**«ҚАНДАЙ?» ИЕРАРХИК ДИАГРАММАСИ** - муаммо тўғрисида умумий тасаввурларни олишга, унинг ечимини топиш усул ва воситаларини топишга имкон берувчи мантиқий саволлар занжиридан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради.

**«Қандай?» диаграммасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома**

«Қандай?» диаграммасини тузишдан аввал, сиз қуйидагиларни билишингиз керак: кўп ҳолларда Сизга муаммолар ҳал этишда «Нима қилиш керак?» ҳақида ўйлашга ҳожат бўлмайди. Муаммо ечимини топиш учун асосан «Буни қандай қилиш керак?» қабилида бўлади. «Қандай?» - муаммони ҳал этишда асосий савол ҳисобланади.

1. Доира чизинг ва унинг ичига ечилиши лозим бўлган муаммони ёзинг.

2. Кетма-кет равишда «Қандай?» саволини қўйинг ва шу саволга жавоб беринг. Шу тартибда саволларни кетма-кет бериб бораверинг ва жавобларни ўйлаб ўтирмасдан, солиштирмасдан, баҳоламасдан, тез-тез ёзишда давом этинг.

3. Диаграммани таҳлил қилинг: агар диаграммадаги тармоқланган “шоҳчалар”да ғоялар такрорланса, демак айнан шу ғоя муаммони ечишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

*Маслаҳат ва тавсиялар:*

Янги ғояларни график кўринишда қайд этишни ўзингиз ҳал этинг: дарахт ёки каскад кўринишида, юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга. Энг муҳими эсда тутинг: нисбатан кўп миқдордаги фойдали ғоялар ва муаммо ечимларини топишга имкон берадиган усул энг мақбул усул ҳисобланади.

Агарда сиз муаммони ечимини топиш учун тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлайди.

**«НИЛУФАР ГУЛИ» ЧИЗМАСИ** - муаммони ҳал этиш воситаси. Ўзида нилуфар гули қиёфасини мужассам этган. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш қўникмаларини шакллантиради.

**«Нилуфар гули» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома**

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммони ҳал этиш воситаларини топиш учун:

1) Ўзида нилуфар гули қиёфасини мужассам этган схемани чизинг. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат;

	B			Z			C	
			B	Z	C			
	D		D	A	F		F	
			G	H	Y			
	G			H			Y	

2) асосий муаммони марказий квадратнинг марказига ёзинг. Уни ҳал этиш ғояларини марказий квадрат атрофида жойлашган қолган саккизта квадратларга ёзинг;

3) ҳар бир ушбу саккизта ғояни марказий квадрат атрофида жойлашган саккизта катта квадрат марказига ўтказинг, бошқача айтганда, нилуфар гулидан унинг гул баргига ўтказинг. Шундай қилиб, улар ҳар бири, ўз навбатида, яна бир муаммо сифатида қаралади.



---

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР**

---

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР

Фан бўйича талабанинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, услубий ва ахборот ресурслари билан тўла таъминланган. Талабалар аудитория машғулотида профессор-ўқитувчиларнинг маърузасини тинглайдилар, амалий мисоллар ечадилар. Аудиториядан ташқарида талаба дарсларга тайёрланади, адабиётларни конспект қилади, уй вазифа сифатида берилган топшириқларни бажаради. Бундан ташқари айрим мавзуларни кенгрок ўрганиш мақсадида қўшимча адабиётларни ўқиб реферат (тақдимот)лар тайёрлайди ҳамда мавзу бўйича тестлар ечади. Мавзуга доир масалалар, кейс-стади ва ўқув лойиҳаларини Ахборот ресурс маркази манбалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларини тўплаган ҳолда бажаради. Мустақил таълим натижалари рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Уйга берилган вазифаларни бажариш, янги билимларни мустақил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йўллари аниқлаш, Интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўгарак доирасида ёки мустақил равишда илмий манбалардан фойдаланиб илмий мақола (тезис) ва маърузалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Шунинг учун ҳам мустақил таълимсиз ўқув фаолияти самарали бўлиши мумкин эмас. Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машғулоти олиб борувчи ўқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзунини ўзлаштириш даражасини текшириш ва баҳолаш эса маъруза дарсларини олиб борувчи ўқитувчи томонидан ҳар дарсда амалга оширилади.

“Макроиктисодиёт” фанидан мустақил иш мажмуаси фаннинг барча мавзуларини қамраб олган қуйидаги мавзу кўринишида шакллантирилган:

### Талабалар мустақил таълимнинг мазмуни

Т/р	Мавзу номлари	Машғулоти тури	Ажратилган вақт	Талаба мустақил иши мавзуси ва мазмуни	Ҳисобот шакли
1.	Минтақавий иқтисодиёт фанининг предмети, мақсади ва вазифалари	Маъруза	2	Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг ҳозирги кундаги ҳолатини аниқлаш ва истиқболини белгилаш.	Маълумотлар тўплаш
		Семинар	2	Ўзбекистон Республикаси минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммоларини билиш ва ҳал этишдаги аҳамиятини кўрсатиш	Маъруза қилиш
2.	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида минтақаларнинг минерал хом ашё ва табиий ресурслари	Маъруза	4	Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида минтақаларнинг хом-	Маъруза қилиш

				ашё ва табиий ресурсларини ўрганиш тўғрисидаги фикрларини мустақил ўрганиш	
		Семинар	4	Минерал хом-ашё ва табиий ресурсларини салоҳиятини ҳисоб – китобини амалга ошириш.	Кўргазмали куруллар
3.	Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий бўлиниши	Маъруза	2	Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий бўлинишини мустақил ўрганиш ва унинг асосида маъруза тайёрлаш	Конспект
		Семинар	2	Ўзбекистоннинг ҳар бир худудини (вилоятининг) ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини ўрганиш	Реферат
4.		Маъруза	2	Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш борасидаги фикрларини мустақил ўрганиш	Конспект
		Семинар	2	Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш бўйича турлича назарияларни ўрганиш.	Реферат
5.	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида минтақалар аҳолиси ва меҳнат ресурслари	Маъруза	4	Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида минтақалар	Маъруза қилиш

				аҳолиси ва меҳнат ресурслари тўғрисидаги фикрларни мустақил ўрганиш.	
		Семинар	4	Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мин-тақалар аҳолиси ва меҳнат ресурсларини мин-тақавий хусусиятларини ўрганиш.	Маълумотлар тўплаш
6.	Ўзбекистон минтақаларида саноат тармоғини ривожлантиришнинг ҳудудий жиҳатлари	Маъруза	2	Ўзбекистон минтақаларида саноат тармоғини ривожланти-ришнинг ҳудудий жиҳатларини мустақил ўрганиш	Маъруза қилиш
		Семинар	2	Саноат тармоғини ривожлантиришда Республиканинг ҳудудий жиҳатларини ўрганиш	Реферат
7.	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ихтисослашуви	Маъруза	2	Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ихтисослашувини мустақил ўрганиш	Конспект
		Семинар	2	“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорини мустақил ўрганиш.	Реферат
8.	Минтақаларда коммуникация мажмуаси	Маъруза	2	Минтақаларда коммуникация мажмуасини ўрганиш.	Тақдимот слайдлари
		Семинар	2	Минтақаларда коммуникация мажмуасини айрим жиҳатларини мустақил ўрганиш	Маълумотлар тўплаш
9.	Ўзбекистоннинг Республика, минта-	Маъруза	2	Ўзбекистоннинг Республика, минтақа	Маъруза қилиш

	қа ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги ваколатларни тақсимлаш механизмлари			ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги ваколатларни тақсимлаш механизмларини ўрганиш	
		Семинар	2	Республика ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги ваколатларни алоҳида-алоҳида ўрганиш.	Реферат
10.	Минтақавий иқтисодий сиёсат	Маъруза	2	Минтақавий иқтисодий сиёсатга тегишли интернет маълумотларини тўплаш	Тақдимот слайдлари
		Семинар	2	Минтақавий сиёсат бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ва жорий этиш йўлларини аниқлаш	Реферат
11.	Минтақалар молияси ва уни тартибга солиш	Маъруза	4	Минтақалар молиясини ташкил этиш хусусиятларини ўрганиш	Реферат
		Семинар	4	Маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларини таҳлил этиш ва керакли хулосаларни ишлаб чиқиш.	Тақдимот слайдлари
12.	Минтақаларнинг ташқи иқтисодий алоқалари ва экспортни кўпайтириш йўллари	Маъруза	2	Минтақаларнинг ташқи иқтисодий алоқалари ва экспортни кўпайтириш йўллари бўйича маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил этиш	Тақдимот слайдлари
		Семинар	2	Ташқи иқтисодий алоқалари ва экспортни кўпайтириш йўллари тўғрисида-ги турли хил наза-рияларни мустақил ўрганиш	Кўргазмали қурооллар
13.	Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солиш	Маъруза	2	Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солиш давлат дастурини мустақил ўрганиш	Тақдимот слайдлари
		Семинар	2	Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солиш	Алоҳида мавзуларни мустақил ўрганиш



				воситаларини аниқлаш.	
14.	Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишни имкониятлари	Маъруза	2	Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишни имкониятларини ўрганиш бўйича маълумотлар тўпламини тайёрлаш.	Тақдимот слайдлари
		Семинар	2	Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишни имкониятлари бўйича ҳисоб-китобларн амалга ошириш	Кўргазмали қуроллар
15.	Ўзбекистон минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини такомиллаштириш йўллари	Маъруза	2	Ўзбекистон минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини такомиллаштириш йўллари аниқлаш.	Маълумотлар тўпламини тайёрлаш
		Семинар	2	Ўзбекистон минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини такомиллаштириш йўллари мавзуси бўйича тест саволларига жавоб бериш	Тест ечиш
16.	Минтақаларда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича ҳамкорлик	Маъруза	2	Минтақаларда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича маълумот тўплаш	Маълумотлар тўпламини тайёрлаш
		Семинар	2	Ўзбекистон минтақаларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари ўрганиш	Тақдимот слайдлари

---

## **ГЛОССАРИЙЛАР**

---

## ГЛОССАРИЙЛАР

Аграр инқирозлар	Agrarian crises	Аграрные кризисы	– қишлоқ хўжалигида рўй берадиган иқтисодий инқирозлар бўлиб, цикли тавсифга эга бўлмайди ва саноат циклига қараганда анча узоқ давр давом этади.
Аграр муносабатлар	Agrarian relations	Аграрные отношения	– ерга эғалик қилиш, тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаси	Agricultural production infrastructure	Сельскохозяйственная производственная инфраструктура	– бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи соҳалар.
Агросаноат мажмуаси	Agro-industrial complex	Агропромышленный комплекс	– қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хўжалик тармоқларининг бирлиги.
Ўртача маҳсулот	Average product	Средний продукт	– жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларининг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми.
Банк	Bank	Банк	– иқтисодиётнинг меъёрида амал қилиши учун зарур бўлган пул массаси ҳаракатини тартибга солувчи молия-кредит муассасаси.
Банк	Bank	Банк	– кредит муносабатларига хизмат қилиб, кредит тизимининг негизини ташкил қилувчи махсус муассасалар.
Банк кредити	Bank loan	Банковский кредит	– пул эгалари (банклар ва махсус кредит муассасалари) томонидан қарз

			олувчиларга (тадбиркорлар, давлат, уй хўжалиги сектори) берилувчи пул ссудалари.
Банк операциялари	Bank operations	Банковские операции	– маблағларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган операциялар.
Банк фойдаси (маржа)	Banking profit (margin)	Банковская прибыль (маржа)	– олинган ва тўланган фоиз суммалари ўртасидаги фарқ.
Банк фойда нормаси	Banking profit margins	Банковская норма прибыли	– банк соф фойдасининг унинг ўз капиталига нисбатининг фоиздаги ифодаси.
Бюджет тақчиллиги	Budget deficit	Бюджетный дефицит	– давлат бюджети харажатларининг даромадлардан ортиқчалиги.
Тадбиркорлик фаолияти	Business activities	Предпринимательская деятельность	– шакли ва соҳасидан қатъий назар фойда олишга ва ундан самарали фойдаланиш мақсадига қаратилган иқтисодий фаолият.
Иқтисодий цикл	Business cycle	Экономический цикл	– ишлаб чиқаришнинг бир иқтисодий инқироздан иккинчиси бошлангунга қадар такрорланиб турадиган тўлқинсимон ҳаракати.
Юксалиш	Climb	Подъём	– иқтисодий циклнинг иқтисодиётда тўлиқ бандликка эришилиши, ишлаб чиқаришнинг инқироздан олдинги даражадан ҳам ортиб кетиши ва тўловга лаёқатли талабнинг кенгайиб боришини тавсифловчи фазаси.
Тижорат кредити	Commercial credit	Коммерческий кредит	– корхоналар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг асосан тўловни кечиктириш йўли билан товар шаклида бир-бирига берадиган кредитлари.
Товар биржаси	Commodity	Товарная биржа	– олдиндан белгиланган

	exchange		қоидалар асосида улгуржи савдони ташқил этиш шакли.
Қиёсий нарх	Comparable prices	Сопоставимые цены	– ишлаб чиқаришнинг натижалари маълум йил (базис йил) асосида ҳисобланувчи ва бошқа йиллар билан таққосланувчи нарх.
Рақобат	Competition	Конкуренция	– бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун кураш.
Капиталнинг тўпланиши	Concentration of capital	Концентрация капитала	– қўшимча қийматнинг бир қисмини жамғариш (капиталлаштириш) натijasида капитал ҳажмининг ошиши.
Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши	Concentration of production	Концентрация производства	– ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йирик корхоналарда тўпланиши.
Истеъмол кредити	Consumer credit	Потребительский кредит	– хусусий шахсларга, аввало, узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари сотиб олиш учун маълум муддатга берилувчи қарз маблағлари.
Истеъмол сарфлари	Consumer spending	Потребительские расходы	– аҳоли даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлар учун ишлатиладиган қисми.
Истеъмол	Consumption	Потребление	– эҳтиёжларни қондириш мақсадида маҳсулот ва хизматларнинг ишлатилиши жараёни.
Истеъмол	Consumption	Потребление	– жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш натижалари ва омилларидан

			фойдаланиш жараёни.
Тадбиркорлик сектори	corporate sector	Предпринимательский сектор	– иқтисодийнинг даромад (фойда) олиш мақсадида амал қилувчи бирламчи бўғини.
Кредит	Credit	Кредит	– бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва уларни такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қарзга бериш.
Валюта биржаси	Currency exchange	Валютная биржа	– миллий валюталар курслари бўйича уларнинг эркин олдисотдиси амалга ошириладиган, расмий жиҳатдан ташкил этилган бозори шакли.
Жорий нарх	Current prices	Текущие цены	– йил давомидаги ишлаб чиқариш натижалари ҳисоблашда қўлланилувчи амалдаги нарх.
Циклик ишсизлик	Cyclical unemployment	Циклическая безработица	– иқтисодий циклнинг инқироз фазаси билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ишсизлик.
Ишчи кучи талаби	Demand for labor	Спрос на рабочую силу	– муайян вақтда иш ҳақининг таркиб топган даражасида турли иш берувчилар томонидан ишчи кучи миқдори ва сифатига билдирилган талаб.
Амортизация нормаси	Depreciation rate	Норма амортизации	– амортизация ажратмалари йиллик суммасининг асосий капитал қийматиға нисбатининг фоиздаги ифодаси.
Турғунлик (депрессия)	Depression	Депрессия	– ишлаб чиқаришнинг бир жойда депсиниб туришини аниқлаш ҳамда иқтисодий фаоллик жонланиши учун шарт-шароитларнинг вужудга келишиға имкон яратилувчи иқтисодий цикл фазаси.
Бевосита усуллар	Direct methods	Прямые методы	– иқтисодий тартибға солишнинг



			тақиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш тавсифидаги маъмурий воситалари.
Иштиёрида бўлган даромад	Disposable income	Располагаемый доход	– барча солиқлар тўлангандан кейин қолган даромад, яъни шахсий истеъмол ва жамғарма мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган даромад.
Мулкни тасарруф этиш	Disposal of property	Распоряжение собственностью	– мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш.
Таксимот	Distribution	Распределение	– ишлаб чиқариш омиллари ва унинг натижаларини иқтисодийнинг турли қисм ва субъектлари ўртасида тақсимлаш жараёни.
Диверсификация	Diversification	Диверсификация	– ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш, уларнинг сифатини такомиллаштириш.
Иқтисодий категория	Economic categories	Экономические категории	– доимо такрорланиб турадиган, иқтисодий жараёнлар ва реал ҳодисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий тушунча.
Иқтисодий инқироз	Economic crisis	Экономический кризис	– ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин тушиб кетиши.
Иқтисодий ривожланиш	Economic development	Экономическое развитие	– кўп қиррали жараён бўлиб, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиётида ўз ифодасини топади.
Иқтисодий мувозанат	Economic equilibrium	Экономическое равновесие	– иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг

			бир-бирига мос келиш ҳолати.
Иқтисодий ўсишнинг кўрсаткичлари	Economic growth	Показатели экономического роста	– иқтисодий ўсишни аниқлашда фойдаланиладиган қиймат, ижтимоий нафлилик ва натурал (жисмоний) кўрсаткичлар тизимидан иборат.
Иқтисодий қонун	Economic laws	Экономические законы	– иқтисодий ҳаётнинг турли томонлари, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги доимий, такрорланиб турадиган, барқарор сабаб-оқибат алоқалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги.
Иқтисодий ёки соф фойда	Economic or pure profit	Экономическая или чистая прибыль	– ялпи пул тушумидан барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми.
Иқтисодий мутаносиблик	Economic proportionality	Экономическая пропорциональность	– иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ва сифат ўлчамларнинг мос келишлик даражаси.
Иқтисодий ислохотлар	Economic reforms	Экономические реформы	– иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи.
Иқтисодий жамғариш	Economic savings	Экономическое сбережение	– миллий даромаднинг бир қисмининг асосий ва айланма капиталларни, шунингдек, эҳтиёт ва захираларни кўпайтириш учун сарфланиб бориши.
Иқтисодий уклад	economic structure	Экономический уклад	– турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритишнинг шакллари ва турлари.
Иқтисодий тизим	economic system	Экономическая система	– мавжуд иқтисодий муносабатлар мажмуасининг иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, хўжалик механизми ва

			иқтисодий муассасалар билан биргаликдаги тизими.
Иқтисодий битимлар	Economic transactions	Экономические сделки	– қийматнинг ҳар қандай айирбошланиши, яъни товарлар кўрсатилган хизматлар ёки активларга мулкчилик ҳукукининг бир давлат резидентларидан бошқа давлат резидентларига ўтиши бўйича келишувлар.
Иқтисодийни барқарорлаштириш	economy Stabilizing	Стабилизация экономики	– танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш.
Эмиграция	Emigration	Эмиграция	– фуқароларнинг ўз мамлакатларидан бошқа мамлакатларга доимий яшаш учун кўчиб ўтиши.
Айирбошлаш	Exchange	Обмен	– жамият аъзоларининг иқтисодий фаолият турлари ёки ишлаб чиқариш натижалари бўйича ўзаро алмашиш жараёни.
Биржа	exchange	Биржа	– намуна (ёки стандарт)лар асосида оммавий товарларнинг мунтазам савдо-сотик ишларини ўтказувчи тижорат муассасаси.
Валюта курси	Exchange rate	Валютный курс	– бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланган нархи.
Экспорт	Export	Экспорт	– товарларни чет эллик мижозларга сотиш бўлиб, бунда мазкур мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар мамлакатдан ташқарига чиқарилади.
Кенгайтирилган такрор ишлаб	Extended reproduction	Расширенное воспроизводство –	– ишлаб чиқариш миқёсларини мунтазам

чиқариш			равишда ошириб боришга асосланган ҳолдаги такрорланиши.
Экстенсив иқтисодий ўсиш	Extensive economic growth	Экстенсивный экономический рост	– ишлаб чиқаришга қўшимча иқтисодий ресурсларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши.
Факторинг	factoring	Факторинг	– бошқа иқтисодий субъектларнинг қарздорлик буйича мажбуриятларини сотиб олиш ёки қайта сотиш муносабатлари.
Иқтисодий ўсиш омиллари	Factors of Economic Growth	Факторы экономического роста	– иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатишда ўз ўрнига эга бўлган ва уни аниқлаб берувчи талаб, таклиф ва тақсимлаш омилларини билдиради.
Пировард маҳсулот	Final product	Конечный продукт	– ишлаб чиқариш жараёни яқунланган, шахсий ва унумли истеъмол қилишга тайёр бўлган маҳсулотлар.
Молия	Finance	Финансы	– пул маблағларининг ҳаракати, яъни уларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ равишда вужудга келадиган муносабатлар.
Молиявий сиёсат	financial policy	Финансовая политика	– давлатнинг ўз вазифаларини амалга ошириш учун молияни ташкил этиш ва фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар мажмуи.
Молиявий муносабатлар	financial relations	Финансовые отношения	– давлат, минтақалар, тармоқлар, корхона ва ташкилотлар ҳамда алоҳида фуқаролар ўртасида пул маблағлари фондларининг ҳаракати билан боғлиқ ҳолда вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар мажмуи.

Молия тизими	Financial system	Финансовая система	– молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.
Фискал (солиқ-бюджет) сиёсати	Fiscal (fiscal) policy	Фискальная (налогово-бюджетная) политика	– давлат томонидан иқтисодиётга таъсир кўрсатиш мақсадида солиққа тортиш ва давлат сарфи таркибини ўзгартириш бўйича қўлланилувчи чора-тадбирлар.
Форфейтинг	forfeiting	Форфейтинг	– узок муддатли факторинг муносабатлари.
Фрикцион ишсизлик	Frictional unemployment	Фрикционная безработица	– малакасига мос иш қидираётган ва иш ўринлар бўшабини кутаётганларни намоён этувчи ишсизлик.
Умумий мувозанатлик	general equilibrium	Общее равновесие	– иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг, энг аввало ялпи талаб ва ялпи таклифнинг бир-бирига тенг келган ҳолати.
Давлат кредити	government credit	Государственный кредит	– давлат қарз олувчи ёки кредитор сифатида майдонга тушадиган барча молиявий-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси.
Давлат кредити	government credit	Государственный кредит	– кредит муносабатларининг ўзига хос шакли бўлиб, бунда давлат пул маблағлари қарздори, аҳоли ва хусусий бизнес эса кредиторлари бўлиб чиқади.
Давлат сектори	Government sector	Государственный сектор	– ўз олдига фойда олишни мақсад қилиб қўймаган, асосан иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини амалга оширадиган турли бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг мажмуи.
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	Gross domestic product (GDP)	Валовой внутренний продукт (ВВП)	– йил давомида мамлакат ҳудудида

			ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги қиймати.
Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)	Gross national product (GNP)	Валовой национальный продукт (ВНП)	– миллий иқтисодиётда бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб тушадиган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги суммаси.
Уй хўжаликлари	Households	Домашние хозяйства	– иқтисодиётнинг истеъмол соҳасида фаолият кўрсатувчи асосий таркибий бирлик.
Иммиграция	Immigration	Иммиграция	– хорижий фуқароларнинг доимий яшаш учун мамлакатга кўчиб келиши.
Импорт	Import	Импорт	– чет эллик мижозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга киритиш.
Аҳоли даромадлари	Incomes	Доходы населения	– аҳолининг маълум вақт давомида пул ва натурал шаклда олган даромадлари миқдори.
Билвосита усуллар	Indirect methods	Косвенные методы	– иқтисодиётни тартибга солишнинг иқтисодий восита ва дастаклари.
Инфляция	Inflation	Инфляция	– қоғоз пул бирлигининг қадрсизланиши.
Инфляцион фарқ	inflation gap	Инфляционный разрыв	– ялпи сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан ортиқча бўлган миқдори.
Интенсив иқтисодий ўсиш	Intensive economic growth	Интенсивный экономический рост	– ишлаб чиқариш омилларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши.
Оралик маҳсулот	intermediate	Промежуточный	– ишлов бериш, қайта



		продукт	ишлаш ва қайта сотиш мақсадларида сотиб олинган маҳсулотлар.
Давлат ички қарзи	Internal debt	Внутренний государственный долг	– давлатнинг мамлакат ичида қимматли қоғозларини чиқариш, турли нобюджет фондларидан олган қарзи.
Халқаро кредит	international credit	Международный кредит	– ссуда капиталининг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ҳаракати.
Халқаро валюта тизими	International monetary system	Международная валютная система	– халқаро валюта муносабатларининг давлатлараро битимларда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган шакли.
Инвестиция	Investments	Инвестиции	– ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга, яъни асосий ва айланма капиталга пул шаклидаги қўйилма.
Акциядорлик жамияти	Joint-stock company	Акционерное общество	– кўпроқ фойда олиш мақсадида акциялар чиқариш орқали меҳнат, меҳнат қуроллари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда пул ресурс (капитал)ларини бирлаштирган уюшма.
Меҳнат биржаси	Labor exchange	Биржа труда	– ишчилар ва тадбиркорлар ўртасидаги ишчи кучини олди-сотди битимини тузишда воситачиликни амалга оширувчи ва ишсизларни рўйхатга олувчи муассаса.
Меҳнат предметлари	labor Objects	Предметы труда	– бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрладиган нарсалар.
Ишчи кучи таклифи	Labor supply	Предложение рабочей силы	– муайян вақтда иш ҳақининг таркиб топган даражасида ишга ёлланишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли ишчи

			кучи миқдори.
Лаффер эгри чизиғи	Laffer curve	Кривая Лаффера	– давлат бюджети даромадлари ва солиқ ставкаси ўртасидаги боғлиқликнинг тасвирланиши.
Лизинг	leasing	Лизинг	– одатда ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа моддий бойликларни кейинчалик фойдаланувчилар томонидан мунтазам равишда ҳақ тўлаб бориб, сотиб олиш шарти билан узоқ муддатли ижарага беришдан иборат кредитнинг пулсиз шакли.
Иқтисодий эркинлаштириш	liberalization of the economy	Либерализация экономики	– бу хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги тўсиқ ҳамда чекловларни, шунингдек, давлат назоратини кескин равишда қисқартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган чоратadbирлар тизими.
Лоренц эгри чизиғи	Lorenz curve	Кривая Лоренца	– даромадлар тенгсизлиги даражасини миқдорий жиҳатдан ифодаловчи геометрик эгри чизиқ.
Макроиктисодиёт	Macroeconomics	Макроэкономика	– моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини яхлит бир бутун қилиб бирлаштирган миллий иқтисодиёт ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир.
Сўнгги қўшилган маҳсулот	marginal product	Предельный продукт	– энг сўнгги қўшилган омил (капитал ёки ишчи кучи) эвазига ўсган маҳсулот ҳажми.
Бозор	Market	Рынок	– ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш

			жараёнида бўладиган муносабатлар йиғиндиси.
Бозор иқтисодиёти	Market economy	Рыночная экономика	– товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизим.
Бозор инфратузилмаси	market infrastructure	Инфраструктура рынка	– бу бозор алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишга хизмат кўрсатувчи муассасалар тизимидир.
Бозор механизми	market mechanism	Рыночный механизм	– бозор иқтисодиётининг фаолият қилишини тартибга солишни ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситалар.
Бозор объекти	market Objects	Объекты рынка	– айирбошлаш муносабатларига жалб қилинган иқтисодий фаолият натижалари ва иқтисодий ресурслар, товар, пул ва унга тенглаштирилган молиявий активлар.
Бозор субъекти	market participant	Субъект рынка	– айирбошлаш муносабатлари қатнашчиси.
Бозор нархи	Market price	Рыночная цена	– бир томондан, товарларнинг сотилиши таъминловчи, бошқа томондан, бозорда товарлар тақчиллигини юзага келтирмайдиган мувозанатлашган нарх.
Бозор ислохотлари	market reforms	Рыночные реформы	– бозор иқтисодиётини ва бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришга қаратилган чоратadbирлар мажмуи.
Моддий-буюмлашган бойлик	materially	Материально	– миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган ашёвий – буюм кўринишга эга

			бўлган қисми.
Услугият	Methodology	Методология	– илмий билишнинг тамойиллари тизими, йўллари, қонун-қоидалари ва аниқ ҳадислари.
Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари	Methods of state regulation of the economy	Методы государственного регулирования экономики	– тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситалари бирлиги.
Модернизациялаш	Modernization	Модернизация	– жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи.
Ишлаб чиқаришни модернизациялаш	Modernization of production	Модернизация производства	– ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён.
Пул тизими	monetary system	Денежная система	– тарихан таркиб топган ва миллий қонунчилик билан мустаҳкамланган, мамлакатда пул муомаласини ташкил қилиш шакли.
Пул	Money	Деньги	– умумий эквивалент ролини бажарувчи маҳсус товар.
Пул муомаласи	Money turnover	Денежное обращение	– товарлар айланишига ҳамда нотовар тавсифидаги тўловлар ва ҳисобларга хизмат қилувчи нақд пуллар ва унга тенглаштирилган молиявий активларнинг ҳаракати.
Ипотека кредити	Mortgage	Ипотечный кредит	– кўчмас мулклар (ер, бино) ҳисобига узок муддатли ссудалар шаклида берилувчи қарз маблағлари.

Аҳолининг табиий ўсиши	Natality	Естественный прирост населения	– бу аҳолининг эмиграция ва иммиграциядан ташқари ҳаракати.
Миллий даромад	National income (ND)	Национальный доход (НД)	– янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг пулдаги ифодаси бўлиб, ҳозирги ҳисоблар тизимида СММдан эгри солиқларни чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади.
Миллий бойлик	National wealth	Национальное богаЦтво	– инсоният жамияти тараққиётида аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий ва маънавий бойликлар ҳамда фойдаланишга жалб қилинган табиат инъомлари.
Табиий монополия	natural monopoly	Естественная монополия	– корхонанинг технологик хусусиятлари сабабли маҳсулотга бўлган талабни қондириш рақобат мавжуд бўлмаган шароитда самаралироқ амалга оширилувчи товар бозорининг ҳолати.
Табиий бойлик	natural wealth	Природное богаЦтво	– миллий бойликнинг табиатда мавжуд бўлиб, инсоният томонидан фойдаланишга жалб қилинган табиат ашёлари ва кучлари (ер, қазилма бойликлар, ўрмонлар, сув ва бошқалар).
Соф миллий маҳсулот (СММ)	Net National Product (NNP)	Чистый национальный продукт (ЧНП)	– йил давомида жонли меҳнатнинг унумли ҳаракати билан яратилган янги маҳсулотдир.
Номинал ЯИМ	Nominal GDP	Номинальный ВВП	– жорий нархларда ҳисобланган ЯИМ.
Номинал даромад	nominal income	Номинальный доход	– аҳоли томонидан пул шаклида олинган даромадлари суммаси.
Хўжаликлараро кредит	off-farm credit	Межхозяйственный кредит	– бир корхона (муассаса) томонидан

			иккинчисига берилиб, уларнинг капитал курилиш, қишлоқ хўжалик соҳаларидаги муносабатларига, шунингдек, ички хўжалик ҳисоби бўғинлари билан муносабатларига хизмат қилувчи қарз маблағлари.
Оукен қонуни	Okun's Law	Закон Оукена	– ишсизлик даражаси ва ЯИМ ҳажмининг орқада қолиши ўртасидаги нисбатнинг математик ифодаси.
Мулкка эгаллик қилиш	ownership of property	Владение собственностью	– мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туриши ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг иқтисодий шакли.
Хусусий мувозанатлик	Partial equilibrium	Частное равновесие	– бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий кўрсаткичлар ёки иқтисодиёт томонларининг миқдоран тенг келиши.
Тўлов баланси	Payment balance	Платежный баланс	– мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт оралиғида (одатда бир йилда) амалга оширилган барча иқтисодий битимлар натижасининг тартиблаштирилган ёзуви.
Шахсий даромад	Personal income	Личный доход	– миллий даромаддан ижтимоий суғурта ажратмалари, корхона фойдасидан олинадиган солиқлар ва корхонанинг тақсимланмайдиган фойдасини чиқариб ташлаш ҳамда аҳоли қўлига келиб тушадиган ижтимоий тўловлар



			суммасини кўшиш йўли билан аниқланади.
Нарх	Price	Цена	– реал бозор иқтисодиёти шароитида товар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафлилингнинг пулдаги ифодаси.
Шахсий истеъмол	private consumption	Личное потребление	– истеъмолчилик тавсифидаги неъматлар ва хизматлардан бевосита фойдаланишни, яъни уларнинг индивидуал тарзда истеъмол қилиниши.
Хусусийлаштириш	privatization	Приватизация	– мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқининг давлатдан хусусий ва бошқа шахсларга ўтиши.
Давлат тассарруфидан чиқариш	privatization	Разгосударствление	– мулкни давлат ҳисобидан чиқарилиб, бошқа нодавлат мулк шаклларининг вужудга келтирилиши.
Ишлаб чиқариш	Production	Производство	– кишилик жамиятининг мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни яратиш жараёни.
Ишлаб чиқариш функцияси	production function	Производственная функция	– ишлаб чиқариш омиллари билан унинг самараси ўртасидаги боғлиқлик.
Унумли истеъмол	productive consumption	Производительное потребление	– ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан фойдаланиш.
Меҳнат унумдорлиги	productivity	Производительность труда	– ишчи кучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилияти.
Фойда нормаси	profit rate	Норма прибыли	– фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига бўлган нисбатининг фойдадаги ифодаси.
Мулкчилик	property	Отношения	– мулкка эгаллик қилиш,

муносабатлари	relations	собственности	ундан фойдаланиш, уни ўзлаштириш ва тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.
Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш	Public reproduction	Общественное воспроизводство	– жамият миқёсида ишлаб чиқариш жараёнларининг мунтазам равишда янгиланиб ва такроран амалга оширилиб туриши.
Храповик самараси	ratchet effect	Эффект храповика	– ялпи талаб ошганда нархнинг ўртача даражаси кўтарилиши, лекин талаб камайганда, қисқа давр ичида нарх пасайиш тамойилига эга бўлмаслигини ифодаловчи кўрсаткич.
Реал ЯИМ	Real GDP	Реальный ВВП	– нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, ўзгармас ёки қиёсий нархларда ҳисобланган ЯИМ.
Реал даромад	real income	Реальный доход	– нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб аҳоли ихтиёридаги даромаднинг зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни сотиб олишга етадиган қуввати, яъни аҳоли даромадининг харид қуввати.
Реал иш ҳақи	Real wages	Реальная заработная плата	– номинал иш ҳақи суммасига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори ёки номинал иш ҳақининг сотиб олиш лаёқати.
Рецессион фарқ	recessionary gap	Рецессионный разрыв	– ялпи сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан кам бўлган миқдори.
Жонланиш	recovery	Оживление	– иқтисодий циклнинг ишлаб чиқаришнинг барқарор кенгайиб боришига ўтишини тавсифловчи фазаси.

Резкспорт	reexport	Резкспорт	– бирор бир мамлакат бошқа мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларни ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатга қайта сотиш учун харид қилиши.
Ислохотлар концепцияси	reform concept	Концепция реформ	– ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсад ва йўналишлари, уни амалга оширишнинг вазифалари ва стратегик йўлларининг умумий ғояси.
Реимпорт	reimport	Реимпорт	– истеъмолчи мамлакатдан резкспорт товарларни сотиб олиш.
Жамғариш	Saving	Сбережение	– аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва фойзли даромад олиш мақсадида тўплаб борилиши.
Хуфёна иқтисодиёт	Shadow economy	Теневая экономика	– ЯИМни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва ундан фойдаланишнинг расмий иқтисодиётдан яширин қисми.
Оддий такрор ишлаб чиқариш	Simple reproduction	Простое воспроизводство	– ишлаб чиқариш миқёсларининг ўзгармаган ҳолда такрорланиши.
Ижтимоий инфратузилма	social infrastructure	Социальная инфраструктура	– одамлар яшаш ва турмуш фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган соҳалар.
Ижтимоий тўловлар	Social payments	Социальные платежи	– кам таъминланганларга пул ёки натурал шаклда ёрдам кўрсатишга қаратилган турли хил тўловлар.
Ижтимоий сиёсат	Social politics	Социальная политика	– давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни, иқтисодиёт

			қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсат.
Инвестициялар самарадорлиги	soundness of investments	Эффективность инвестиций	– миллий даромад (фойда) ўсган қисмининг инвестицион сарфлар суммасига нисбатининг фоиздаги ифодаси.
Маънавий бойлик	Spiritual wealth	Духовное богаЦтво	– ашёвий-буюм кўринишига эга бўлмаган номоддий қимматликлардан ва инсониятнинг интеллектуал салоҳияти натижаларидан иборат.
Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш	State Regulation of Economy	Государственное регулирование экономики	– қонунчилик, ижро ва назорат қилиш хусусиятидаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
Фонд биржаси	Stock Exchange	Фондовая биржа	– қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича расмий жиҳатдан ташкил этилган ва мунтазам амал қилувчи бозор шакли.
Қимматли қоғозлар бозори	Stocks and bonds market	Рынок ценных бумаг	– турли кўринишдаги қимматли қоғозлар (акция, облигация, вексель, чек, депозит кабилар)ни олди-сотди муносабати.
Таркибий инкирозлар	Structural crises	Структурные кризисы	– иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва соҳалари ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликларни ифодаловчи иқтисодий ҳолат.
Таркибий ишсизлик	Structural unemployment	Структурная безработица	– ишлаб чиқариш ва ялпи талаб таркибидаги ўзгаришлар натижасида вужудга келадиган ишсизлик.
Миллий ҳисоблар тизими	System of National Accounts	Система национальных счетов	– миллий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни

			тавсифлайдиган ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизими.
Солиқ	Tax	Налог	– жамиятда вужудга келтирилган соф даромаднинг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шакли.
Солиқ ставкаси	tax rate	Ставка налога	– солиқ суммасининг солиқ олинадиган суммага нисбатининг фоиздаги ифодаси.
Истеъмолга ўртача мойиллик	The average propensity to consume	Средняя склонность к потреблению	– шахсий даромаднинг истеъмолга кетадиган улуши.
Жамғаришга ўртача мойиллик	The average propensity to save	Средняя склонность к сбережению	– шахсий даромаднинг жамғаришга кетадиган улуши.
Капиталнинг марказлашуви	The centralization of capital	Централизация капитала	– бир капитал томонидан бошқа бирининг кўшиб олиниши ёки бир қанча мустақил капиталларнинг акциядорлик жамияти ва бошқа шаклларда ихтиёрий бирлашиши орқали капитал ҳажмининг ўсиши.
Иқтисодий ўсиш мезони	The criterion of economic growth	Критерий экономического роста	– иқтисодий ўсишни нисбатан тўлиқ даражада баҳолаш имконини берадиган кўрсаткични характерлайди.
Давлатнинг иқтисодий вазифалари	The economic functions of the state	Экономические функции государства	– иқтисодий тизимнинг амал қилишига шарт-шароит яратиш ва иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган чоратadbирлар.
Иқтисодий ўсиш	The economic growth	Экономический рост	– ЯИМ, СММ, МД миқдорининг мутлоқ ҳажми ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайишида ва сифатининг яхшиланишида ифодаланади.

Давлат карзи ташқи	The external debt of the state	Внешний долг государства	– хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан олинган қарз.
Истеъмолга кейинги қўшилган мойиллик	The marginal propensity to consume	Предельная склонность к потреблению	– даромад ҳажмининг ўзгариши натижасида истеъмол сарфлари ҳажмининг ўзгариши даражаси.
Жамғаришга кейинги қўшилган мойиллик	The marginal propensity to save	Предельная склонность к сбережению	– даромад ҳажмининг ўзгариши натижасида жамғариш ҳажмининг ўзгариши даражаси.
Ссуда капитали бозори	The market of loan capital	Рынок ссудного капитала	– пул шаклидаги капиталнинг фоиз тўлаш шарти билан қарзга бериш бўйича олди-сотди муносабати.
Илмий абстракция усули	The method of scientific abstraction	Метод научной абстракции	– таҳлил пайтида ҳалал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали нарсалар, воқеа-ҳодисаларни фикрдан четлаштириб, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътиборни қаратиш.
Мультипликатор самараси	The multiplier effect	Эффект мультипликатора	– бу соф миллий маҳсулотдаги ўзгаришнинг ялпи сарфлардаги ўзгаришга нисбати.
Фоиз нормаси (ставкаси)	The norm (rate) percent	Норма (ставка) процента	– фоиз ёки фоизли даромаднинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоизда ифодаланиши.
Ишлаб чиқариш жараёни	The production process	Процесс производства	– кишилиқ жамиятининг амал қилиши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолият.
Иқтисодий давлат тартибга солиш	The purpose of state regulation of economy	Цель государственного регулирования экономики	– иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни



мақсади			таъминлаш, иқтисодий тизимни мустаҳкамлаш ва уни ўзгариб турувчи шароитга мослаштириш.
Жамғариш нормаси	The rate of savings	Норма сбережения	– жамғариш суммасининг миллий даромадга нисбатининг фоиздаги ифодаси.
Ишчи кучини такрор қилиш ҳосил	The reproduction of the labor force	Воспроизводство рабочей силы	– инсоннинг меҳнатга бўлган жисмоний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаш ва таъминлаб туриш, уларнинг меҳнат малакасини муттасил янгилаб ва ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражаси ўсишини таъминлаш, қариган ишчилар ўрнини босадиган ёш ишчилар авлодини етиштириш жараёни.
Давлат бюджети	The state budget	Государственный бюджет	– давлат даромадлари ва харажатлари ҳамда уларни молиявий таъминлаш манбаларининг тартиблаштирилган режаси.
Ялпи ишчи кучи	The total labor force	Совокупная рабочая сила	– жамият ёки алоҳида олинган мамлакат миқёсида қиймат ва истеъмол қийматларини яратишда иштирок этувчи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият қилувчи ишчи кучларининг умумлаштирилган мажмуи.
Бозор иқтисодиётига ўтиш даври	The transition to a market economy	Переходный период к рыночной экономике	– маъмурий-буйруқбозлик тизимини бартараф этиш ёки тубдан ўзгартириш ҳамда бозор иқтисодиёти тизимининг асосларини шакллантириш жараёнлари амалга

			оширилувчи тарихий давр.
Мулкдан фойдаланиш	The use of property	Пользование собственностью	– мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилиши, яъни унинг нафли жихатларининг бевосита истеъмол қилиниши.
Меҳнат қуроллари	Tools	Орудия труда	– инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиладиган воситалар.
Умумий маҳсулот	Total product	Общий продукт	– жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш эвазига олинган маҳсулотнинг мутлақ ҳажми.
Ялпи таклиф	total supply	Совокупное предложение	– мамлакатда нархларнинг муайян даражасида ишлаб чиқарилган ва сотишга тайёр бўлган барча товарлар ва хизматлар ҳажми.
Касаба уюшмаси	trade union	Профсоюз	– иш берувчи ва ишга ёлланувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларининг шаклланиши, амалга оширилиши ва тартибга солинишида ишга ёлланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилоти.
Ишсизлик	Unemployed	Безработные	– меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаган ишчи кучи.
Ишсизлик даражаси	Unemployment rate	Уровень безработицы	– ишсизларнинг ишчи кучи таркибидаги фоизли нисбати.

---

**ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН  
ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР**

---

## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР

### Электрон журналлар

1. Academy of Accounting and Financial Studies Journal, ISSN: 10963685
2. Academy of Banking Studies Journal , ISSN: 19392230
3. Accounting and Finance , ISSN: 08105391
4. Advances in Business Marketing and Purchasing , ISSN: 10690964
5. Advances in Financial Economics , ISSN: 15693732
6. Advances in Global Leadership , ISSN: 15351203
7. Advances in Industrial and Labor Relations , ISSN: 07426186
8. B.E. Journal of Economic Analysis and Policy , ISSN: 19351682
9. Business Communication Quarterly , ISSN: 10805699
10. Computational Economics , ISSN: 09277099
11. Economics of Transportation , ISSN: 22120122
12. Global Economic Review, ISSN: 1226508X

### Интернет сайтлар

1. <http://www.voxeu.org/>
2. <http://qfinance.com/>
3. <http://video.mit.edu/browse/>
4. [www.study.com](http://www.study.com)
5. [www.inderscience.com](http://www.inderscience.com)
6. [www.free-management-ebooks.com](http://www.free-management-ebooks.com)

**И.О. Якубов, Ҳ.А. Ҳакимов**

**“Минтақавий иқтисодиёт” Фани бўйича  
ўқув-услубий мажмуа**

*Маъруза машгулоту учун*

**Тошкент: Иқтисодиёт, 2016 йил.**